



ЎАН ВА ТУРМУШ

ЯНГИ ЙИЛИМИЗ
ОМАДЛИ БЎЛСИН!

Рухлар гадо бўлган заминда
Шоҳлар гадо, шоирлар гадо!
Инсоф адо бўлган заминда
Гадо экан ҳаттоки худо!
Абдулла ШЕР.

«Улуғбек юлдузлари». Мусаввир Ҳо-
жиақбар СОЛИҲОВ.

Ўзбекистон ССЖ Халқ хўжалик ютуқ-
лари кўргазмасида ўтказилган Япония-
нинг «Сумитомо-90» кўргазмасида на-
мойиш этилган замонавий енгил маши-
налар.

Мусаввир А. К. СОКОЛОВНИН
«Тунги шаҳар осмонидаги сайёраго-
асари.


ССЖИ халқ рассоми Урол ТАНСИҚ-
БОЕВНИНГ «1916 йил» асари.






Мухандис А. Сижалиева «Брукер» фирмасида яратилган электрон парамагнит резонансли спектрометрда ўтказувчан полимернинг парамагнит хоссаларини ўрганиш бўйича тажриба ўтказаётир.

Жумҳуриятимиз Фанлар академияси Иссиқлик физикаси бўлимининг молекуляр системалар лабораториясида ССЖИ ФАнинг муҳбир аъзоси, профессор Пўлат Ҳабибуллаев раҳбарлигида кичик ўлчамли энг янги органик ашёлар бўйича кенг кўламда тадқиқот олиб борилмоқда. Бу ашёлар жаҳон амалиётида катта «сунъий маъдан» деган махсус ном билан аталади. Дарҳақиқат бу ашёлар мутлақо қутилмаган ҳолда маъдан ва ярим ўтказгичлар билан бир қаторда ўта ўтказувчан ашёларнинг ҳам хоссаларини намоён қила олиши мумкин. Шу хил бирикмаларни, масалан, полиацетилен тарзидаги ўтказувчан полимерларни микро ва молекуляр электроника қурилмаларида қўллаш истиқболлари жуда кенг. Бу ерда ўтказилаётган тадқиқотларда замонавий жиҳозлар ва асбоб-ускуналардан фойдаланилмоқда. Ушбу саҳифада ана шундай тадқиқотлар акс этган.



Илмий ходим И. Хайруллин билан муҳандис Х. Аҳмаджонова автоматлашган спектрал комплексида ўтказувчан полимерлар юпқа плёнкаларининг оптик хоссаларини тадқиқ этишмоқда.



Физика-математика фанлари номзоди Жаҳонгир Ҳайдаров Саньяк ва Наха-Цандер интерферометри тарзидаги тола-оптик унсурлардаги ночизигий эффектларни тадқиқ этиш мақсадида мураккаб ночизигий резонатори бўлган световодли лазерни созлаш билан машғул.

Сергей ДОВИДОВ суратга олган.



Илм олмакка интилиш
ҳар бир муслим ва
муслима учун қарзу фарз.

Ҳадис.



1933 йилдан чиқа
БОШЛАГАН
ЯНВАРЬ — 1991

Ўзбекистон
Фанлар
академиясининг
илмий-оммабон
ойномаси

БОШ МУҲАРРИР

Комилжон ЗУФАРОВ

ТАҲРИР ҲАЙЪАТИ:

Абдумавлон АБДУЛЛАЕВ

Аҳмадали АСҚАРОВ

(бош муҳаррир ўринбосари)

Камол БОБОМУРОДОВ

Галина МАТВИЕВСКАЯ

Ҳусниддин УМАРЗОДА

(масъул котиб)

Уктам ПРАТОВ

Ўткир РАСУЛОВ

Асом РАФИҚОВ

Зокиржон САЛИМОВ

Маҳмуд САЛОҲИДДИНОВ

Елқин ТЎРАҚУЛОВ

Нурислон ТЎХЛИЕВ

Раҳим УСМОНОВ

Файзулла УСМОНОВ

Комил ХОЛМУҲАММАД

(бош муҳаррир ўринбосари)

Шабот ХУЖАЕВ

Эркин ЮСУПОВ

БЎЛИМ МУҲАРРИРЛАРИ:

Рустам ОБИД

Оқилхон ОДИЛХОН

Саид МУРОД

МУҲАРРИРЛАР:

Маҳфуза АСАДУЛЛА қизи

Рустам БОЙТЎРА

Ассалому алайкум азиз муштарий!

Ойноманинг ушбу сониди

ЖЎРАЕВ Б.	
Ибн Сино илми ҳикмат бобида	2
ТЎЛАГАНОВ Ф.	
Демократик парламент ўйлари	4
БЎРИЕВА М.	
Жумҳуриятда кимлар яшайди	6
ТУРСУНОВ М.	
Ер қандай айланади	8
Ўзбекистон ССЖ ФА илмгоҳи ва лабораторияла- рида	10
КАРИМОВ Н.	
Ўзбек адабиётининг жаллодлари	12
ЭРКИНОВ А.	
Рамзларга яширинган маъно	14
Ҳадис	16
ШАҒОАТ РАҲМАТУЛЛО	
Имом Термизийга муножот	16
МУҲАММАДЖОНОВ М.	
Аср бошидаги маросимлар	18
АКРОМОВ З.	
Испанияни кезганда	20
НУРИДДИНОВ Ё.	
Учар ликопчалардан инс-жинсларгача	22
РУСТАМ ОБИД.	
Дуонинг кучи	24
МУСАЕВ П.	
Миллий мактаб қандай бўлиши лозим	26
Қадимги Хитой ҳикматлари	28
СТОЯНОВА К.	
Ванга: Самовий мавжудот билан учрашув	30

каби мақолаларни ўқийсиз

МУҚОВАДА

Муқованинг биринчи саҳифасида тасвир этилган суратлар ойноманинг мундарижасини қисман ифода этади, қолган саҳифалардаги расмларга изоҳ берилган.

КЕЛГУСИ СОНДА

О Сўз мулкининг султони Мир Алишер Навоий ҳақида сўз О Кониотимиз сирларидан яна бир баҳс О Меросимиз ҳикматлари О Мунаввар қори — халқ душмани, миллатчи бўлганмиди! О Ликопча ўчадиган, музлатгич юрадиган, кийим-кечак қандилга ўз-ўзидан осилиб қоладиган хонадон тўғрисида ҳикоя О Одил юрда ноҳақ қамалганлар ноҳаси.



Бобоқул ЖҶРАЕВ,
СамДД физика куллиётининг доценти.

Урта асрлар Шарқининг буюк алломаси, ватандошимиз Абу Али Ҳусайн Ибн Абдуллоҳ Ибн Сино аввало табиб ва файласуф эди. Айни вақтда бошқа фанлар, жумладан, физика билан машғул бўлди. Унинг механик ҳаракат, иссиқлик, товуш ва ёруғликнинг табиатига қарашлари диққатга сазовордир. Ёруғлик ва табиатда учрайдиган кўплаб ёруғлик ҳодисаларига нисбатан билдирган фикрлари илмий ва тарихий аҳамиятга эгадир. Чунки илм-фаннинг бу соҳасидаги тараққиёт йўли жуда мураккаб бўлганидан далолат беради.

Ёруғлик ва ёруғлик ҳодисаларининг табиатини тушуниш ва тушунтиришда Ибн Синодан ҳозирги замон даражасидаги билимини талаб қилиб бўлмайди, албатта. Унинг ёруғлик ҳақидаги тасавури бизнинг ҳозирги тасавури-миздан йироқ эканлиги табиий, аммо ёруғлик каби мураккаб ҳодисанинг сирларини очиб учун тўғри йўл танлашга уринишда Ибн Сионинг буюк алломага хос сезгирлиги кўриниб турарди. Айнан шунинг учун ҳам олим ёруғлик ва кўриш жараёни тўғрисидаги мулоҳазаларини фаразлари билан замондошлари ҳамда устозларидан жуда илгарилаб кетди.

Маълумки, оптика фани нима учун атрофимиздаги нарсаларни кўрамиз, ёруғлик ўзи нимадан иборат, у кўздан чиқадими ёки жисмдан чиқадими каби саволларга жавоб топишга уринишлар натижасида пайдо бўлган. Ибн Сино ҳам аввало ёруғлик ўзи нима, деган саволга жавоб беришга ҳаракат қилди. Беруний ҳам Ибн Синога: «Ёруғлик ўзи нима: жисмми, акцидент [хосса] ёки бирор бошқа нарсами!» деган савол билан мурожаат қилди. У жавоб бериб: «Ёруғлик акцидентдир», деди. Ибн Сионинг фикрича, «ёруғликнинг моддийлигига ишониш асоссиздир».

Аммо олим ўз жавобларида қатъий эмас. Уз асарларида бу саволни атрофлича муҳокама қилар экан ўзи ҳам ёруғликнинг моддийлигига ишонишга мойил эканлигини кўриш мумкин. Ибн Сино ёруғлик тезлигининг чегараланганлигини билмас эди. Ёруғлик тезлигининг «чексизлиги» унинг моддий эмаслигини тасдиқловчи далил бўлиб туюлади Ибн Синога. «Агар ёруғлик жисм бўлганда эди, — деб ёзади Ибн Сино, — яқин масофадагига қараганда узоқ масофадан кечкииб тушган бўлар эди. Қуёш нури ёнгинамизда турган лампа нури билан бир вақтда тушмаслиги керак эди», деб мулоҳаза юртади олим. Ибн Сино ёруғликнинг моддий эмаслигини исботлаш учун яна қуйидаги далиллари келтиради: «Агар ёруғлик жисм бўлса, у ҳолда ёруғ-

лик нурларининг ҳавода ўзаро киришиб кетишига ақл бовар қилмайди... қуёшдан ёки алангадан узлуксиз равишда жисм ортидан жисм чиқиб турса, у ҳолда ёруғликнинг чиқиши қуёш ва алангани сузар [фильтрлар] эди».

Ёруғликнинг моддийлигига қарши келтирилган бу далиллар ёруғликнинг ўша пайтларда ҳеч кимга маълум бўлмаган объектив хоссаларига олим алоҳида эътибор берганлигини кўрсатади. Ибн Сионинг замондоши араб олими ал-Ҳайсам ёруғлик тезлиги чекли, деган фикрни билдирган эди. Илмий хабарларнинг ўша замонлардаги тарқалиш тезлигини эътиборга олсак, ал-Ҳайсамнинг илмий башоратларидан Ибн Сино беҳабар қолган деб ҳисоблаш мумкин. Ҳозир эса ёруғлик тезлиги сонияда 300 000 км эканлиги, қуёш нури олдимиздаги лампа нуридан саккиз дақиқа чамаси кечкииб етиб келиши ҳар бир мактаб ўқувчисига маълум. Ёруғликнинг мустақиллик қонуни нурлар ўзаро киришиб кетишини тушүтириб берди. Ҳозир мустақиллик қонунидан четланишни ҳам биламиз, яъни нурлар бир-бири билан эркин киришиб кета олмайди, улар бир-бирига ҳалақит қилади, ёруғлик интерференцияси юз беради. Аммо бу ҳодиса инсталган шароитда кузатилавермайди. Нур ўзи билан масса ва энергия олиб кетиши сабабли ёруғлик манбани, яъни қуёш ёки алангани маълум даражада филтрлашини ҳам биламиз, яъни нурланиш тўғрисида қуёш массаси узлуксиз камайиб боришини тан олишга мажбурмиз. Аммо бу ҳақиқатлар Ибн Синодан кейин неча-неча асрлар ўтгач маълум бўлди.

Кўриш жараёнини тушунтираётиб Ибн Сино ёзади: «Нур ё субстанция ёки акциденция. Агар акциденция бўлса у бир жойдан бошқа жойга силжий олмайди. Моддий субстанция бўлса, у ҳолда ҳавода тарқалиши мумкин». Шу билан бирга олимнинг фикрича, иссиқлик ҳам акциденциядир, ўз-ўзидан ҳаракатда бўла олмайди. «Лекин у [иссиқлик] акциденция сифатида ҳаракатдаги жисм ичида бўла олади. Жисм исишининг сабабларидан бири ёруғликдир. Ёритилган ҳар қандай жисм ёритилмаган жисмга нисбатан иссиқдир, заррабин эса ёрита туриб куйдириши мумкин». Олимнинг бу мулоҳазаларини қисслаб, ёруғлик акциденция эмас, балки моддий субстанциядир, деган хулосага келишимиз табиийдир. Чунки ёруғлик ҳаракатдаги материя бўлмаганда эди, ўз-ўзидан ҳаракат қила олмайдиган иссиқликни ўзи билан олиб ўта олмас ва ёритилган жисмларни исита олмас эди. Ёруғлик оқими катталиги ёруғлик тарқалиши йўналишига тик бўлган юзадан вақт бирлигида ёруғлик олиб ўтган энергиянинг катталиги билан характерланади. Ҳам зарра, ҳам тўлқин хоссасига эга бўлган ёруғлик материянинг бир кўриниши, энергия эса материянинг хоссаси, Ибн Сино айтганидек, энергия — бу акциденция, ҳаракатдаги материя, яъни ёруғлик билан бир жойдан иккинчи жойга кўчади ёки материянинг бошқа бир кўриниши билан кўчиши мумкин.

Қуёшни Ибн Сино ердаги энергиянинг асосий манбаи деб ҳисоблайди. «Агар ер қуёш нурлари билан иситилмаса ва ўз атрофидаги ҳавонин иситмаса эди, — деб ёзади олим, — ерда жуда совуқ бўлар эди». Аллома бундай хулосага келади: «Нур тик ҳолатда тушса», жисм яхши ёритилади ва кучли исийди. «Нур тик йўналишда қанчалик оғишса, ёритилиш шунча кучсиз бўлади. Ёз кунларида қуёш шимолга силжийди, тик ҳолатга яқинлашади, шунда ер ортироқ ёритилади», шунинг учун ёзда ҳаво жуда иссиқ бўлади. «Қишда кучли совуқ бўлишининг сабаби шуки, қишда қуёш нурлари ўтмас, кенг ёйилган бурчак билан қайтади». Кўришиб турибдики, қуёш нурининг ерга тушишини кузатиб, Ибн Сино ўз мулоҳазалари билан ёритилганликнинг ҳозирги қонунларига яқин, чунки ёритилганлик нур тушиш бурчанинг косинусига тўғри мутаносиблиги маълум.

Ибн Сино ўз асарларида кўриш жараёнини тушунтиришга алоҳида эътибор берган. Бу ўринда аввало «Ёруғлик нимадан чиқади: кўзданми ёки жисмданми!» деган саволга жавоб бериш зарур эди. Беруний ҳам Ибн Синога мурожаат қилиб: «Сув сирти силлиқ бўлганда сув тагида ётган нарсани қандай қилиб ва нима учун кўрамиз, кўриш нурлари жисмнинг силлиқ сиртидан қайтиб кетади-ку!» деб сўра-



ганда айнан шу саволни назарда тутган эди. «Аристотелнинг фикрича, — деб ёзади Ибн Сино, — кўриш кўздан нур чиқишидан иборат эмас». Ёруғлик сув тагида ётган жисмдан чиқади, сув эса ёруғликни кўзга етказиб бериш қобилиятига эга бўлган шаффоф жисмдир, деб тушунтирди олим. Аристотелгача ва ундан кейин ҳам кўплаб олимлар «нур кўздан чиқади ва жисмларга бориб етади, шундай қилиб, улар сезилади ва кўринадиган бўлиб қолади, деб ўйлашган. Бу бемаъниликдир, — деб ёзади Ибн Сино, — қайси бир кўзда осмондан тортиб то ергача бўлган бутун бир оламни кўра оладиган нур бўлиши мумкин!»

У кўздан нур чиқиши мумкинлигини қатъиян рад этади ва бу даъволарга қарши кўплаб далиллар келтиради. «Агар кўздан нимадир чиқиб, жисмнинг ўлчамини билиш мақсадида уларни сезганда эди, у вақтда узоқда турган жисмни биз кичик ўлчамда кўрмаган бўлар эдик», деб тушунтиради олим. «Ёруғланаётган жисм ёруғлик чиқариш хусусиятига эга ва бошқа жисмларни, улардан бирор нарса ажралиб чиқмаса ҳам (ёруғлик чиқармаса ҳам) ёритади», «ўзидан нур чиқарадиган ҳар бир жисм ораликда шаффоф жисм бўлса бошқа жисмни ёритади», деб қайд қилади. Ал-Хайсам ҳам «ёруғлик нурланувчи жисмдан чиқади ва кўзга тушиб кўриш туйғусини уйғотади», деб Ибн Сино билан бир фикрда қолади.

Олимнинг бутун дунёга маълум ва машҳур асари «Тиб қонунлари»да одам кўзи тузилишининг тафсилоти кенг ёритилади. Айрим манбаларда кўзнинг тузилиш тафсилотини оптика тарихида биринчи бўлиб ал-Хайсам ёзиб қолдирган дейилади. Ибн Сино ва ал-Хайсам иккови 15 йил фарқ билан биринчи ва иккинчи мияг йилликлар оралиғида бир вақтда яшаганлиги ҳамда ижод қилганлигини, Ибн Сионинг буюк табиблигини, одам анатомиясини жуда яхши билганлигини ҳисобга олсак, кўз тузилишининг тафсилотини биринчи бўлиб ал-Хайсам берган, деган фикрга қўшила олмаймиз. Улар кўз тузилиши тафсилотини бир-биридан беҳабар ҳолда бир вақтда яратилган дейишга эса ҳамма асос бор.

Шундай қилиб Ибн Сино кўз тафсилотини биринчилардан бўлиб ёзиб қолдирган. Олим чизган кўз сурати ҳозирги чизмаларга жуда ўхшашлигини таъкидлаш лозим. Айниқса Ибн Сионинг кўз гавҳари тасвири тўр пардага ўзатади, деган фикри ўз замонаси учун илғор эди, зотан, унгача бу фикри ҳеч ким айтмаган. Ибн Сионинг фикрича, ёруғлик нурланувчи ёки нурни қайтарувчи жисмдан «ҳаво ёки бошқа шаффоф жисм орқали кўзга келиб тушади ва тасвир музсимон суюқ жисм ва гавҳар ёрдамида кўриш сезгисига ўзатилади». Шундай қилиб, масаланинг энг нозик томони ҳам шундаки, Ибн Синогоча кўпчилик олимлар гавҳар кўзнинг тасвири қабул қилувчи асосий қисми деб ҳисоблашган бўлса, аллоمانинг юқорида келтирилган мулоҳазасидан кўриниб турибдики, гавҳар тасвири кўриш сезгисига (тўр пардага) ўзатувчи иккинчи даражали аъзодир. Аммо айрим олимлар Ибн Сино худди шу ўринда Аристотель таъсиридан қутула олмагани учун хатога йўл қўйди, яъни гавҳарнинг асосий аъзо эмаслигини аниқлай олмади, деб таъкидлашади. Тўғри, Берунийнинг саволларига қайтарган жавобларида: «Музсимон суюқлик ўз олдидан пайдо бўлган ҳамма тасвирларни қабул қилади, шунинг ўзи кўришдир», деб ёзади Ибн Сино. Балки Беруний билан савол-жавоблар вақтида кўриш жараёнини тушунтиришда Ибн Сино Аристотель қарашларидан четлаша олмаган бўлса ажаб эмас. Аммо кейинчалик ўзининг шоҳ асари «Донишнома»да бу хатони тузатган ва кўриш хусусиятини тушунтиришда устозидан илгарилаб кетган.

Узоқда турган жисмнинг кўзга кичик бўлиб кўринишини Ибн Сино қуйидагича тушунтиради: «Узоқда турган жисм кичик кўринишининг сабаби шуки, жисмдан келаётган нурлар орасида вужудга келаётган кўриш бурчаги кичик бўлади. Шу сабабли узоқда турган жисм бизга яқин турган жисмга нисбатан кичик кўринади. Агар жисм яқинда турган бўлса кўриш бурчаги катта бўлади, шунинг учун у катта бўлиб кўринади».

Оптик шишалар: линза, ясси ва сферик кўзгуларнинг хоссалари Ибн Синого яхши маълум бўлган, чунки ўз асар-

ларида олим айрим ёруғлик ҳодисаларини тушунтиришда бу шишаларни эркин ишлата билган. Масалан, нима учун заррабин билан ёритганда жисмлар қуяди, деган саволга жавоб бериб, ёзади: «Заррабин ёрдамида куйдириш шунинг учун содир бўладики, унда ҳамма томондан келувчи нурларни йиғувчи нуқта бор. Бу нуқта кучли ёритилади, бинобарин кучли исийди». Шундай қилиб, Ибн Сино линзада нурлар синиб тўпланадиган нуқта — фокус борлигини билган. «Агар қуёш нурлари ясси шишага тушса, — деб ёзади Ибн Сино, — нурларни тўплаш қобилиятига эга бўлмаганидан жисмларни куйдириш хоссасига эга эмас».

Линзада тескари тасвир ҳосил бўлишини Ибн Сино яхши тасаввур қилган. «Тоғ биллурдан (линзадан) нур ўтганда тўғри кетмайди, ўнг томондан тушаётган нур чап томонга кетади, чап томондан тушаётган нур ўнг томонга кетади. Бошқа бир йўналишда тушаётган нур ўша йўналишга тескари бўлган томонга кетади. Бинобарин, улар бир нуқтада тўпланади. Ва ундан кейин муҳитда конуссимон шаклда тарқалиб кетади. Тўғри йўналишда давом этган нурлар жисмнинг бошланиши, тўғри чизиқдан чиққан нурлар эса жисмнинг охирини беради, шунинг учун ўнг чапга айланиб қолади». Шу муносабат билан Берунийнинг «Нима учун сув тўлдирилган колбадан биллур заррабин ўрнида куйдиришда фойдаланса бўлади!» деган саволига Ибн Сионинг жавоби қизиқарлидир. «Сув табиатан зич, силлиқ ва рангсиз моддадир, шунинг учун сув тўлдирилган шиша колбадан нур синиши натижасида нурларнинг кучи тўпланади ва ёниш содир бўлади», дейди у.

Буюк олим атмосферада кузатиладиган камалак, Қуёш ва Ой тожлари, сароб, юлдузларнинг тунда кўриниб кундуз кўринмаслиги ва бошқа шу каби оптик ҳодисалар сирини ечишга ҳам ҳаракат қилади. Ибн Сионинг фикрича, қуёш нам ҳавони ёритганда нурнинг буғ қоронғилиги билан аралашуви натижасида камалак ҳосил бўлади. Аммо олим «аралашув» механизмини очиб бера олмади. «Камалак юқоридан, пастдан ва ўрталикдан турли рангларга эга бўлади, у айлана шаклида, лекин тугалланмаган айлана... Буғ зарралари қуёшдан бир хил масофада жойлашганлиги учун қуёш камалакнинг қутби ҳисобланади». Камалакни Ибн Сино жуда узоқ муддат пастликда ва тоғ устида кузатиб тўғри тасвирлай олган, аммо камалакда рангларнинг пайдо бўлишини тушуна олмади, ўша пайтда камалак рангларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги назариялар ҳам уни қониқтира олмади. У кўп марта Ой камалагини ҳам кузатди.

Қуёш ва Ойни юпқа булут пардаси қоплаб турганда тожлар ҳосил бўлишини Ибн Сино қуйидагича тушунтиради. «Ой атрофида тож шунинг учун ҳосил бўладики, нур Ойдан булут зарраларига кўзгуга тушгандек тушади ва бу кўзгулардан Ойгача бўлган масофа бир хил, бу кўзгулар жуда кўп ва майда бўлиб, Ой атрофида жойлашганлиги учун уларни алоҳида-алоҳида кўра олмаймиз, фақат биргаликда кўринади. Шундай қилиб, Ой атрофида еруғ чизиқ кўринади. Айрим пайтларда ўртада жойлашган ҳолда Ойнинг ўзи ҳам кўринади. Бунинг сабаби шуки, булут зарралари нафис ва заиф бўлади, айрим пайтларда Ойнинг ўзи кўринмайди, лекин тож яхши кўринади». Ибн Сино Қуёш атрофидаги кўп сонли галони ҳам кузатган ва камалак билан галонинг фарқини тушунтириб берган. Галонинг айрим белгилари кузатиш йўли билан об-ҳавонинг қандай бўлишини олдиндан айтиш мумкинлигини таъкидлаган.

Шундай қилиб, Ўрта аср Шарқининг буюк алломаси ва табиби ёруғликнинг табиатини ва мураккаб оптик ҳодисалар моҳиятини тушунтириш ишига муҳим ҳисса қўша олди. Ибн Сино ёруғликнинг табиатига қарашлари билан устозлари ва замондошларидан анча ўзиб кетдики, унинг мулоҳазалари ҳозир ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган.

ДЕМОКРАТИК ПАРЛАМЕНТ ҲАМ ҲАММАНДА

КЕНГАШГАНГА КЕНГ ДУНЕ

Жумҳуриятимиз парламенти тантанали равишда Мустақиллик декларациясини қабул қилган экан, жиддий равишда суверен давлат сифатида амалий ишларга ўтиш аллақачон заруриятга айланган. Мустақилликни эълон қилдикми, уни қонуний асосда ҳаётга татбиқ этиш лозим. Давлат суверенитети тўлиқ мустақилликни англатади. Суверен ҳокимият деганимизда ҳам олий ҳокимиятни тушунаемиз. Шунинг учун ҳам чекланган суверенитет бўлиши мумкин эмас. Халқаро ҳуқуқда мустақиллиги чекланган давлат автономия, яъни мухторият деб аталади. (Аслида «автоном» атамасининг ўзи мустақил деганидир). Эндиликда мухтор давлат дейилганда баъзи масалаларни ҳал қилишда тўлиқ мустақил бўлмаган давлат назарда тутилади. Қонун чиқарувчи давлат органимизнинг Олий деб аталиши ҳам унинг суверенлиги белгиси бўлиб хизмат қилиши керак. Агар Олий Кенгашимиздан ҳам юқори бир қонун чиқарувчи орган эмас, парламентимизни Олий деб аташ мантиқсизлик ва мунофиқликдан бошқа нарса бўлмай қолади. Ҳозирги пайтда баъзи назариётчилар (ҳатто айрим олий мартабали шахслар ҳам) «илмий» асосламоқчи бўлиб шунни айтиптиларки, гўё мутлақ суверен давлат амалда бўлиши мумкин эмас, сабаби — давлатлар турли ўзаро алоқалар билан боғланиб кетишган ва бу алоқаларни ўзиш алоҳида бир давлатга катта зарар келтиради. Айниқса иттифоқ миқёсида олганда жумҳуриятларнинг мустақил давлатларга айланиши катта зарар берар эмиш. Шунинг билан айниқса иттифоқ миқёсида олганда жумҳуриятларнинг мустақил давлатларга айланиши катта зарар берар эмиш. Шунинг билан айниқса иттифоқ миқёсида олганда жумҳуриятларнинг мустақил давлатларга айланиши катта зарар берар эмиш. Шунинг билан айниқса иттифоқ миқёсида олганда жумҳуриятларнинг мустақил давлатларга айланиши катта зарар берар эмиш. Шунинг билан айниқса иттифоқ миқёсида олганда жумҳуриятларнинг мустақил давлатларга айланиши катта зарар берар эмиш.

XXI ас арафасида давлатлараро муносабатлардаги фирромлик ва адолатсизлик доимий кескинлики юзага келтириши мумкин, халқаро ҳуқуқларни ҳурмат қилиш эса давлатларни янада яқинлаштиради. Ғарбий Европадаги интеграцион жараёни бунга мисол қилиб кўрсатиш мумкин.

Мустақилликни эълон қилиш билан давлат ўз-ўзидан мустақил бўлиб қолмайди, бунинг учун мустақилликни ҳуқуқий жиҳатдан ҳар томонлама таъминлашни амалга ошириш лозим. Биринчи галда Иттифоқ мустақиллигига барҳам бериш зарур. Жумҳурият қоғозда эмас, амалда мустақил бўлиши учун Иттифоққа бўйсунмайдиган жумҳурият Бош прокурорини тайинлаш лозим. Бош прокурорнинг Олий Кенгаш томонидан тайинланиши ва унга ҳисоб бериб туриши қонунда кўрсатилиши керак. Ички ишлар вазирлиги ва Давлат ҳавфсизлик қўмитаси ҳам амалда жумҳурият парламенти томонидан тузилиши ва Олий Кенгаш назорати остида бўлиши зарур. Жумҳурият ўз-ўзини ҳимоя қила олиши учун етарли миқдорда мустақил қуроли кучларга эга бўлиши керак, бу кучлар фақат муҳофаза учун лозим бўлган қурооллар билангина таъминланиши мумкин. Бундан қатъи назар жумҳуриятимиз ядро ва химиявий қуроолдан холи, демилитаризацияланган давлат деб жаҳон афкор оммасига эълон қилиниши керак. Ташқи ва ички сиёсат муаммоларини ҳал этишда қуроол куч ишлатиши қатъий қоралаш қонунда акс этиши лозим.

Мустақилликни эълон қилган эканми, давлатимизни номлашда, рамзий белгиларини жорий қилишда ҳам эр-

киндримиз. УзССР деган номни сақлаб қолиш жоизмикан, деган савол туғилади. Ҳозир етти ёшдан етмиш ёшгача шу нарса маълумки, ҳалигача на жумҳуриятда, на мамлакатда социалистик тузум қурилмаган. Иккинчидан ўтган 70 йилдан кўпроқ давр мобайнида ҳокимият амалда советлар қўлида бўлмади, шу боис совет сўзи ҳам обрўсизланди. Шуларни инобатга олиб ҳар иккала сўзни давлатимиз номидан олиб ташлаш лозим. Халқимиз айтади-ку «Холва деган билан оғиз чучимас», деб. Бундан буён буларни ишлатиш мунофиқлик билан келишиш бўлади. Давлатимизни қандай номлаш, албатта бир кишининг иши эмас, бу борада фақат таклиф киритиш мумкин, холос. Масалан, кўп минг йиллик тарихимиз ва нажот — демократик ўзгаришларда эканлигини эътиборга олиб, Ўзбекистон Республикаси деб аташни таклиф қиламан.

Кейинги пайтда оммавий ахборот воситаларида жумҳуриятимиз Олий қонун чиқарувчи органи — парламенти мизни турлича номлаб келишмоқда: УзССР Олий Совети, Ўзбекистон Жумҳурияти Олий Шўроси, Ўзбекистон Жумҳурияти Олий Шўроси, Ўзбекистон Жумҳурияти Олий Кенгаши ва ҳоказо деб. Бу номлар кўпчиликни гангитиб қўймоқда. Баъзилар қайси ташкилот ҳақида гап кетаётганини ҳам тушунмасликлари мумкин. Менимча, Олий қонун чиқарувчи органимиз номи ўзбек (туркий) тилимизда янграши керак, шу билан бирга, у қандай номланишидан қатъи назар ўзининг демократик ҳуқуқий моҳиятини ҳам акс эттириши керак. Менимча она тилимиздаги Олий Кенгаш атамаси маъқул. Шунингдек, бутун жаҳон халқлари ишлатадиган парламент сўзидан ҳам баравар фойдаланавериш зарур. Умуман, халқаро ҳуқуқий атамалардан воз кечмаслик, янгиларини ярата боришимиз керак. Халқимизда «Кенгаши тўй тарқамас», «Кенгашганга кенг дунё» деган ажойиб мақоллар бор. Шу маънода Олий Кенгаш атамаси халқчилдир.

ДЕПУТАТЛАРИМИЗНИНГ 73 ЙИЛЛИК ҚАРЗИ

Гапни бир қараганда аҳамиятсиз кўринувчи, лекин аслида муҳим бир муаммодан бошласак. Қайси бир каттаю кичик мамлакатга борманг, сизга парламент биносини фахрланиб кўрсатишади ва у бунга арзийди. Бизда махсус парламент биноси борми? Йўқ. Олий Кенгашимиз мажлисларини Ўзкомфирқа собиқ биносида олиб боради. Жумҳуриятимиз Олий Кенгашининг доимий қароргоҳи албатта бўлиши, у жумҳуриятдаги энг салобатли, кўркам бинода жойлашиши керак. Парламент — ҳақиқий халқ уйи бўлиши лозим. Бу бинода депутатларимизнинг ишлаши учун барча имконият муҳайё қилиниши зарур. Жумладан техник хизматлар, кутубхона, матбуот марказлари ва ҳоказолар. АҚШ конгресси жуда бой ва машҳур кутубхонага эга бўлиб, конгрессменлар ўзларига зарур бўлган ҳар қандай маълумотни қисқа муддатда олиши мумкин. Бу кутубхона нафақат Америкада, ҳатто бутун дунёда энг йирик ҳисобланади. Унда, 1988 йилги маълумотларга кўра 85 миллион та кўлөзма, китоб, фильм ва фотосуратлар сақланади. 1987 йилда кутубхонанинг илмий тадқиқот хизмати конгрессменларнинг 450 мингдан кўпроқ сўровига жавоб берган. Бу рақамлар конгрессменлар қўлида қандай улкан ахборот манбалари борлигини кўрсатиб турибди.

Бундан ташқари, ривожланган демократик давлатларда парламент маданиятига ҳам катта эътибор берилади. У

ерда парламентда тан олинган тартибни бузиш, малакасиз фикр юритиш, вайсақилик қилиш сиёсий арбобнинг обрўсига жиддий зарар келтириши мумкин. Бундай ҳоллар жамоатчилик ўртасида, матбуотда дарров тегишли баҳо-сини олади.

Бир қатор ССЖИ ва УзССЖ халқ депутатларининг бу борадаги савияси кишини оғир ўйга чўмдиради. Буни парламент тажрибаси етишмаслиги билан асло оқлаб бўлмайди. Бир қанча депутатларимизда парламент маданияти у ёқда турсин, оддий маданият етишмаслигини ҳам эътироф этмоқ керак. Масалан, бир аёл депутатимиз барча аёл депутатлар номидан (улар ваколат беришганми, йўқми, бу кўпчиликка қоронғу) бир масъул жойга сайланмай қолган аёлни қайтадан ҳудди ўша жойга сайлаб беришларини сўради. У таклиф этилмиш аёлнинг депутатлар эътиборидан четда қолган бирор истеъдоди, малакаси ҳақида сўзлаш ўрнига фақат аёл сифатида тавсия этди. Бошқа бир депутатимиз эса лавозимга депутатни маълум бир миллатдан бўлгани учун сайлашни сўради. Таажжуб, депутатларга қачонгача жинси, миллатига қараб баҳо берамиз! Депутатлар фаолиятига қараб баҳо бериш асосий мезон бўлиб хизмат этмайдими, ахир!! Наҳотки, яна кимнидир келиб чиқишига ёки ёшлигидаги хизматларига қараб мансабга сайласак!!

СССР халқ депутатлигига сайланган юртдошларимиздан бири Иттифоқ Олий Кенгашидаги бошқа депутатларимизни оқламоқчи бўлиб, андишалик туфайли сўзга кам чиққан бўлсалар керак, деди. Ватанимиз, халқимиз экологик фалокатга учраган, иқтисодий «фаровонлик»да яшаётган, социал «адолат»дан «қувнаётган» бир маҳалда андишали инсонларга балли-е!

Маълумки, японлар ҳам дунёдаги энг андишали, сертавозе халқлардан. Ҳатто кўчада икки япон бир-бирига бехосдан туртиниб кетса бир-бирдан дарҳол узр сўрашга тушади. Лекин япон депутатлари парламентда депутатлик бурчларини бажараётганда шундай қизишиб кетишадими, баъзан махсус полиция хизматидан фойдаланишга ҳам тўғри келади. Бу билан бизнинг ҳам парламентда ёқадан бўғишгача бориш керак, демоқчимасмиз. Аксинча бизда инглизча совуққонлик билан суҳбатдошини тинглаш жуда зарур бўлган босиқлик кўпинча етишмай қолаётгани кўпунтари кишини. Гапнинг пўсткалласини айтганда, депутатларимиз сукутида андишадан бошқа сабаблар ҳам бўлса керак...

Жумҳуриятимиз Олий Кенгаши сессияларининг бир неча кунгина давом этиши аёнанага айланиб қолди. Бизга нисбатан анча ривожланган жумҳуриятлар парламентларининг сессиялари бир неча ойлаб давом этмоқда. Ҳатто орадаги таътиллар ҳисобидан ҳам ишини давом эттирган парламентлар бор. Наҳотки, муаммоларимиз шунчалик оз ва тез ҳал этиладиган бўлса!! Менимча муштарийлар бунга юз фоида кўшилишмаса керак. Аввало халқчил жараёнда, иқтисодда ҳам, ижтимоий адолат соҳасида ҳам, маориф, фан соҳаларида ҳам, сир эмас, жумҳуриятимиз ўзига номуносиб ўринлардан жой олмоқда.

200 йиллик демократия, парламентчилик тажрибасига эга бўлган АҚШ, Франция каби давлатлар парламентларининг иши ҳалигача кўп. Шундай экан, ҳазил қилиб айтганда, депутатларимиз оғир юк — 73 йиллик «қарз»ни узиш учун ҳали қаттиқ тер тўкишлари зарур. Ҳа, аҳволимиз шунини талаб қилади.

Ҳуқуқий давлат тузмоқчи эканмиз, депутатларимизга зарур шароит ва имкониятлар яратиб берилмаса, уларнинг қонун чиқаришдек масъул ваколатлари ҳеч нарсага арзимай қолади. Бизда бирор янги нарсани ман қилиш, йўқотиш, янчиб ташлаш тажрибаси етиб ортади, лекин жамият учун фойдали нарсани яратиш, ижод қилиш, бунёдкорлик етишмайди. Мақсад ҳар қанча эзгу бўлсин унга ҳеч қачон куч ишлатиб, зўравонлик билан эришиб бўлмайди, яъни бундай усуллар билан демократик ҳуқуқий давлат қуриш мумкин эмас. Социализм қурилиши баҳонасида, коммунистик идеаллар йўлида тўкилган беҳисоб қонлар ҳам жамиятимизнинг гуллаб-яшнашга олиб келмади. Бутунлай гайринисоний яроқсиз воситалар билан яхши ниятга



ҳам эриша олмастимиз барчага маълум бўлиб қолди. Ҳуқуқий йўлдан бормасак, демократияга ўрганмасак бундан кейин ҳам ҳеч қачон ҳақиқий инсоний жамият қура олмастимиз.

Демократик давлатларда ҳокимиятни суниестемол қилишнинг олдини олишда норасмий эътироф этилган тўртинчи ҳокимият — жамоатчилик фикри ҳокимияти ҳам бор. Бу ҳокимият ҳар қандай фирқалардан юқори туради, расмий ҳокимият ташкилотларига ғоят кучли таъсир кўрсатади. Жамоатчиликнинг эркин фикри қандайдир махсус воситалар билан шакллантирилмайди, балки турли йўналишдаги, ҳатто қарама-қарши тусдаги эркин матбуот, телевидение, радио ва бошқа оммавий ахборот воситалари орқали ўз ифодасини топади.

Бизда ҳам жамоатчилик фикри бўлган, дегувчилар ора-мизда бор. Шундай «жамоатчилик» фикрига, тўғрироғи ҳукмига кўра, давлат аппарати томонидан уюштирилган сон-саноксиз йиғилиш, митингларда ўзгача фикрлилар бир овоздан қораланди, кўплари халқ душмани деб эълон қилиниб, отиб ташланди. Буни яқин ўтмишимиздан яхши биламиз.

Жамоатчилик фикри эркин оммавий ахборот воситаларидан ташқари турли фирқалар фаолияти орқали ҳам ифодаланади. Айниқса кўп партиялилик, адолатли сайлов натижалари жамоатчилик фикрини аниқроқ акс эттиради. Ҳозирги парламентимиз устида эса яна «бир ёқадан бош чиқариб», «якдиллик» билан овоз бериш булутлари юзага келмоқда. Бунинг бир қанча сабаблари бор, шулардан бири — парламентимиз аъзолари фаолиятига жамоатчилик фикрининг ниҳоятда кучсиз таъсиридир. АҚШ каби юксак демократия ҳукмирон давлатларда фуқаролар ўзлари сайлаган халқ вакиллари қандай фаолият кўрсатаётганлигини жуда яхши билишади — вакил парламентда қандай қонун лойиҳаларини киритаётибди, муҳокамаларда қандай иштирок этипти ва ҳоказоларни. Депутатларнинг қайси масалада қандай овоз бераётганликларига қараб ҳам баҳо беришади. Номини ошкора билдириб овоз бериш ҳам парламентчиларимизда масъулиятни оширган бўлур эди. «Аргументы и факты» рўзномасидаги каби бизда ҳам номини ошкора билдириб овоз бериш натижалари «Халқ овози» рўзномасида эълон қилиб борилса, фойдадан ҳоли бўлмайди. Бу, балки, фуқароларимизнинг ҳам фаолиятини оширган бўлур эди.

ДЕМОКРАТИЯНИНГ АРЗОНИ ЯХШИМИ!

Ҳозирги иқтисодий инқироз даврида тежамкорликни кучайтириш ҳақида жар солиняпти. Ҳатто халқчиллаштириш, парламент фаолияти соҳалари бўйича ҳам иқтисод қилиш мумкин деган «тежамкорлар» топиляпти. Бундай «ихтирочилик» ташаббуси ўзининг амалий ифодасига эга бўлмоқда, десак янглишмаймиз. Парламентимиз депутати ўз фаолияти учун 100 сўм пул оларкан, холос. Баъзи фирқаларга кўра, аппаратчиликка қарши курашиш учун шундай оз хизмат ҳақи белгиланган эмиш. Наҳотки, парламенти-миз депутатлари қилган хизматининг баҳоси шу бўлса!

Аваламбор, ақчамиз оз экан, бунчалик кўп кишилик парламент тузиш керак эмас эди. Тузилдими, унга етарли маблағ ва имконият яратиб берилиши шарт. Аппаратчилик билан курашиш масаласига келсак, фойдасиз назорат ва бошқарув аппаратларини тугатиш туфайли бир ўқ билан бир неча қуёни урган бўлардик. Биринчидан, жуда катта маблағлар иқтисод қилинарди, иккинчидан, фуқаролар ор-тиқча ва бемаъни югур-югурдан тинчирди. Учинчидан, со-биқ аппаратчилар жамият учун фойдалироқ ишларга жалб

қилинган бўларди. Бозор иқтисодиётига ўтиш билан бундай ташиқлотларга бўлган эҳтиёж ўз-ўзидан йўқолади. Тежалган катта маблағларнинг бир қисмини эса парламент фаолиятини кучайтиришга сарф қилиш керак. Ҳақиқий аҳволни билиш учун хорижий давлатлар парламенти харажатларини кўздан кечириб кифоя. Масалан, 1986 йили ГФР парламенти — бундестаг харажатлари 454 миллион маркани ташкил этди. Бундестаг депутатининг маоши солиқ олинадиган 8728 маркага тенг бўлди. Бундан ташқари, депутатларга солиқ олинмайдиган, депутатлик фаолияти билан боғлиқ сарф-харажатларни қоплашга мўлжалланган маблағ ҳам тўланар экан. Бу маош 5078 марка бўлиб, у сайлов участкаси бюросини таъминлашдан тортиб, пойтахт шаҳар — Бонндаги квартира, овқатланиш, меҳмонхона, кўнғироқ орқали сўзлашувлар, йўл ҳақи, почта, маҳкама моллари ва ҳатто шахсий автомашина харажатларигача сарф қилинади. Бу ҳали ҳаммаси эмас, ҳар бир депутат ўзига зарур ёрдамчилар ёллаши учун яна қўшимча равишда 9130 марка миқдорда маблағ олади. Бизга бу далиллар ортиқча исрофгарчилик бўлиб туюлиши мумкин. Баъзилар айтиши мумкинки, уларнинг пули кўп-да, шунинг учун ҳам уни аямай совуришади деб. Чўқурроқ ўйласак, улар керакли нарсаларга етарли пул сарфлай олганликлари учун ҳам маблағларни кўплигини тушунамиз. Еки АҚШ конгресси аъзоларини олсак, ўтган йили уларнинг маоши йилига 89500 доллардан иборат бўлган. 1991 йилдан 120 минг доллар. Конгресс фаолиятини эса 38 минг кишилик хизматчилар армияси таъминлаб турган. Техник хизматчилар сони эса 15 минг кишидан иборат экан. Конгресс аъзоларининг шахсий аппаратларида 14 мингга яқин одам бўлган. Ҳар бир сенаторнинг 30 нафардан ёрдамга шай хизматчилари турган.

Замонавий парламент депутатдан жуда кўп куч талаб қилади, ҳақиқий давлат парламенти, бу — фахрий унвон эгалари йиғилиши эмас. Шунинг учун ҳам халқ сайлаб қўядиган вакиллар молиявий томондан ҳам, бошқа томонлардан ҳам чинакамга мустақил бўлиши лозим. Бутун халқнинг, суверен давлатнинг манфаатлари буни талаб этади.

Ишончли ва етарли ахборот билан таъминлаш ҳам парламент фаолиятида катта аҳамиятга эга. Ахборот олиш ва тарқатишдаги яққақоқимлик бунга катта зарар етказиши мумкин. Бутун ахборот манбалари ва воситалари мафкуравий қуролга айланган бўлиб, охири-оқибатда одамларнинг уларга бўлган ишончи йўқолди. Бизда бу манба ва воситаларга бюрократлашиб кетган аппарат эгаллиги қилиб келди. Ҳозирги пайтда ҳам Олий Кенгашимиз исталган ахборотни тўлиқ ва етарли миқдорда олишига ҳеч ким кафолат бера олмайди. Бу, парламентимизнинг самарали ва пухта ишлаши йўлидаги катта ғовдир. Давлатимиздаги иқтисодий-сиёсий вазиятти чуқур ва аниқ билиш парламент депутатлари учун нақадар зарурлигини ҳаммамиз тушунамиз. Турли қонунларни, давлат бюджетини тасдиқлаш учун жуда кўп маълумот олиш, уларни текшириб чиқиш ҳам талаб қилинади. Маълумот олишда мустақил бўлиш учун парламент ўз ахборот теграсига эга бўлиши керак. Бирор масалани чуқур ўрганиш учун экспертлар гуруҳлари тузилиши лозим. Ана шундагина депутат эски аппаратидан мустақил бўлиши мумкин. Ҳозирги вақтда эса депутат ахборот манбаини танлаш имконига эга эмас. Ночорликдан у эски аппаратга мурожаат қилишдан бошқа иложи йўқ. Депутат учун зарур маълумотларни олиш эса аппаратнинг манфаатларига мос келмай қолиши мумкин. Оқибатда ахборот парламентга «тузланган», «дудланган» ҳолда тақдим этилиши ҳам эҳтимолдан узоқ эмас. Мустақил оммавий ахборот воситалари, айтилик, сиёсий фикрлар хилма-хиллигини таъминловчи эркин ойнома ва рўзномалар йўқлиги ҳам муаммони янада ўткирлаштиради. Охирида айтмоқчиманки, парламентимиз жумҳурият ички ва ташқи ҳаётининг барча соҳалари бўйича исталган маълумотни олиш имкониятига эга бўлгандагина ҳозир олдимизда турган ўткир муаммоларни ҳал этишга кириша олади.

Фаррух ТУЛАГАНОВ,
УзССЖ ФА Фалсафа ва ҳуқуқ илмгоҳининг
ҳамтадқиқотчиси.

ЖУМҲУРИЯТДА КИМЛАР ЯШАЙДИ?

ИЖТИМОЙ ҳаётда ишлаб чиқарувчи кучларнинг тобора ривожланиб бориши муносабати билан жаҳоннинг турли мамлакатларида маълум йилларда аҳолини рўйхатга олиш тадбирлари ўтказиб турилади. Чунки бу тадбир туфайли халқ ҳўжалиги учун зарур бўлган бир қанча маълумотлар қўлга киритилади. Масалан, аҳолининг умумий сони, ҳудуд бўйича тақсимланиши, ёши, жинси, ижтимоий ва миллий таркиби, табиий ўсиши, бир жойдан иккинчи жойга кўчиши (миграция), халқ ҳўжалиги тармоқлари бўйича тақсимланиши каби маълумотлар шулар жумласидандир. Улар асосида маълум бир ҳудуд аҳолиси ҳақида фикр юритилади, илмий жиҳатдан ўрганилиб, аҳоли ўсишининг келажақдаги йўналишлари белгилаб берилди. Аҳоли ҳақидаги маълумотлар, шунингдек халқ ҳўжалигининг барча тармоқларини режалаштиришда, уларни меҳнат ресурслари билан таъминлашда, янги шаҳарлар, иш жойлари барпо этишда катта амалий аҳамиятга ҳам эга.

Бизда аҳолини рўйхатга олиш сўнгги юз йилда бир неча марта (1897, 1920, 1926, 1939, 1959, 1970, 1979, 1989 йиллар) ўтказилган. Шундан 1897 йилги аҳолини рўйхатга олишда Ўзбекистон аҳолиси ҳақида ҳам айрим статистик маълумотлар берилган бўлса-да, биروق унда Бухоро амирлиги ва Хива хонлиги аҳолиси ҳисобга олинмаган. 1920 йилда ўтказилган аҳолини рўйхатга олишда ҳам ССЖИ аҳолисининг фақат 72 фонзи қамраб олинган бўлиб, Ўзбекистон аҳолиси ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлинмади. 1926, 1939, 1959, 1970, 1979 йилларда ўтказилган аҳолини рўйхатга олиш жумҳуриятимиз ҳудудини тўлиқ қамраб олган ва аҳолимиз таркибини анча мукамал ўрганишга имкон беради. Олдинги рўйхатдан фарқли ўлароқ, унда мутахассислар ва режалаштирувчи ташкилотлар фикр-мулоҳазалари ҳам эътиборга олинган.

Мамлакатимизда навбатдаги аҳолини рўйхатга олиш тадбири 1989 йили ўтказилди. Ушбу рўйхат мазмунан анча бой бўлиб, аҳолининг ижтимоий-иқтисодий ва демографик мансуб қатор маълумотларини ҳам ўз ичига олган. Қўйида 1989 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотлари асосида жумҳуриятимиз аҳолисининг миллий таркиби ҳақида тўхталамиз. Мақола ҳажмини эътиборга олиб, кўп сонли миллатларининг таҳлил қилдик.

Маълумки, Ўзбекистон мамлакатимиздаги кўп миллатли жумҳуриятлардан биридир. Утган йиллардаги маълумотларни қислаб кўрсак, 1939 йилги аҳолини рўйхатга олиш пайтида Ўзбекистонда 97 та, 1959 йилгиса 113, 1970 ва 1979 йиллардагиса 120 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари яшаган. 1989 йилги аҳолини рўйхатга олиш маълумотларига кўра, Ўзбекистонда 125 дан ортиқ миллат ва элат вакиллари истиқомат қилади, уларнинг умумий сони 19 миллион 810

миндан ортиқ кишини ташкил этди.

Улкамизнинг асосий миллати бўлмиш ўзбеклар сони 1989 йилда мамлакатимизда 16 697 762 кишини ташкил қилиб, шундан 14 142 475 киши ёки бутун ССЖИ даги ўзбекларнинг 84,7 фоизи Ўзбекистонда (Тожикистонда — 7,2%, Қирғизистонда — 3,3%, Қозоғистонда — 2,0%, Туркменистонда — 1,9%, РСФСР да — 0,8% ва Украинада 0,1%) истиқомат қилади. 1959—1989 йилларда ўзбеклар сони деярли 3 баробарга ошди ва жумҳуриятимиз аҳолисининг 71,4 фоизини ташкил қилди. Бу, асосан, табиий ўсишнинг юқорилигидандир. Умуман, ўзбек, қорақалпоқ, тожик, қозоқ, туркман ва қирғиз каби маҳаллий миллатларда табиий ўсиш юқори бўлиб келган ва кейинги 30 йилда уларнинг ўртача йиллик кўпайиши 3,15 фоизни ташкил этди.

Табиийки, кўпчилик муштарийларни европалик миллатларнинг салмоғи қизиқтиради. Янги рўйхатга кўра, жумҳуриятда руслар сон ва салмоғи жиҳатдан иккинчи ўринда туради. Уларнинг умумий сони 1959 йили 1 092 462 ва 1989 йили 1 653 478 кишини ташкил қилди. Ўзбекистонда яшовчи русларнинг сон жиҳатдан ўсиш динамикасига назар ташласак, энг тез суръатда кўпайиш 1959—1970 йилларга тўғри келади ва ўртача йиллик ўсиш 3,5% га яқин бўлган. Бунинг сабаби 1966 йилги Тошкент zilзиласидан сўнг шаҳарнинг қайта қурилиши, жамиятда янги саноат марказлари бунёд этилиши, шу муносабат билан Ўзбекистонга кўплаб рус ва бошқа европалик миллатлар жалб қилинганлигидандир. Ўзбекистонда русларнинг ўсиш суръати 1970—1979 йилларда ҳар йили ўртача 1,3%, 1979—1989 йилларда эса 0,9% бўлди. 1959—1989 йилларда русларнинг сони умуман ортган бўлса-да, аммо уларнинг жумҳурият аҳолиси таркибидаги салмоғи камайди. Бунинг асосий сабаби, аввало рус оналарида биринчидан туғилишнинг камайиб бориши бўлса, иккинчидан, шу йиллар ичида маҳаллий миллатларнинг туғилиш ҳисобига тез кўпайишидир.

Ўзбекистонда яшаб келаётган татар ва қрим татарлари сони ҳам анчагина. Аҳоли рўйхати маълумотларига кўра, 1959—1989 йилларда татарлар сони жумҳуриятимизда 398 275 кишидан 467 829 кишига, қрим татарлар сони эса 46 753 дан 188 772 га кўпайди. Шу даврда татарларнинг ўртача йиллик кўпайиши 0,5% ни, қрим татарларнинг ўртача йиллик кўпайиши эса 4,7% ни ташкил қилди. Қрим татарларнинг бундай тез суръат билан кўпайиши, асосан, улардаги туғилиш даражасининг нисбатан юқорилиги ҳамда кейинги аҳоли рўйхати даврида улар сонининг анча аниқ кўрсатилганлигидан деб айтиш мумкин. Ҳозирги пайтда кўплаб қрим татарларнинг ўз ватанларига қайтаётганлигини таъкидлаш лозим.

Улкамизда истиқомат қилувчи украин ва бошқалар сони ҳам 1979—1989 йилларда анчагина ўсди: улар ҳар йили ўртача 3,4% дан кўпайди. 1989 йили украинлар 153 197 кишига, бошқирлар эса 34 771 кишига етди. Жумҳуриятимиздаги корейс, арман, немис, уйғурлар эса сўнгги 30 йилда бир текис, йилига ўртача 1—2% дан кўпайиб келди. 1989 йили корейслар 183 140, арманлар 50 537, немислар 39 809 ва уйғурлар 35 762 кишини ташкил қилди.

Турк ва форслар ҳақидаги маълумотлар илк бор 1970 йилги аҳоли рўйхатида қайд қилинган бўлиб, уларнинг йиллик ўсиши анчагина юқоридир. Масалан, 1979—1989 йилларда турклар 2,2 баробарга кўпайган ва 106 302 кишини ташкил қилди. Форслар эса бу даврда 23,7 фоизга кўпайиб, 24 779 кишини ташкил қилди.

Ўзбекистонда озарбайжон, грек ва яҳудий миллатлари вакиллари ҳам истиқомат қилишади. Лекин 1979—1989 йилларда уларнинг бир қисми ватанларига кўчиб кетиши туфайли, озарбайжонлар 59 779 нафардан 44 410 кишига ёки 15,7% га, греклар 14 025 нафардан 10 453 кишига ёки 15,5% га ва яҳудийлар 73 920 нафардан 65 493 кишига ёки 11,4% га камайди. Урта Осиё яҳудийларининг сони 1959 йилда 21 324 киши ва 1989 йилда эса 28 369



БИЛИБ ҚЎЙГАН ЯҚШИ

кишини ташкил қилган. Уларнинг табиий ўсиши бошқа яҳудийларга қараганда анча юқоридир.

Ўзбекистонда миллатларнинг жуғрофий жойлашиши ҳам бир текис эмас. Бунинг сабаби, биринчидан, миллатларнинг тарихий ривожланиши бўлса, иккинчидан, жумҳуриятда (айниқса кейинги йилларда) халқ хўжалик тармоқларининг ривожланиш ҳусусияти билан боғлиқдир. Масалан, ўзбеклар қишлоқларда кўпроқ ва аксинча саноат марказларида камроқ жойлашган. Улар жами аҳолининг Тошкент шаҳрида 44,2% ҚҚМССЖ да — 32,8%, Тошкент вилоятида — 50,2% ни ташкил қилади. Қолган вилоятларда эса аҳолининг асосий қисми ўзбеклардир: Самарқандда — 77,3%, Фарғонада — 81,0%, Андижонда — 87,5%, Қашқадарёда — 87,7%, Наманганда — 85,1%, Бухорода 75,6%, Сурхондарёда — 79,5%, Хоразмда — 78,2% ва Сирдарёда — 62,0%.

Ўзбекистонда руслар асосан шаҳарларда, саноат марказларида яшашади. Масалан, жами русларнинг 42,4 фоизи Тошкент шаҳрида, 19 фоизи Тошкент вилоятида, 8,1 фоизи Бухоро вилоятида, 6,9 фоизи Самарқанд шаҳрида, 7,5 фоизи Фарғона вилоятида ва 16,1 фоизи қолган вилоятлардаги шаҳарларда истиқомат қилишади. Қрим татарлари, яҳудий, озарбайжон ва арманлар каби нисбатан кам сонли миллатларнинг аксарияти Тошкент шаҳри ва Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Андижон ва Фарғона вилоятларидаги шаҳарларда жойлашган.

Хўш, модомики Ўзбекистонда шунча кўп миллат вакиллари бор экан, уларнинг демографик таркиби ва жараёнлари (ёши ва жинсига қараб бўгиниши, туғилиши ва ўлиши, никоҳга кириши ва ажралиши, қайси соҳаларда ишлаши қабилар) қандай кечади? Бизнинг Тошкент Давлат дорилфунуни аҳолишунослик илмий лабораторияси ходимлари жумҳуриятимиз ижтимоий ва иқтисодий тараққиёти учун зарур, кўпчиликни қизиқтирувчи ана шу муаммолар устида иш олиб бормоқда.

Мамлакат БҮРИЕВА,
иқтисод фанлари номзоди,
ТошДД илмий лаборатория мудир.

МУҲАРРИРИЯТДАН: Мақола муаллифи сўнгги аҳолини рўйхатга олиш натижаларининг ҳаммаси билан таништириш имконига эга эмас, тадқиқотлар ҳали давом этаётир. Шу боис бу тадбирнинг қайси жиҳатлари Сиз, азиз муштарийларни қизиқтиради. Савол беринг — жавоб қайтарамиз!

Ўзбекистон аҳолисининг миллий салмоғи
[фонз ҳисобида]

	1959 йил	1970 йил	1979 йил	1989 йил
Жами аҳоли	100,0	100,0	100,0	100,0
Шу жумладан:				
Ўзбек	62,1	65,5	68,7	71,4
Рус	13,5	12,5	10,8	8,3
Қорақалпоқ	2,1	2,0	1,9	2,1
Татар	4,9	3,7	3,5	2,4
Қозоқ	4,2	4,0	4,0	4,1
Тожик	3,8	3,8	3,9	4,7
Корейс	1,7	1,3	1,1	0,9
Қирғиз	1,1	0,9	0,9	0,9
Украин	1,1	0,9	0,7	0,8
Яҳудий	0,9	0,8	0,5	0,3
Туркман	0,7	0,6	0,6	0,6
Озарбайжон	0,5	0,3	0,4	0,2

САЙЕРАМИЗНИНГ ўз ўқи атрофида айланиш тарзи табиат жумбоқларидан эканлигини ҳамма ҳам билавермас керак. Зеро у иккиёклама таъсир асридир. Булардан бири — уни айлантурувчи куч манбаи бўлса, иккинчиси — айланиш тезлигининг ўзгариб туришидир. Олим К. Куликовнинг таъкидлашича, «Одамзод ҳаёти учун муҳим ҳол шуки, ер ўзининг бунёдга келиш вақтида бизга номаълум бўлган қандайдир туртки тўфайли барқарор, доимий айланиш ҳаракатига эга бўлиб қолди». Демак унинг фикрича, Ернинг айланиш ҳаракати абадий ва инерцияга асослангандир. Иккинчи таъсир эса атмосфера ҳаракатининг нотекислигидан келиб чиқади.

Ҳақиқатан, агар Ерга ҳеч қандан ташқи куч таъсир қилмаганида, юқоридаги фикрни эътироф этиш мумкин эди. Аммо маълумки, Ерга ҳам, бошқа ҳамма осмон жисмларига ҳам қатор ташқи кучлар таъсир қилади. Агар Ерни айлантурувчи турувчи қандайдир реал куч бўлмаганида, у аллақачон Ой сингари тўхтаб қолган ёки Зухра сингари танглик билан жуда секин айлана бошлар эди. Модомки, Ер доим ўз айланиш тезлигини ўзгартириб турар экан, демак уни вақти-вақти билан тезланишга мажбур қилувчи ноинерция кучи бор.

Бундай куч борлиги ҳақида таниқли астроном М. Маровини қўйидаги сўзлари ҳам далолат беради: «Ҳисобларга кўра, Ер айланишининг ҳар юз йилда 3,5 миллисонияга секинлашуви океан сувининг кўтарилишидандир [аслида, секинлашиш камроқ — 2 миллисонияга яқин, чунки бир вақтнинг ўзида ҳар юз йилда сабаби бизга номаълум бўлган 1,5 миллисониялик тезланиш ҳаракати ҳам бор]».

Биз қўйида мана шу муаммоларни ҳал қилиш борасида ўз мулоҳазаларимизни баён этишни лозим топдик.

Фанда ҳукм сураётган фарзга кўра, Ерни айлантурувчи куч унинг ғарбдан шарққа томон ўзидан кўра тезроқ айланиб турувчи атмосфераси эмиш. К. Куликов буни асослаш учун ҳатто аниқ рақамлар [яъни атмосферанинг ғарбдан шарққа айланиш тезлиги 23 соату 38 дақиқа] ҳам келтиради.

Бу фикрни биз назариётга зид деб ҳисоблаймиз, чунки атмосфера ер моддасининг ажралиш маҳсули бўлиб, унинг ҳаракати ҳам ана шу Ердан мерос ҳисобланади. Шунинг учун айланиб турган Ер ўзининг тортиш кучи билан атмосферани эргаштириб юради. Бунга далил сифатида барча жүгройфий хариталарда акс этувчи шамолнинг энг кўп кузатиладиган устунлик йўналишига бир назар ташлашни маслаҳат берамиз.

Маълумки, Ернинг айланиш лаҳзаси унинг экватор юзасида ўта кучли кечади. Шунинг учун ҳам экватордаги шамоллар йўналиши асосан шарқдан ғарбга томон, яъни Ер айланишига зид йўналишдадир. Бундан Куликов

фикрига тескари, яъни Ер атмосфераси бошқа осмон жисмларига Ернинг ўзидан кўра яқинроқ бўлгани учун, уни доимо тўхталтириб туради, деган хулоса келиб чиқади. Демак атмосферанинг Ер айланишидаги ҳиссаси манфий ишорали кучларга эга.

Тўғри, атмосферанинг йўналиш тезлиги қутбга яқин жойларда мусбат ва юқори бўлиши мумкин, лекин гап сайёрани айлантурувчи кучлар ҳақида борар экан, фақат экватордаги шамоллар йўналишига эътибор қилишимиз жоиздир. Бошқа ҳамма минта-

Ер қангай



айланган

қалардаги шамоллар эса ана шу экватор шамолларнинг ҳайдовчи кучи ҳисобига эсади.

Бизнингча, атмосферанинг айланма ҳаракати икки сабабли. Биринчиси — Ер юзининг Қуёш нурлари билан нотекис иситилиши. Бунда гравитацион ишқаланиш иссиқлигининг ҳам ҳиссаси бор. Бу манбаларнинг иккиси ҳам экваторда ўзининг энг юқори қийматига эга бўлгани учун у ердаги тик бўйлама ҳаво ҳаракати доим пастдан юқорига ва кейин қутб томонга йўналган бўлиб, қутбда эса аксинча, юқоридан пастга йўналади. Экватордаги сийраклашиб қолган ҳаво ўрнини пастда қутбдан экваторга йўналган совуқ ҳаво эгаллайди. Бу ҳеч қандай эътирозга ўрин бермайдиган, кундалик ҳаётимизда кўплаб кузатиладиган ҳавонинг айланиш ҳаракатидир. Атмосферанинг бу ҳаракати фақат тик юзада содир бўлгани учун Ернинг айланиш ҳаракатида иштирок этмайди.

Атмосфера ҳаракатининг иккинчи сабаби эса — Ернинг айланишидир. Бунга кўра, унинг барча серҳаракат қатламлари [атмосфера, гидросфера ва қиъалар ажралишига қараганда, балки литосфера ҳам] доимий равишда шарқдан ғарбга томон силжиб туради, чунки гравитация кучлари дастлаб атмосферани тўхталтириб туради, у эса, ўз навбатида, ернинг устки

қисмини тўхталтиришга интилади. Тўхталтирувчи кучлар қаторига, бундан ташқари, Қуёш нурларининг босими, метеоритлар ва турли космик нур ва зарраларнинг таъсири кабилар ҳам киради. Буларнинг ҳаммаси ҳам Ер айланишини тезлантирувчи эмас, аксинча секинлантирувчи тескари йўналишга эгадир.

Юқорида айтилган икки кучнинг вектор йиғиндисига кўра, атмосфера шимолий ярим шарда шимоли-шарқдан жануби-ғарбга, жанубий ярим шарда эса — жануби-шарқдан шимоли-ғарбга йўналган бўлиши шарт. Буни масалан, Ўзбекистонда эсувчи кучли ва доимий шамоллар мисолида яққол кўриш мумкин. Умуман бу йўналишлар ўртасидаги «тортишув» фақат Ўзбекистон учунгина эмас, балки Ер шарининг барча минтақалари учун ҳам ҳосидир.

Шундай қилиб, Ер айланишини атмосферага юклаш автомобиль цилиндрларини унинг ғилдираклари ҳаракатлантиради, дейиш билан барабардир. Бу эса энергиянинг сақланиш қонунини рад этади.

Аслида, атмосфера ҳаракати унинг Ерни айлантурувчи, ҳозирча фан оламига нотаниш бўлган, зўрроқ кучларга кўрсатаётган қаршиликдир. Бундай акс натижалар қаторига экваториал зоналарнинг гравитацион ишқаланишдан қизиши ва унинг натижаси сифатида юзага чиқувчи ер электр тоқлари ва ер оҳанрабосини ҳам киритиш мумкин. Биз Қуёшнинг айланиши, плазмасининг отилиши, унинг ёруғлик ва иссиқлик қувватини Қуёш системаси миқёсда ҳамма ҳаракатларнинг манбаи деб биламиз ва буни исботлаб беришга доим тайёрмиз. Бу қувват Қуёш теграсидаги ҳаракатлар учун ниҳоятда тежамли сарфланади. Ҳатто инсоннинг мушак кучлари, ақл ва ҳис этиш учун зарур бўлган қувватлари шулар жумласига киради.

Таклиф қилинаётган қарашлар силсиласини тушуниш учун, аввало Ернинг Қуёш атрофида айланишини кўз олдимизга келтирайлик. У орбита текислиги бўйлаб ҳаракати давомида Қуёшнинг экватор текислигини баҳорги ва кизги тенгкунликларда икки марта кесиб ўтади, чунки бу икки текислик ўзара 7°15' бурчак ҳосил қилади. Қуёшнинг оҳанрабо майдони унинг экватор текислиги бўйлаб ясси лаппак шаклида бўлгани учун ва Ер шу лаппакнинг шимолий ва жанубий юзалари орасида ҳаракат қилгани учун у ўзининг кучли оҳанрабоси билан мунтазам равишда Қуёш оҳанрабосининг фаол таъсиридадир.

Шундай экан, Ер айланишини тезлантириб турувчи куч унинг оҳанрабо майдони билан боғлиқ, деган хулоса келиб чиқади.

Қуёшнинг лаппаксимон оҳанрабоси унинг жанубий қисмида Қуёшдан, шимолий қисмида эса Қуёшга томон

йўналган. Лаппакнинг ўрта қисмида оҳанрабо майдонининг куч чиқиқлари жанубдан шимолга қараб тик йўналишга эга. Шунинг учун ҳам Ер ўзининг йиллик ҳаракати даврида, асосан ана шу тик майдон таъсиринда бўлади ҳам фақат ёзги ва қишки Қуёш туриши давридагина бир-бирига тескари йўналган оҳанрабо куч чиқиқларига рўпара келади. Агар Ер ўз орбитасида қимирламай турганда эди, у бир ой ичида [Қуёш ўз ўқи атрофида бир марта айланиб чиққунча, яъни тахминан 25—35 кун] ана шу ҳол икки марта такрорланар эди. Лекин Қуёш айланар экан, унинг тортишув кучи Қуёш теграсидаги жисмларни ўзи билан эргаштириб айлантиради. Шунинг учун ҳам сайёралар Қуёшга яқинлашган сари унинг атрофида тезроқ айланаверадилар. Бунинг натижасида Ер ҳам гўё Қуёш айланмишига нисбатан тескари ҳаракат қилаётгандек орқага чекинаверади. Шу тўғрисида ўтган тақрибий бир ой ичида у Қуёш оҳанрабо майдонининг кутблар алмашувини икки мартагина эмас, балки тўрт ёки ундан кўпроқ марта қаршилайди.

Шундай қилиб, Ер Қуёш оҳанрабо майдонининг ўрта қисмига нисбатан гоҳ у, гоҳ бу томонга ўтиб турар экан, лаппаксимон оҳанрабо ҳудудининг худди шу ўрта қисмидаги майдон йўналиши Ернинг ўз ўқи атрофида айланиб туришини таъминлайди.

Ер ва Қуёш оҳанрабо майдонларининг ўзаро иши бир фазали ўзгармас ток электр юргизувчиларининг ишига айнан ўхшашдир. Аммо айлантирувчи кучнинг қай тарзда таъсир этиши, афсуски ҳеч бир илмий адабиётда етарлича очиб берилмаган. Бу масалани доимий тезланма ҳаракатдаги қуёш шамоли мисолида осонгина ойдинлаштириб бериш мумкин. Олимлар орасида кенг тарқалган фикрга кўра қуёш шамоли ўз жамлама кучи билан ҳаракатланибгина қолмай ўзига Қуёш оҳанрабосини ҳам эргаштириб кетар эмиш. Аммо бу ҳулосанинг табиат қонунларига мутлақо зидлиги афтидан ҳеч кимни ташвишга солмапти. Чунки биринчидан, Қуёшнинг тортиш кучини енгиб, ундан чиқиб кетиш учун қуёш шамолининг жамлама куч қуввати мутлақо етарли эмас [қолаверса, масса-си жуда кичик бўлган электрон оқимида жамлама куч нима қилсин!]; иккинчидан, бу ҳолда у тезланиш билан ҳаракатланмаслиги ва учинчидан, эргаштириб кетаётган Қуёш оҳанрабо майдони қаршилик кўрсатиб, уни ушлаб қолнишга интилиши керак. Қисқаси, китоблар орқали тарқалиб бораётган бу фикр энергиянинг сақланиш қонунига зид эди.

Шунинг учун ҳам биз қуёш шамоли унинг тортиш кучи деярли таъсир қилмайдиган енгил зарралардан иборат, деган фикрга келдик. Модомки бу зарралар доимий тезланиш ҳаракатига эга экан, демак уларни

Қуёш теграсидан сиқиб чиқараётган куч бўлиши керак. Шундай қилиб, қуёш оҳанрабоси зарядли зарраларнинг табиий тезлантирувчиси ва унинг зичлиги, Қуёшга яқин ёки йироқлигидан қатъи назар, ҳамма ерда тенг бўлиши керак. Қуёш теграси бу тақдирда ёпиқ тегра эканлигини қайд этиш ҳам лозим. Шуларнинг ҳаммаси турли манба оҳанрабо майдонлари ўзаро итарилади ва ташқи кучнинг ҳар қандай ўзгаруви шу дақиқанинг ўзидаёқ тегра ичида кучлар мувозанатига олиб келади, деган жиддий фикрни келтириб чиқарди. Буни, масалан, пуффак ичидаги газ босимининг тенг тақсимланиши билан таққослаш мумкин.

Қуёш шамолининг ҳар бир зарраси ўз оҳанрабо майдонига эга бўлгани учун уни итарувчи кучлар ҳар томондан бараварлашмагунча у қуёш оҳанрабоси томонидан итариб чиқарилаверади. Демак, шамол зарралари тўхтаб қолиши учун қуёш оҳанрабо майдонига бас кела оладиган бир неча майдонларнинг ёнма-ён туриб ёпиқ тегра ҳосил қилиши шарт. Акс ҳолда шамол худди сайёра оҳанрабо майдонидан ёнлаб ўтаверганидек, уларни четлаб ўтиб кетаверади. Бундан коинот бир-бирини итариб турувчи оҳанрабо майдонларидан ташкил топган ва у шунинг учун ари уясини эслатувчи катакли тузилишга эга, «катак деворлари» эса электронлар шамоли моддасининг ҳар томонлама итарилиб тўпланишидан ҳосил бўлган, деган ҳулоса келиб чиқади.

Қуёш шамолининг зарраларидек сайёралар оҳанрабоси ҳам қуёш оҳанрабоси томонидан доим итарилиб туради. Аммо сайёралар зарралар сингари сиқиб чиқарилмагани учун икки майдоннинг ўзаро итарилиш энергияси нимагадир сарфланиши керак. Биз эса ана шу мавжуд ҳаракатланувчи кучни албатта назарда тутамиз.

Энди бу нуқтаи назарнинг нақадар жиддий эканлигини исботлаш мақсадида, изланишда давом этамиз. Дарҳақиқат агар қуёш шамоли адабиётларда айтилганидек, оҳанрабо майдонидан нур каби шуълаланиб тарқалганида эди, айлантирувчи куч ҳосил бўлишига ҳеч қандай асос тўғилмаган бўлур эди. Ҳолбуки ўзаро таъсир доирасидаги икки оҳанрабо манбаидан бири кўзгалмас бўлгани ҳолда сайёралар аро майдонни кўзгалмас, деб олиш жоиздир, иккинчиси айланма ҳаракатга келар экан, демак электр оҳанрабо майдони ўз таъсир доирасидаги зарядланган зарраларни таъсир доирасига уринма йўналишда итаради. Бундан келиб чиқадики, қуёш шамолининг Архимед спирали бўйича ҳаракатланиши айнан Қуёш айланмишининг оқибати эмас, балки Қуёшнинг айлантирувчи, ҳозирча номаълум бўлган куч таъсирининг оқибатидир. У ҳолда қуёш шамоли ўзаро таъсирланувчи бириси жуда катта ва иккинчиси жу-

да кичик бўлган икки оҳанрабо майдонининг таъсир механизмини кўрсатар экан, у бамисоли сурат ишларидоги тасвири очувчи дори [проявитель] вазифасини ўтайди, чунки у бўлмаганида биз оҳанрабо майдонларининг ўзаро итарилиш таъсириндан беҳабар қолган бўлур эдик.

Қуёш юзасида кучли оҳанрабо майдони ва унинг қаъридан отилиб турган туганмас зарядли зарралар оқими мавжуд. Хўш, шундай экан, Қуёш системасининг зарядли зарралар тезлатгичи циклотрондан нима фарқи бор! Бу механизмнинг иш услубини тасаввур қилиш учун фундаментал физиканинг асосларидан бири бўлган Лоренц кучларининг таъсирини мурожаат этиш ўринлидир. Шунга асосан агар пастдан юқорига йўналган оҳанрабо майдонига тик тарзда манфий зарядланган зарра кириб келса, ўз йўналишини 90 даража ўнгга, мусбат зарядли зарра кирганда эса — чапга буради. Қуёш ва Ернинг айланиш йўналишига қараганда қуёш шамолининг моддаси, шу пайтгача ҳисоблаб келинганидек, ҳолис плазмадан эмас, балки манфий зарядли электронлардан иборат эканлигини исботлайди.

Энди Қуёш қаъридан отилиб чиқаётган ҳолис плазманинг қандай қилиб электронлар оқимига айланиб қолаётганлигини илмий асослаш масаласи келиб чиқади.

Маълумки, бу масаланинг бирдан-бир мантиқий ечими биз кутгандек бўлиб чиқди, чунки ҳар қандай ўзгача ҳолини физика қонунларини бузмай туриб тушунтиришга интилиш мутлақо беҳуда уриниш бўлар эди. Ахир бир йўналишдаги оҳанрабо майдони таъсирини ҳар хил ишорали зарядларнинг бир оқимда бир томонга йўналиши Лоренц қондасини инкор қилишга олиб келар эди-да!

Шу ўринда бу ерда мусбат зарядли зарраларнинг тақдири қандай, нима учун улар осмон жисмларини айлантиришда қатнашмайди, деган саволлар тўғилади. Бунга жавоб бериш учун физика дарсликларидоги радиоактив парчаланишни кўрсатувчи классик схемага мурожаат қиламиз. Унга кўра, мусбат зарядли альфа зарралари дўнглиги тепага қараган парабола шаклида, манфий зарядли бета зарралари эса гипербола шаклидаги йўналишга эга. Демак, мусбат ишорали зарралар қарийб 1840 марта оғир бўлгани учун Ернинг тортиш кучини енгиб ўтолмай унга қайтиб тушар, манфийлари эса енгил бўлгани учун оҳанрабо майдони таъсирини борган сари манбадан тезлашиш билан йироқлашиб кетаверар экан. Бу ҳодиса Қуёш сатҳида яна ҳам яққолроқ акс этиши турган гап, чунки унинг тортиш кучи Ерникидан камида 29 марта каттадир.


Чуқурроқ мулоҳаза қилинганда манфий ва мусбат зарраларнинг ажра-



ЖЕЗ КОНИ ТОПИЛДИ

Ўзбекистон Фанлар академиясининг Геология ва геофизика илмгўҳи олимлари Фарбий Ўзбекистон тоғларидан жез конини топишди. Бундай кон табиатда ниҳоятда камдан кам учрайди.

Мис ва рух қотишмалари қазилмаси шу вақтга қадар фақат Мурунгов тилла кони билан ёндош равишда учраган эди. Мазкур коннинг диққатга сазоворлиги шундаки, унда баъзан темирли қотишмалар ҳам учрайди. Улар таркибида мис салкам 60, рух — 39, темир эса деярли 4 фоизни ташкил этади.



ПРАТОВ ФЕРУЛАСИ

Академиямизнинг Ботаника илмгўҳи ходимлари Ф. Ҳасанов ва И. Мальцев Ҳисор тизма тоғларни эстагида жойлашган Қизилдарё бўйи-

даги Вуорий қишлоғи яқинида ферула ўсимлигининг янги турини аниқлаб илмий баёнини ботаника фанига киритишди. Ҳозирча кенг таҳлил этилмаган ушбу ўсимлик турини улар ўз устози шарафига Пратов ферулеси деб аташди.

лиши учун ўзаро тортишиш кучларидан ташқари бошқа сабаблар ҳам борлиги маълум бўлди:


Биринчидан, оҳанрабо майдонида кириб келганда мусбат ва манфий зарядлар бир-бирига зид икки томонга, яъни 180 даража бурчак остида йўналиш олади. Шунинг учун ҳам юқорида зикр этилган классик тасвирда альфа ва бета зарралар бир-бирига қарама-қарши томонга йўналтириб кўрсатилган. Иккинчидан, радиоактив парчаланиш натижасида альфа зарранинг тезлиги 10^7 м/с бўлса, бета зарраларники 10^8 м/с дан то 0,999 ёруғлик тезлигигача, яъни 10—30 баравар тезроқ кечар экан. Шунинг учун ҳам Қуёш плазмасининг мусбат зарралари унинг айла-

ниши учун таянч вазифасини бажаролмас экан.

Энди Ер айланиш тезлигининг йил давомида ўзгариб туриши ҳақида шунини айтиш керакки, Ер ўзининг Тинч океан сатҳи билан Қуёшга қараб турган вақтида — ёзда тезроқ, Атлантика океани билан қараб турганда — қишда секинроқ, Жанубий Америка ва Африка қитъалари, яъни қуруқлик қисми билан қараб турган вақтида эса янада секинроқ айланар экан. Агар биз океан сувининг электр ўтказувчанлиги қуруқликниқидан ўрта ҳисобда 15000 марта устунлигини эътиборга олсак, масала анча ойдинлашади. Чунки қуёш оҳанрабо майдони билан таъсир этувчи ер оҳанрабо майдони ҳамма жойда бир хил кеч-

МАЙИЗ СОЛУВЧИ ҚУРИЛМА


Миришкор соҳибкорларимиз, айниқса Самарқандлик деҳқонлар жуда қадимдан майиз солишни ўрнига қўйиб келишади. Лекин бозорда майиз нархи тушмаяпти. Зеро майиз солиш миришкорнинг кўп вақтини олади, уни тайёрлашнинг ўзи бўлмайди. Шу боисдан академиямиз энергетика ва автоматика илмгўҳининг олимлари майиз қуриладиган гелиоқурилма яратишди. Илмгўҳининг бу қурилмани бозор шароитида бир ердан иккинчи ерга осонгина кўчириб урнатиш мумкин. 70 килограмм узумдан майиз солишга мўлжалланган қурилма анчагина содда ишланган. У соҳибкор вақтини деярли икки баравар тежайди. Айниқса қовун қоқи тез — 4 соат ичида тайёр бўлади.



ГИЛДИРАК ҚАНДАЙ ЭЗИЛАДИ?

Сайёралар (автомобиллар) энгил-оғирлигидан қатъи назар асосий куч унинг гилдиракларига тушиши ҳаммага аён. Техника адабиётларида шу кунларгача гилдираклар муаллақ, яъни юриб турган маҳалида фақатгина остки қисмидан куч келиб тушади, деган фикр ҳукмронлик қиларди. Тошкентлик олимлар А. Шульгин ва Ф. Юсуповлар эса Кельдиш назариясига кўра ана шу қониданинг нотўғрилигини математик ҳисоблар асосида исботлаб беришди. Уларнинг

таъкидларига кўра, гилдиракка фақат остки томондангина эмас, балки яна бир неча четки кучлар ҳам таъсир этар экан. Бу янги фараз машинасозликда ўз ўрнини топиши шубҳасиз.



майди. Модомики Ер оҳанрабо сининг устидаги электр тоқлари ҳисобига индуктив йўл билан ҳосил бўлар экан, унда океан суви устида кучли ва қуруқлик устида кучсиз оҳанрабо майдони ҳосил бўлади. Шунинг учун ҳам юқорида айтилган Ер айланиш тезлигининг ўзгариб туриши физик жиҳатдан бенуқсон далилини топади.


Баён этилган Ер айланиш механизмининг амалиёт учун ҳам аҳамияти шак-шубҳасиз. Буни исботлаш йўлидаги изланишлар давом эттирилмоқда.

Мақсуд ТУРСУНОВ,
Тошкент Политехника олий билим-
гоҳи доценти.

ЭХМ ВА ЗАҲАРЛАНИШ

Пахта егиштирувчи жумҳуриятимизда заҳарланиш ҳоллари учраб туриши сир эмас. Лекин афсуски, даволоччи шифокорлар ҳар доим ҳам пахтакорларнинг қанча миқдорда заҳар «қабул қилган»лигини билиб олишга қодир эмаслар. Шу боисдан ҳам беморларни ўлим хавфи-

дан асраб қолиш жуда қийин. Урта Осиё педиатрия тиббиёти олий билимгоҳи мутахассислари 296 та беморнинг заҳарланиш маълумотларидан беморлар қони таркибдаги заҳар миқдорлари кўрсаткичларини ЭХМ ёрдамида таҳлил қилиб, махсус жадвал тuzиб чиқишди. Мазкур жадвал суд-тиббиёт экспертизаси ҳамда шифокорлар амалиётида қўл келиб қолса ажаб эмас.



ЧИҚИТ ЭМАС, КОНИ ФЙДА

Кейинги вақтда «яшиллар» ҳаракати кенг тус олиб, атроф муҳитни заҳарлаётган баъзи корхоналар фаолиятини тўхтатиб қўйишгача етиб борди. Чирчиқдаги «Электрорхимпром» ишлаб чиқариш бирлашмаси ҳам атрофга заҳарли капролактан чиқитларини чиқаришда «донг таратганлиги» учун ёпилишига сал қолди. Ҳозирги вақтда олимларимиз ана шу чиқитларни фойдали йўналишга солишга киришдилар.

Масалан, Беруний номидаги Тошкент Политехника олий билимгоҳининг бир гуруҳ мутахассислари шу чиқиндидан

нефть қазувчи қурилмалар занглашининг олдини оладиган ингибиторлар яратишга муваффақ бўлдилар. Бундан ингибиторлар Красноярск кончиларига жуда маъқул келиб қолди.

Жумҳурият Фанлар академиясининг Кимё илмгоҳи олимлари эса «Силикат» ишлаб чиқариш бирлашмаси мутахассислари билан ҳамкорликда ана шу капролактан чиқиндисига лёссимон қумоқлар билан бирга ишлов бериб шиша-кошинлар тайёрлаш усулини сынаб кўришди. Натижа кутилгандек бўлди.

Демак, ҳадемай Тошкент корхоналари капролактан чиқитлари асосида қурилишда ноёб бўлиб келган оқ-қора рангли кошинларни ишлаб чиқаришга киришса ажабмас.



ТОШКЕНТ АДЙРЛАРИ БОЙЛИГИ

Ботак-ка илмгоҳининг бир гуруҳ олимлари Тошкент адирларининг иккиламчи ўсимликларидан явшоннинг тўрт турини турли фаслларда текширувдан ўтказишди. Олиб борилган барча таҳлил ва тажриба ишлари натижасида улар явшоннинг айниқса баҳор кезлари (апрель, май ойлари) бўлиқ, семиз бўлишини аниқлашди. Бу вақтда унинг таркибда протеин ва оқсил мўл бўлади. Шуниси қизиқарлики, бутун мавсум мобайнида явшон таркибда гоҳ протеин, гоҳ клетчатка, гоҳ ёғ моддалари

борган сайин ортиб боради. Ҳозирги кунда ташкил этилаётган сунъий явшон ўтлоқлари гектаридан 60 центнердан ҳосил бермоқда. Шунинг учун ҳам олимлар Тошкент, Самарқанд, Наманган ва бошқа вилоятларнинг йилга 200 мм миқдорда ёғин тушиши мўмкин бўлган адирларидаги ишдан чиққан яйловлар ва ташландиқ ерларда шу ўсимликни ўстиришни тавсия этишмоқда. Бу ўсимлик баъзи жойларда терескен ва изень ўтлари билан ҳам аралаштириб экиллаверади. Шунини айтиш керакки, Тошкент адирларидаги явшонлар тўйимлилиги жиҳатидан чўл ҳудудлариникидан 2—3 баравар юқори экан. Умуман, бундай яйловларда йил бўйи мол боқиш имконияти мавжуд.

КОГОН ЗАМИНИ ТЕКШИРИЛДИ

Ўзбекистон сейсмолог олимлари кўп йиллардан буён шаҳару қишлоқларимиз заминининг zilзила бардошлиги устида тадқиқот олиб боришмоқда. Чунки вақт-вақти билан унинг натижалари умумлаштирилиб, жумҳуриятимиз ҳудудининг zilзилага бардошлиги харитасига ўзгартишлар киритиб турилади. Бу гал ҳам шундай

бўлди. К. Нурмухамедов, М. Зокиров, А. Павлов каби заминшунослар Зарафшон дарёси ётқиқиқлари устида жойлашган Когон шаҳрининг тупроқ шароитларини ўзоқ кузатишди ва илгари—1980, 1986, 1987 йилларда олиб борган тадқиқот натижалари билан таққослашди. ЭХМда қилинган ҳисоб-китоблар асосида улар Когон шаҳрининг эҳтимолий zilзила кучига 1 балл қўшишди. Шундай қилиб, Когон шаҳри янги харитада 8 баллик ҳудудга киритиладиган бўлди.



ТИШ ДАВОСИ — КҮК ЧОЙ

Яқинда япониялик биокимёгарлар «кўк чой оғизни тозалайди» деган мақолнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилдилар. Ҳақиқатан ҳам кўк чой дамламаси тишнинг эмаль қатламини келтираётган микроорганизмларнинг кўпайи-

шини ва ўсишини тўхтатар экан.

Текширувчиларнинг таъкидлашича, полифенол бирикмаларидан айниқса галлокатехин алоҳида ҳимоя вазифасини ўтар экан. Агар овқатдан кейин ҳар гал бир пиёла кўк чой ичсангиз, шунинг ўзи тиш емирилишининг олдини олиш учун kif-фоя.



ЎЗБЕК АДАБИЁТИНИНГ ЖАЛЛОДЛАРИ

(ТУРКУМ МАҚОЛАЛАР)

Наим КАРИМОВ

1. НАВБАТ ОЙБЕК ВА ШАЙХЗОДАГА. КЕЙИНГИСИ КИМ!

Абдулла Қаҳҳорнинг ён дафтаридagi ҳикматлар орасида «теша тегмаган» ибора бор: «Ҳаммадан бир айб топиб, оттириб юборса-ю, ёниб кетган унинг мўрисидан бўлиб адабиётда битта ўзи сўппайиб қолса». Мен бу иборанинг «қаҳрамон» кимлигини билмайман. Лекин 30- ва 50-йилларда «қамчисдан қон томган» бундай кишилар, афсуски, биз ўйлаган даражада оз эмас. Улар тўғайли не-не даҳо санъаткорларимиз авжи ижоди гуллаган бир фаслда жувонмарг бўлган; уларнинг НКВДдаги ҳаммаслаклари эса ноҳақ қораланган шоир ва ёзувчиларимизни минг хил усул билан қийнаб-қақшатган.

Ошқоралик дарвозасининг бир тавақаси қия очилган ушбу кунларда қатагон йилларининг қурбонлари тўғрисидаги ҳақиқат секин-аста юзага чиқмоқда. Чўлпондан тортиб Шўкруллога қадар бўлган ижодкорларимизнинг фожеали ҳаёти матбуот саҳифаларидан тўшмай турибди. Ҳатто қаерда жасадлари дафи этилганлиги номаълум ёзувчилар номи абадийлаштирилиб, уларнинг руҳи поклари эъзоланмоқда. Аммо уларнинг Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ва НКВДдаги жаллодлари тўғрисида ҳамон лом-ним дейилмайди. Улар адабиётимиз ва халқимиз олдидаги жиноятлари учун ҳаёт чоғларида жазоланиш ё дашном ейиш ўрнига, юксак мукофотлар билан тақдирланиб, жумҳурият аҳамиятига молик нафақаларга муяссар бўлишган.

Сталиннинг ўлими тўғрисидаги авж олмай қолган қирғин жабрдийдаларидан бири — шоир Шўхрат ўз суҳбатларида ўқувчини бундай кимсаларнинг баъзи бирлари билан таништирган. «Ёш ленинчи» рўзномасининг 1988 йил 16 сентябрь сониде эълон қилинган суҳбатида у, хусусан, бундай дейди: «Уша кезде Ёзувчилар уюшмасининг М. Швердин, Н. Сафаров, З. Фатхуллин сингари бир гуруҳ ходимлари бор эдики, уларнинг айтгани айтган, деганлари деган эди». Бу тилга олинганларининг ҳаммаси «Ўзбекистон халқ ёзувчиси» деган олий унвон билан тақдирланган. Шундай унвонга сазовор бўлган яна бир неча кишини ҳам мазкур рўйхатга қўшиш мумкин.

Ўзбек адабиёти 30-йилларда Абдулла Қодирий, Фитрат, Чўлпон, Сўфизода, Ғуллом Зафарий, Элбек, Усмон Носир сингари талай чинорларидан маҳрум бўлди. Аммо 1937 йилдан кейинги қисқа муҳлатда Ойбек, Шайхзода, Ҳамид Олимжон, Миртемир, Собир Абдулла сингари ёзувчилар адабиётимизни сўлим асарлар билан бойитдилар; адабиётимизга янги бир авлод кириб келди. Бу ҳол кимларгадир тинчлик бермади. 37-йил ойболтасини яна қайраб, халқнинг виждони бўлган ёзувчилар сари отилдилар. Адабиётни каллаклаш халқни каллаклаш, уни мутеликда, қўлликда сақлашнинг сигналган усули эди. Ана шу машъум ишнинг тепасига жумҳурият Ёзувчилар уюшмасининг ҳам қатор ходимлари турди. Улар орасида В. Мильчаков исми адабиётимиз кушандаси айниқса даҳшатли ишларни амалга оширди.

Владимир Андреевич Мильчаков 1910 йилда Горький вилоятига қарашли қишлоқларнинг биринида туғилиб, 1938 йилда Тошкентга кўчиб келган. 1942—1946 йилларда армияда хизмат қилар экан, номаълум сабабларга кўра, фронтнинг олдинги марраларида эмас, балки алоҳида махсус батальоннинг штабиде иш юритувчи вазифасини бажарган. 1946 йили эса армиядан бўшаб, «Фрунзевец» рўзномасига адабий ходим бўлиб ишга кирган. Урта Осиё давлат дорифунуни тарих куллиётининг бор-йўғи уч курсини тугатган бу чала мўлла қайсидир идоранинг йўлнамаси билан жумҳурият Ёзувчилар уюшмасининг фирқа ташкилотига котиб мўовини бўлиб ишга келади. Орада бир ой ўтган, у фирқа ташкилотига котиб қилиб тайинланди. Аммо бу ўта амалпараст кимса фирқавий мансабидан воз кечмагани ҳолда тезде уюшма масъул котибининг ёрдамчиси, «Звезда Востока» ойномасининг муҳаррири, рус шўъбаси раисининг ўринбосари каби лавозимларни ҳам «овлаб», уюшманинг олий ҳайъатига сайланиб олади.

Мильчаков Ёзувчилар уюшмасига 1946 йил 5 ноябрда номзод бўлиб кирди. Орада икки ой ўтиб, афтидан, унга ҳомилик қилган идораларнинг тазйиқи билан 1947 йилнинг 9 январиде уни уюшмага ҳақиқий аъзо қилиб олиш масаласи ўртага қўйилди. Уюшмага раҳбарлик қилган Ойбек Мильчаковга тавсия берибгина қолмай, унинг фаолиятига зийрак назар ташлаб, ижодий ва инсоний қиёфасидаги салбий ҳамда ижобий жиҳатларни кўрсатиб берди: «Биз ҳаммамиз Мильчаковнинг Ёзувчилар уюшмасида парторг ва масъул котиб ёрдамчиси сифатида ишлаётганини яхши билемиз, унда баъзи бир нуқсонлар ҳам йўқ эмас, аммо биз уларни бартараф этади, деб умид қиламиз». Адиб Мильчаковнинг уюшмага ҳақиқий аъзо бўлганидан сўнг ижодий иш билан кўпроқ шугўлланishi лозимлигини кўрсатиб, яна бундай дейди: «У турли-туман ишлар билан банд. Биз унинг аниқ вазифаларини, масъул котиб ва унинг ёрдамчиларининг ҳуқуқ ва бурчларини белгилаб, унга шароит яратишимиз зарур. Биз шундай қиламиз, ўшанде у ўз асарлари ўстида ишлаш имкониятига эга бўлади».

Бугун бу сўзларни ўқир эканмиз, Ойбек ўша вақтдаёқ Мильчаковнинг ўзига алоқадор бўлмаган ишларга ҳуда-беҳудага бош суқаётгани, фирқа ташкилотининг раҳбари ва масъул котиб ёрдамчиси лавозимларини суинистемол қилаётганини пайқанган, деб ўйлаймиз. Бироқ бу сохибчангал ҳадеб ёзувчилар оммасини ўз тавсир доирасига олиш йўлларини ахтарди. У Уюшма раҳбарларининг ихтиёрида бўлган ишларга ҳам бош суқиб, ўз таъсиридаги кишиларни масъул лавозимларга кўтара бошлади. Уюшма раиси Ойбек ва унинг ўринбосари Шайхзода билан келишмай туриб, Адабий жамғармага Назир Сафаровни бошлиқ қилиб тайинлади. У эса ўз навбатида Мильчаковнинг уй бекаси бўлган хотинини Адабиётчилар уйига мутасадди этиб тайинламоқчи бўлди. Уюшманинг қоровулидан бошлаб ҳайъат аъзосига қадар бўлган кишилар фақат Мильчаковга, унинг буйруғига бўйсунма бошлашди. Унинг Давлат Хавф-

сизлик Қўмитаси билан мустаҳкам алоқасини сезган аксар таниқли ёзувчилар уялмай-нетмай ноғорасига ўйинга тушдилар. Тарафдорлари кўрқоқ ва номард ёзувчилар ҳисобига урчиб бораётганини кўрган Мильчаков Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмасининг Ойбек ва Шайхзода сиймосидаги раҳбариятига қарши ошқора курашга ўтди. Айниқса, Ойбек Москвада сафарда ва Қримда ижодий таътилда бўлган кезларда у Шайхзодани вазифасидан осонлик билан кеткизмоқчи бўлди. Уюшманинг буфетчисидан бошлаб жумҳурият мадҳияси (гимни)нинг муаллифига қадар бўлган кимсалар Шайхзоданинг ҳар бир қадами тўғрисида унга маълумот етказиб туришди. У ҳатто шоирнинг Сталин кўчасидаги Адамович номли кўшисини ҳам ишга солиб, унинг номидан турли идораларга Шайхзодани бадном этувчи хатлар уюштирди. Унинг қабиҳлиги шу даражага бориб етдики, ҳатто тунги соатларда уюшма раисининг хонасига ўғрича кириб, тинтув ўтказадиган ҳамда Ойбек ва Шайхзодага қарши ашёлар қидирадиган бўлди. Аммо ҳадеганда ўз иниятига мос далиллар топилавермади. Шундан кейин у Шайхзодани очикдан-очик таҳқирловчи усулларни ўйлаб топди.

Кунларнинг бирида С. Сомова, унинг буйруғига мўвофиқ, Шайхзоданинг ҳузурига бостириб кириб, фирқа ташкилоти унинг хонасига йиғилиш ўтказмоқчи бўлганини эълон қилди ва ундан хонани зудлик билан тарк этишни талаб қилди. Шу аснода ўзига «сиёсий» қопқон қўйилаётганидан беҳабар бўлган шоир эса С. Сомовани хонадан ҳайдаб чиқарди:

— Боринг! Сизларга бошқа жой қуриб қолганми! Менга ҳалақит берманг!— деди у.

У, раис лавозимини бажараётган улкан шоир бундай дейишга ҳақли эди. Аммо у бундай оддий ва ўткинчи ҳодисанинг ўзига қарши катта сиёсий айб учун асос бўлишини тасаввур ҳам этмаган эди. Пашшадан фил явашининг машини олган Мильчаков эса бу фактни пуфлаб, ундан ўйлаб пуфак туҳматлар ясади. Унинг буйруғи билан Мирмуҳсин ва Темур Фаттоҳ «Ленин» достони [Маяковский асари]нинг таржимасидан сиёсий хатолар ахтаришди; З. Мирҳожиев, Тўйғун, М. Мелькумов, М. Швердин, О. Раҳимий ва бошқалар Шайхзода ижодидаги гўё миллатчилик кўринишларини фоз этишди. Шоирнинг «маънавий бузуқлигини» исботлашда эса Шербек Алиев ва Епена Самохваловага тарафкаш бўлмади. Яна бир қанча таржимонлар Шайхзоданинг шеър ва мақолаларини рус тилига ўғриб, шу йўл билан шайтонга хизмат қилмоқчи бўлишди. 1951 йилнинг 12 апрелида эса В. Мильчаков, С. Сомова, Темур Фаттоҳ ва Мирмуҳсиндан иборат комиссия тузилди. Ажойиб шоирни миллатчилик ва советларга қарши фаолиятда айблаган бу комиссия ҳулосаси Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳайъатининг 1952 йил 31 январиде Уйғун бошчилигида бўлиб ўтган йиғилишида муҳокама этилиб, Шайхзода уюшма аъзосидан ўчирилди. Бу қарорга 31 кишидан иборат ҳайъатнинг бирорта аъзоси қарши чиқмади. Мильчаков «режиссёрлик» қилган бу мажлисда Ўзбекистон ёзувчилари ўзларининг энг

истеъдодли ва забардаст ҳамкасбларига нисбатан сотқинлик қилдилар. Мильчаков эса фақат Шайхзода эмас, балки бутун адабий жамоатчилик устидан ҳам галаба қозонганини кўриб, ўзининг ёвуз ниятини тантанали суратда ошкор қилди:

«Шайхзода бу ерда ўзининг ёлгондан иборат ва бетайин нутқида комиссия хулосаларига бўлган эътирозларини икки масалага қарши йўналтирди: биринчиси — у тилини [рус тилини демоқчи — Н. К.] заиф билгани учун ҳам гўё таржимада хатоликларга йўл қўйган; иккинчиси — у комиссияга ва унинг ниқобини олиб ташлаган барча ўртоқларни бадном этмоқчи бўлди. Аммо бу ерда сўзлаган барча ўртоқлар комиссия хулосаларини тўла тасдиқлабгина қолмай, яна ўн чандон янги фактларни қўшдилар...

Шайхзода бир пайтлар Езувчилар уюшмасининг раҳбарларидан бири эди, у ўзини фирқа ташкилотига қарши қўйиб, унга нисбатан расман уруш очди. Сичқон филга қарши ташланмоқчи бўлди — бу ўтакетган сурбетлик ва бетайинлиқнинг олий намунаси дур...

Мен Шайхзода биз биланми ё биз билан эмасми, деган саволга фақат битта хулоса бўлиши мумкин, деб ҳисоблайман: Шайхзода биз билан эмас, биз у турган йўлдан бормаймиз. Шайхзодани уюшма аъзоллигидан ўчирмиш лозим».

Ушбу шармандали йиғилиш бўлиб ўтганида, Мильчаков муҳаррир бўлган «Звезда Востока» ойномасининг 2-сонини чиқиш олдида эди. Аммо муҳаррир унга ўз қўли билан йиғилиш ҳақидаги кўнрақ хабарни тикширишга улгурди. Мана, Шайхзоданинг қўлига кишан солиб берган ўша қора сўзлар:

«Ўзбекистон Совет Езувчилари уюшмасининг ҳайъати УзСЕУнинг собиқ аъзоси М. Шайхзода ижодидаги гоёвий нуқсонлар ва унинг жамоатчиликка қарши қаратилган хулқ-атворини муҳокама қилди.

Шайхзода қатор йиллар давомида ўз адабий фаолияти билан ўзбек совет адабиётига зарар келтириб, унинг ўсиши ва тараққиётини ҳар томонлама тўхтатиб келди.

Унинг паст гоёвий ва бадий савиядаги, мазмунан қашшоқ ва шаклан заиф кўплаб асарлари феодал ўтмишни идеаллаштириб, тарихий воқеаларни миллатчилик нуқтани назаридан талқин этиб, тарихий ҳақиқатни бузиб келди.

Хўсусан, ўзининг «Жалолоддин Мангуберди» номли зарарли ва чиркин пьесасида М. Шайхзода Урта Осиё ва Кавказ халқларининг жаллоди Жалолоддин хонни миллати қахрамон сифатида тақдим қилмоқчи бўлди. Шайхзода «Оқсоқол» достонида Совет давлатининг таниқли арбоби, УзССР Олий Кенгаши Ҳайъатининг раиси ўртоқ Охунбобоевни қолюқ қарашлар ва кайфиятлар сиртмоғида қолган, «ўтаасиб» инсон сифатида тасвирлаб, унинг образига тўхмат қилди ва бузди.

Шайхзода улғур рус минбар шоири Владимир Маяковский шеърларини ўзбек тилига таржима қилишда уларни қасддан бузиб, давримизнинг энг истеъдодли шоирини ўзбек халқи назарида бадном этишга уринди...

М. Шайхзоданинг ижодий фаолияти уни маънавий жиҳатдан бузилган, гоёсиз ва паспортсиз дайди-космополит сифатида баҳолайди...»

Бу даҳшатли тўхмат атоқли адбимиз тўғрисида айтилган. Вақт ўтиши билан бу сўзлар гарчанд ўз қимматини йўқотган ва бугун, эҳтимол, қулгили бўлиб туюлаётган эса-да, улар ўз даврида Шайхзодага мислсиз изтироб ва қийноқлар келтирган, умрини, асабларини, ақлу ҳушини эгавлаган,

юрагига кўрғошин бўлиб қадалган. Мильчаков ва унинг қонхўр гумашталари Шайхзодани Езувчилар уюшмасидан ҳайдаш билангина kifрояланмади. Улар ҳаракати ва ташаббуси билан март ойида Узкомфирқанинг шармандали X пленуми бўлиб ўтди. Бу пленумда Ойбекиннинг «Навоий» романи, Шайхзоданинг «Жалолоддин Мангуберди» пьесасидан бошлаб Туроб Тўла шеърларига қадар бўлган ўнлаб асарларини зарарли деб эълон қилинди. 3—4 апрелда жумҳурият Езувчилари уюшмасининг VII пленуми бўлиб, унда илгари биринчи котиб А. Э. Нисёзов «калтақлаган» асарлар яна бир бор «қора галвир»дан ўтказилди. 28—29 апрелда эса таржима масалаларига бағишланган жумҳурият кенгаши ўтказилиб, яна Шайхзода таржималари «илма-тешик» қилинди.

Хуллас, Мильчаков елиб-югуриб, 20 сентябрда Шайхзодани қамоққа олиш ҳақида қарор чиқишига эришди. Шоир 21 сентябрдан бошлаб уч ой давомида кеча-кундуз тинимсиз сўроққа тутилди.

Шайхзоданинг ҳибсага олинишида асосий ашёвий далиллардан бири юқорида айтилган машум комиссиянинг хулосалари эди. Шунинг учун ҳам шоир 21 ноябрда соат 1 дан соат 5 га қадар бўлган сўроқ пайтида бундай деган: «Мен юқорида қайд этилган комиссиянинг қатор асосий масалалар бўйича хулосаларини нўтўғри, деб ҳисоблайман. Комиссия ҳалол ва холисона ишламади, бутун ижодимни таҳлил этмади. У фақат бир нарсага — асарларимдан фақат қусурли томонларини топшига уринди. Менга гайрлик билан қараган Мильчаков ва Мирмуҳсин сингари езувчиларнинг комиссия ишида қатнашуви унинг хулосаларига салбий таъсир кўрсатди».

Шайхзода шу кун кечаси соат 9 дан соат 1 га қадар давом этган терговда бу масалага аниқлик киритиб, деди: «Ҳамма гап Мирмуҳсиннинг «Уста Ғиёс» достонининг Мильчаков томонидан бажарилган таржимасини жиддий танқид қилишимдан бошланди. Бу таржиманинг муҳокамасига бағишланган йиғилишдаги нутқимда мен уни бурчга нисбатан халтурача муносабатининг намунаси деб баҳоладим, зероки, Мильчаков ўз таржимасида «Уста Ғиёс» достонининг мундарижасини бузган эди. Мильчаков шундан кейин меннинг пайимга тушди. У ўзининг бир қанча нутқларида менга асосиз равишда хуруж қилиб, адабий ижодимни бузиб кўрсатишга уринди. Шу заминда муносабатларимиз таранглашиб борди.

Мирмуҳсинга келганда, ўртаминда шахсий адоват йўқ ва бўлиши ҳам мумкин эмас. Уни шоғирдим десам ҳам бўлади. Давлат педагогика институтида меннинг қўлимда сабоқ олган. Мен кейинчалик унинг илк шеърлар китобига муҳаррирлик қилдим. Илгарилари биз яхши муносабатда эдик, аммо кейинги пайтларда у Мильчаков ва унга ўхшаш кимсаларнинг таъсирига берилди. Мирмуҳсин адабий ва ижтимоий фаолиятини текшириш бўйича тузилган комиссия ишида қатнашар экан, ижодчиларга иш тутди... Ўзбекистон Езувчилар уюшмаси ҳайъатининг шу йил 31 январда бўлиб ўтган ва ижодим муҳокама этилган йиғилишида Мирмуҳсин мени ҳар қандай балода айблашга уриниб, бирёқлама гапирди».

Мильчаков қонсирраган кезларда Езувчилар уюшмасида Уйғун раислик қилган. Уйғун билан Шайхзода ҳеч қачон дўст ҳам, душман ҳам бўлмаган. Шайхзода тергов пайтида берган маълумотларга кўра, 1946—1947 йилларда Мутал Бурҳонов Уйғун либреттоси асосида «Навоий» операсини ёзиш ниятида бўлган. Аммо Уйғун

қаламидан чиққан либретто бастакорга манзур бўлмаган. Либретто билан яқиндан танишган Шайхзода унинг чиндан ҳам ночорлигини кўриб, жиддий таҳрир қилган ва сайқал берган. Бу воқеадан воқиф бўлган Уйғунда ҳамкасбига нисбатан гаразли кайфият пайдо бўлган. «Уйғун, — деган Шайхзода тергов пайтида, — кейинги йилларда менга нисбатан носамимий муносабатда бўла бошлади. У кўпинча асарларимни танқид қилиш баҳонаси билан уларни йўққа чиқармоқчи бўлди, умуман, унинг менга нисбатан гаразли муносабати сезила бошлади. Уйғун Езувчилар уюшмасига раҳбар бўлиб келган, мени уюшма фаолиятида иштирок этишдан аста-секин четлатиб, сиқиб чиқарди».

Уша йилларда Езувчилар уюшмасида муайян мавқега эга бўлган ижодкорлар, турли сабабларга кўра, Шайхзодадек ажойиб инсон ва шоирдан юз ўгиришди. Ҳатто унинг беқияс меҳр-муруватидан баҳраманд бўлган шоғирдлари ҳам устозга нисбатан хонлик қилишди. Мильчаков уларга хос бўлган номдорлик, кўрқоқлик, оғмачилик каби иллатлардан усталик билан фойдаланди. Унинг Шайхзодадек катта истеъдод ва шон-шухратга эга ижодкорни маҳв этиш истаги айрим езувчилардаги худбинлик ва ҳасад туйғулари билан қўшилиб, манфур бир уйғунликни — гаразгўй кишилар иттифоқини майдонга келтирди. Улар ўз навбатида Шайхзодага тўхмат тошларини отиб, уни ашаддий миллатчи ва Совет давлатининг ёвуз душмани сифатида Сталин зиндонлари сари судраб боришди. Шайхзода 25 йиллик қамоқ жазосига ҳукм этилди.

1952 йил 21 августда жабрдийда шоир билан тўхматчи коммунист НКВД ертўласида ўзаро юзлаштирилди. Мана, шу соатда Мильчаковга берилган айрим саволлар ва унинг жавоблари:

«Савол. Мақсуд Шайхзодани биласизми!»

Жавоб. Ҳа, Шайхзодани Ўзбекистон Совет Езувчилар уюшмаси ҳайъатининг собиқ аъзоси сифатида биламан... Шайхзодани урушга қадар ҳам билар эдим, аммо у билан расмий танишувим 1946 йил ноябрда, Ўзбекистон Совет Езувчилари уюшмасининг аппаратида ишга келганимдан кейин рўй берган.

Савол. Сизнинг у билан муносабатингиз қандай!

Жавоб. Дастлаб бизнинг муносабатларимиз оддий бўлган, езувчи билан езувчининг муносабатидек. Аммо вақт ўтиб, уни кузатиб юрар эканман, унинг совет кишиси эмаслигини кўрдим. Бу ҳақда фирқа йиғилишида ҳам, УзКП(б) Марказий Қўмитасининг раҳбар ходимлари билан сўхбатда ҳам, езувчилар муҳтида ҳам очиқ гапирганман. Шулар натижасида ўша вақтда Ўзбекистон Езувчилар уюшмасининг раҳбариятида бўлган Шайхзода менга нисбатан гаразли ҳолатни эгаллаб, мени фирқа ташкилотининг котиби сифатида шарманда қилиш ва езувчи сифатида бадном этишга уринди...

Савол. Шайхзоданинг советларга қарши миллатчилик фаолияти ҳақида Сизга шахсан нималар маълум!

Жавоб. Шайхзода гарчанд менинг ҳузуримда советларга қарши ёхуд миллатчилик рўхидаги фикрларини билдирмаган бўлса ҳам, бутун хулқ-атвори, энг муҳими, ижодининг таҳлили менга унинг адабий фаолияти, ўз моҳияти ва шаклига кўра, советларга қарши миллатчилик йўналишига эга, деб ишонч билан айтишга ҳуқуқ беради».

Ҳўш, Мильчаковнинг назарида, Шайхзода ижодидаги зарарли йўналиш нима

Алишер Навоий асарлари ўзининг нафақат бадиий жозибаси, балки ҳали тўла англаб етилмаган фикр ва рамзий ишоралари билан ҳам боқийдир. Қуйида «Хамса» таркибидаги тўртинчи дoston, яъни «Сабъаи сайёр»даги ўқиб олиниши эмас, ўқиб олиниши лозим бўлган, рамзларга сингдирилган маънолар тўғрисида сўз юритамиз.

Уз даврида ҳатто Навоий ҳам бутун фикрини, айниқса шоҳ билан алоқадор қарашларини доимо очиқ баён эта олмасди. Маълумки, у дўсти Ҳусайн Бойқаро саройида маълум вақт хизмат қилган. Шундай бўлса-да, шоҳ Ҳусайн Бойқаро Навоийнинг кескин, насихатомуз маслаҳатларини осонликча қабул қила олмаган. Ундан ташқари, бундай ҳолларда кўпчилик сарой аъёнлари Навоийнинг панд-насихатларини ёмонликка йўлган вақтлар ҳам бўлган. Шу боис, Навоий ўз фикрини кўпчилик асарларидаги афсонавий қаҳрамонлар ва воқеаларни ўрнатиб кўрсатиш орқали билдиришга ҳаракат қилган.

РАМЗЛАРГА ЯШИРИНГАН МАЪНО

«Сабъаи сайёр»даги ов манзарасига ана шундай тағдор маънолар сингдирилган. Дoston айнан шу лавҳа ва шоҳнинг улими билан якунланади. Севгилиси Дилором билан аразлашиб қолган Баҳром уни чўлга ташлаб кетиб, сўнг йўқотиб кўяди. Унинг дардида ўртанган Баҳромнинг ҳасратларини унутиши учун етти қаср қуришади. Баҳром уларда айшишрат қилади, кунларини вақтихушликда ўтказиб, давлат ва халқ тақдири билан иши бўлмай қолади. Оқибатда халқнинг аҳволи оғирлашади. Асар сўнгида Баҳром Дилоромни

да, қайси асарларда зухур берган! Мильчаков, масалан, Шайхзоданинг «Правда Востока» рўномасида босилган «Халқ бахсиси» мақоласини мисолга келтириб, бундай хулоса чиқаради: «Шайхзоданинг айтишича, бундан етмиш беш йил муқаддам Туркистон змиқстон мустамлака шароитида яшаган, чор ҳокимлари маҳаллий бойлар ва феодаллар билан бирга меҳнатқашлар оммасини шафқатсиз эзиб, ҳақоратлаб, уларни оддий инсоний ҳуқуқлардан ҳам махрум этган. Фақат буржуа миллатчисигина шундай деб ёзиши, чор ҳокимлари билан бирга Шарққа рус халқининг келганини атайин кўрмаслиги ва ўзбекларнинг феодализмни янчиб ташлаб, социализм қуришларида уларга кўрсатган ёрдамларини инкор этиши мумкин».

Тархий фактларни бундай бузиб кўрсатиш учун киши мутлақо саводсизгина эмас, виждонсиз ҳам бўлиши лозим. Мильчаков гарчанд тарих куллийетининг уч курсини тугатган бўлса-да, на марксизм-ленинизмни, на тарихни биларди. Шунинг учун ҳам у Шарққа чор ҳокимлари билан бирга келиб, маҳаллий халқни истаганича талаган, эзган ва ҳақорат қилган мустамлакачилар онги, қарашлари ва руҳиятига эга эди. Афсуски, Ўзбекистоннинг табий ва жуғрофий бойликлари ҳамда аҳолисининг меҳмондўстлигидан икки юз фойз баҳраманд бўлган

кимсалар ана шундай қарашдан ҳанузгача фориг бўлмай келишмоқда. Ҳанузгача минглаб беғуноҳ ва беозор кишиларимиз мочаловчилик-милъчаковчилик-гдлянчилик ҳаракатининг қурбонлари бўлиб келмоқда...

Мазкур тергов жараёнида ўзини мағрур ва мард тутган И. Сиркина 1954 йил 31 мартда ёзган «Тушунтириш хати»да: «Шеввердин ва Мильчаков Езувчилар уюшмасида шундай вазиятни яратдиларки, нафақат Шайхзода, балки Ойбек, Фафур Гулом сингарии бошқа езувчилар ҳам ўзларига инсбатан ғаразли муносабатни сезиб турардилар», деб гувоҳлик беради. Чиндан ҳам, Мильчаков ва унинг думлари Миртемир, Собир Абдулла, Миркарим Осим, Шухрат, Саид Аҳмад, Шукрулло ва бошқа ўнлаб езувчиларга кун бермай, уларни қамоққа олиш учун материал йиғдилар. Мильчаковнинг ўз лавозимидан гайрли ниятда фойдаланаётганини сезган Ойбек 1948 йилдаёқ «Қизил Ўзбекистон» рўномасида хизмат қилаётган Мирзакалон Исмоилийини уюшмага таклиф этиб, унга фирқа ташкилотига раҳбарлик қилишни топширмоқчи бўлди. Аммо унинг кучи етмади: Мильчаковнинг орқасида қудратли идоралар турарди. Улар Ойбекнинг бу режасидан дарак топиб, энди Мильчаковни унинг ўзига қарши гиж-гижлатишди.

топишига қарамай, ишратпарастликни давом эттираверди. Шикор — катта ов уюштиради. Ана шу ов лавҳасидаги яширин маъно Ҳусайн Бойқарога қаратилгандир.

Баҳром ўз кишилари билан катта яйловда кийикларни овлай бошлайди. Овчилар қўплаб жониворларни ўлдиради, ер уларнинг қонидан лолазордек қизаради:

Заҳм ила сәйд баски зор ўлди,

Марғзор ўйла лолазор ўлди.

Навоий шу жойда, яъни яйлов ўрнида бир даврлар ботқоқлик бўлганини таъкидлайди. Яйловга тўкилган қон ерга сингади ва у ер остидаги нам билан қўшилиши натижасида яйлов юзаси юмшай бошлайди. Боз устига осмонни булут қоплаб, кучли ёмғир туфайли яйлов ботқоққа айланади ва барча жонзот ер қаърига чўка бошлайди:

Чарга даврики халқдин тўлди,

Ер юки оғир эрди ҳам бўлди.

Ўйла юмрулди ерга юз минг хайл,

Қилдилар бир йўли су қаърига майл.

Ҳамма ҳалок бўлади. Шоҳ Баҳромнинг табиатга қилган зулми ўзининг ҳам, аъёнлар ва ҳайвонларнинг ҳам бошига етади. Бу лавҳа асарнинг зоҳирий, табиатга етказилган жабр учун унинг одамлардан ўч олиши билан боғлиқ маъносидир.

Айни пайтда ов манзараси иккинчи, ботиний маънога ҳам эга. Унга кўра яйловдаги ов ва у билан боғлиқ воқеаларда Навоий қайсидир даражада, ўз жамиятига ишора қилган, ёмонликдан оғҳлантирган. Баҳром Дилоромни йўқотганидан кейин ишратпарастлик қилганди, халқ аҳволи оғирлашиб, унинг ватани қора гўрга айланган эди:

Неча йил бўйла комлар сурди,

Ҳой-ҳўйин фалакга еткурди.

Оқибат ҳе дегунча чархи даний,

Тийра гўр айлади анинг ватани.

Баҳромнинг халқ ва давлат ишларига бефарқлиги ов манзарасидаги рамзий образларда акс этган. Мана, ҳар бир образнинг рамзий маъноси: Кийиклар — халқ; кийиклар қони — халқ қони, халқнинг азобланиши; ёмғир — халқ кўз ёши; яйлов — шоҳ давлати; ботқоқ — шоҳ давлатининг муваққатлиги.

Дилором ва сарой аъёнлари асл қиёфалари билан иккинчи, рамзий маънода иштирок этадилар, Баҳром қисман Ҳусайн Бойқарони акс эттиради. Энди шу рамзийлик асосида ов лавҳасини кўриб чиқамиз. Демак; кийиклар қони ерга тўкилади — жабр кучаяди. Яйлов (шоҳ давлати)

1952 йилнинг 16 декабрида кечаси соат 9 дан соат 3 га қадар давом этган сурункали сўроқ пайтида терговчи, қўтилмаганда, Шайхзодага бундай савол билан мурожаат этган: «Сиз Ойбек, Шарипов, Туроб Тўла ва бошқалардан иборат ҳамтовоқларингиз билан Ўзбекистон Совет Езувчилари уюшмасини миллатчи кадрлар билан тўлдириб юбормоқчи бўлганингизни тан олмасизми!» Уша вақтдаги тергов қонун-қондаларига кўра, ҳамтовоқ сифатида тилга олинган кишилар озодликда узоқ вақт юрмаган. 1952 йилнинг охирларида Ойбек учун ташланган қопқон ҳам адиб билан бирга НКВД ертўласига келтирилиши лозим эди. Мильчаков ўзи орзу қилган бундай куннинг келиши учун кўп куч сарфлади. У ўз ҳаммаслаклари билан Ойбекни 1948 йилда уюшма фирқа бюросининг аъзолигидан, 1952 йилда эса уюшма ҳайъатидан чиқаришга эришди. Энди унинг ва шерикларининг бутун кучи буюк адибни фирқа аъзолигидан ўчирши ва ҳибсга олишга қаратилди.

Аммо ўзбек адабиётининг яқинлашиб келаётган ўнкуллигига Ойбексиз борши, яна унинг қамалганлиги ҳақидаги хабар билан борши ҳавотирли эди. Шаҳсан Сталин билан ота-болодек яқин А. А. Фадеевнинг Ойбекка ҳурмати ва ишончи катта бўлган. Шунинг учунми, сиёсий идоралар

урнида қачонлардир ботқоқ бўлганди. Ботқоқ — шоҳ давлатининг мустақкам эмаслигига ишора. Яйлов ўрнида қачонлардир ботқоқ бўлганди, яъни бу давлат муваққат эди. Халқ кўз ёши ва қони муваққатликка қўшилиб давлатни емиради. Шоир давлатнинг муваққат асосига эътиборни қаратиб ёзади:

Чун гияҳ бутмиш ўйлаким беша
Тубини маҳкам айлакиш реша.
Бир қорига яқин захомат анга,
Реша бандидин истиқомат анга.

Бу ҳам давлатнинг ўзини зўр-базўр ушлаб турганлигига ишорадир. Қон ерга сингиб, ер остидаги ботқоқ намига бориб қўшилади. Навоий ботқоқ тушунчасини тасвирга катта нарсани ўйлаб киритгандир. Ботқоқнинг устки қисми, одатда, оддий ўтлоқдан айтарли фарқланмайди. Лекин оёқ қўйилса, у қалқиб, одамни зўрға ушлаб туради ёки домига тортади. Шу маънода, Навоийнинг фикри шундай: шоҳ ҳокимиятининг (бунда Баҳром кўзда тутиляпти) пойдевори муваққатдир. Шоҳ давлат ишларига аҳамият бермаса, халқ талон-тарож бўлади. Кийикларнинг қони тўкилса, бу-



нинг ҳозирча озодликда юришига рози бўлишди. Лекин бу ҳол Мильчаков ва уюшма раҳбариятининг режаларига мос келмас эди. Улар ўнқунлик мўносабати билан рус тилида чиқаётган муҳим асарлардан бири — «Олтин водийдан шабадалар» романининг рус китобхони қўлига етиб бормаслиги учун барча чораларни кўришди. Шахсан Мильчаков чоп этишга тайинли асари бўлмаган «Звезда Востока» ойнамасидан романга жой беришни истамади.

Таржимон С. П. Бородин Ойбекка ёзган мактубларида Мильчаковнинг романга бўлган совуқ мўносабатининг сабабини унинг муаллифга нисбатан туйган адоватида кўради. Уюшма раҳбариятида ҳам, Марказқўмда ҳам Мильчаковни қўллаб-қувватлаётган кимсалар борлигидан зорланади. Чиндан ҳам, 1951 йилнинг 1 августда роман ва унинг таржимаси Марказқўмда кенг муҳокама қилинди. Бу муҳокамага на муаллиф, на таржимон таклиф этилди. Муҳокамада маъруза билан чиққан А. Удалов гарчанд асарга юқори баҳо берган бўлса-да, дастлаб Р. Ғуломов, сўнг В. Мильчаков узундан-узоқ нутқ сўзлаб, Ойбекнинг зарарли асар ёзгани, С. Бородиннинг эса уни ёмон таржима қилганини оғиз тўлдириб гапиришди. «Звезда Востока» ойнамасининг муҳарририятида «Марказқўм романи бузуқ асар деб топди, уни

мутлақо қайта ишлаш керак», деган овозлар авжига чиқди. Шу тарзда романга қарши кураш Ойбекка қарши курашнинг асосий ҳалқаларидан бирига айланди.

Уттиз босма тобоққа яқин роман таржимонининг елиб югуриши оқасида ойнаманинг 1951 йилги 7—8-сонларида чумчуқнинг кўзидек бўлиб чиқди. 1952 йил апрелининг охирида эса ойнама муҳарририяти Тошкент тўқимачилик комбинатининг инженер-техник ходимлари билан учрашди. Мильчаков ойнама фаолияти ҳақида маъруза қилгач, комбинатнинг аввалдан тайёрланган икки ходимаси — П. Савушкина ва З. Зяблицева ёзувчи шайнига таъна тошларини ёғдира кетди. Ойнаманинг ўша йилги 6-сонидан эса Тошкент Қишлоқ хўжалик олийгоҳининг профессори Е. Михайлов романга «бузуқ асар» деган муҳри босди. Улар Ойбекни чаён бўлиб чақишда Мильчаковга кўмакка келишди.

Бу кимса яна қандай яширин йўллар билан Ойбек, Шайхзода ва бошқа ўзбек ёзувчиларини чаён бўлиб чаққан!.. Афсуски, ҳали кўп ҳужжатлар темир сандиқларда сақланмоқда. Аммо хўрматли шоир Шухратнинг айтишига қўра, Мильчаков бошчилигидаги бир гуруҳ ёзувчилар Ойбекни миллатчи сифатида айбловчи ҳужжатларни тўплаб, А. Фадееннинг ҳузурига боришган. Яна, шоирнинг айтишича, ҳозир



нинг оқибатида зўрға барпо этилган яйлов (ҳокимият) барбод бўлади.

Тасвирда ботқоқликнинг тикланишини тезлаштирган омиллар қаторида ёмғир суви (халқнинг кўз ёши) ҳам тилга олинади. Юқоридан ёмғир суви ва қон ерга сингиб, ер нами билан қўшилади:

Куйидин суву юқоридин нам,
Юқоридин наму куйидин ҳам.

Лавҳадаги рамзийликка яна бир ишора бор. Бошқа ҳайвонлар қаторида, ботқоққа чўкаётган шер ва жайрон қандай бўлмасин жон сақламоқчи бўладилар. Улар табиатан ўзаро зид ҳайвонлардир. Лекин ўлимлари олдидан бир-бирларига чирмашиб, чўкишдан сақланмоқчи бўладилар, афсус ҳаракат зое кетади. Навоий бу билан кучли ва ожиз жонзот ўртасида ўлим вақтида фарқ йўқ, дейди. Бундаги шер — ҳукмдор, жайрон — оддий халқ рамзи. Ҳокимият емирилгач, ҳоким ҳам, оддий кишилар ҳам бирдек, ҳатто шу вақтда бир-бирларини қўллаб-қувватласалар ҳам ўладилар, дейилмоқда. Ов тасвири асарнинг бутун воқеаларидан келиб чиққан мантиқий яқун сифатида намоён бўлади. Навоий бу фикрларни Баҳромдек машҳур шоҳ фожеаси воситасида айтиш билан Ҳусайн Бойқарони адолатга чақиради. Баҳромдек шоҳ орқали Ҳусайн Бойқарога таъсир этиш осонроқ эди.

Достон сўнгида Навоий Баҳромни тушида кўрганлигини айтади. Тушида Баҳром келиб Навоий билан суҳбат қуради. Баҳром Навоийга ўзининг асардаги тасвирланиши борасида миннатдорчилик билдиради. У Бойқарони тилга олиб, унинг ўзига ўхшашлигини айтади. Шу билан бирга Баҳром Навоийга шоянга бориб айт, шоҳлар минг йил яшасалар ҳам ўлар чоқда ҳаммаси тамом бўлади, ундан фақат яхши номгина қолиши мумкин, дейди.

Хуллас, достондаги ов манзарасининг ботиний маъноси шундай талқинга эга. Навоий асарларидаги рамзларга яширин маъноларни уқиб олиш доим ҳам осон кечмас. Зеро, шоир буюклигининг бир сабаби ҳам шундадир.

Афтондил ЭРКИНОВ,
Тошкент давлат дорилфунуни ўзбек
филологияси қаллиётининг ўқитувчиси.

бу ҳужжатлар Тошкентдаги архивларнинг бирини сақланмоқда.

Адабиётимиз бағридан Ойбекни, Шайхзода, бошқа ўнлаб истеъдодли ижодкорларни бадарга қилмоқчи бўлган кимсалар ҳаммадан бир айб топиб, оттириб юбориши ва ёниб кетган ўйнинг мўрисидай бўлиб адабиётда ёлғиз ўзлари сўппайиб қолишини орзу қилишган эди. Лекин бахтимизга, ҳақиқат ва адолат деган, кўпинча кечикиб келса-да, ҳар қалай илоҳий кучини кўрсатадиган қудрат бор: ёлғоннинг бир кун миси чиқади.

Ниҳоят, ушбу мақола сўнгида яна икки маълумот: биринчиси — адабиётимиз жаллоди Мильчаков «ўзбек совет адабиётини тараққий эттиришдаги катта хизматлари учун» «Хўрмат белгиси» нишони ва қатор нишончалар билан тақдирланган. Иккинчиси — Сталиннинг ўлиmidан кейин ҳаётбахш шабадалар эса бошлаганда, Мильчаков Ўзбекистонда ортқ яшай олмай, Россиянинг қайсидир бир вилоятга кўчиб кетишга мажбур бўлган. Кўзи кўр, қўл-оёғи фалаж бўлиб, хорлик ва зорликда ўлган...

(Давоми бор.)

Ҷағли

Мухтарам алайҳис саломлик ҳаётли, фарқлиқли ва кўрсатмалар ҳақиқа қалғлар

Ойномамизнинг мухтарам мухлислари томонидан мак-тублар орқали қилинган кўплаб илтимосларни инобат-га олиб, 1991 йилнинг аввалидан бошлаб яна ҳадислар-дан намуналар бериб боришни лозим топдик. Ҳадислар таржимаси ҳозирги ва эски ўзбек ёзувида чоп этилади. Ҳусниҳат ва имло қоидаларини ўрганаётган муштарий-ларимиз учун бунинг аҳамияти катта деб ҳисоблаймиз. Таржима ва дастхат Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмон-лари Диний бошқармасининг фатво ҳайъати мудирини Абду-лазиз Мансур қаламига мансубдир.

Дарвоқе, кўпгина мухлисларимиз Абдулазиз Мансур-нинг ойнома орқали бериб бораётган мақолалари манзур бўлаётганини баён этиб, у киши билан таништиришни илтимос қилишган.

Абдулазиз Мансур Фаргона вилоят Фаргона ноҳияси Миндон қишлоғида 1944 йилда таваллуд топган. Урта мак-табни аъло баҳолар билан тугатган, Совет Армияси сафида хизматни адо этган. Ёшлиқдан қизиқиб ўрганиб келаётган диний билимини такомиллаштириш ниятида вилоят-

нинг Олтиариқ, Марғилон, Риштон ва Қўқон шаҳар-ларидан машҳур устозларидан сабоқ олди. Айни вақт-да хаттотлик машқини ҳам эгаллади. Дарвоқе, ҳозир у Урта Осиё ҳудудидан бармоқ билан санарли ҳусниҳат соҳибларидан бири ҳисобланади.

1975 йилда Тошкент Ислоҳ маъҳадига кириб, 1979 йили уни ҳатм қилади. 1980—1981 йиллари Судан Ислоҳ дорилфунунда таҳсил кўради. «Совет Шарқи мусул-монлари» ойномасида масъул котиб ва араб ҳамда ўзбек тиллари бўйича муҳаррир бўлиб ишлайди. 1983 йилдан бошлаб Урта Осиё ва Қозоғистон мусулмон-лари диний, бошқармасида фатво ҳайъати мудирини лаво-зимда ишлаб келади. Тошкент ва Бухоро мадраса-ларида диний фанлардан дарс бериш баробарида мат-буотда мақолалари билан мунтазам қатнашиб келади. 1986 йили муборак ҳаж сафарини бўлган, бир неча хо-рижий мамлакатларга ташриф буюрган.

Ҳусниддин УМАРЗОДА.

РАҲМЛИ ВА МЕҲРИБОН АЛЛОҲ НОМИ ИЛА! МУҲАММАД АЛАЙҲИС САЛОМ АЙТДИЛАР:

1. Аллоҳ Таоло савобли ишларни ҳам, гуноҳ ишларни ҳам бизларга аниқ ва равшан баён этди. Кимки бирор савобли ишни қиламан, деб ният ва ҳаракат қилса-ю, лекин уни қила олмаса, Аллоҳ таоло унга бир бутун савоб ёзади. Бордию ўша яхши ниятини амалга оширса, ўнтадан то етти юзтагача, балки ундан ҳам кўпроқ савоб ёзади. Агар у бирор гуноҳ ишни қиламан деб ният қилса-ю, лекин уни қилмаса, Аллоҳ Таоло унга бир бутун савоб ёзади. Бордию ўша ёмон ниятини амалга оширса битта гуноҳ ёзади.

(Имом Бухорий ва Муслим ривоятлари)

2. Аллоҳ Таоло то қуёш ғарб томондан чиқиб қиёмат қойим бўлгунга қадар ҳар бир тунда кундузи гуноҳ қил-ганлар тавба қилармикинларки, кечирсам, деб «қўлини» очиб туради. Кундузлари эса тунда гуноҳ қилганлар тавба

қилармикинларки, кечирсам, деб «қўлини» очиб туради. (Имом Муслим ривояти)

3. Мўмин киши қандай ҳам бахтли! Унинг барча ишлари яхшиликдан иборат. Масалан, унга бирор хурсандчилик етишганда шукр қилса савоб олади, бу ҳам яхши. Шў-нингдек унга бирор хафачилик етишганда сабр қилса яна савоб олади, бу ҳам яхши. Бундай бахт фақат мўмин кишига насиб бўлади.

(Муслим ривояти.)

4. Кўзлари ожиз бўлиб қолганда сабр қилган бандам-нинг кўзлари эвазига жаннатни ваъда қиламан, деб башо-рат беради Аллоҳ Таоло.

(Бухорий ривояти.)

5. Аллоҳдан қўрқинглар, беш вақт намозларингни ўқинглар, Рамазон ойи рўзасини тутинглар, бойлик-ларингдан закот беринглар ва амирларингга итоат қил-линглар, шунда Парвардигорингиз жаннатига кирурсизлар. (Термизий ривояти.)

Шафоат РАҲМАТУЛЛО (Термиз).

Бу йўллар макруҳдир, изга қайтаман,
Суннати ҳақиқат сўзга қайтаман,
Аҳли мўмин сизга, ўзга айтаман:
Мен изга қайтаман — ўзга қайтаман,
Е имом Термизий, сизга қайтаман.

Йўқ эдим тўлиқми, ярим аср мен?
Кўр эдим тўлиқми, ярим басир мен?
Телбами, манқуртми, ақли қосир мен?
Мен изга қайтаман — ўзга қайтаман,
Е имом Термизий, сизга қайтаман.

«Ушлик» шапкасига саломни бердим,
Сўнг калом, имонни, калламини бердим.
Арбобу, адибу мулламини бердим
Мен изга қайтаман — ўзга қайтаман,
Е имом Термизий, сизга қайтаман.

Меросни топташ ҳам маданиятми?
Аждодни топташ ҳам маънавиятми?
Елғонни мақташ ҳам айнул ҳаётми?
Мен изга қайтаман — ўзга қайтаман,
Е имом Термизий, сизга қайтаман.

Фалсафа онаси китоби Карим
Қолиб, куфр дарсин олди бу сарим,
Менда иймон, йўқдир, бўлса ҳам ярим,
Мен изга қайтаман — ўзга қайтаман,
Е имом Термизий, сизга қайтаман.

Моҳов паривашим ириди бу кун,
Риё ҳақиқатим чириди бу кун,
Рўё муҳаббатим қуриди бу кун,
Мен изга қайтаман — ўзга қайтаман,
Е имом Термизий, сизга қайтаман.

Бўғзимни кўзлаган шотирлар бунда,
Сталин урчитган ботирлар бунда,
Қатли ом этса-да ҳақни бир тунда,
Мен изга қайтаман — ўзга қайтаман,
Е имом Термизий, сизга қайтаман.

Туф, ёлғон дунёнга, асл қайда сен?
Шарқ фикри жам этган ҳосил, қайда сен?
Ҳаққа етакловчи расул, қайда сен?
Мен изга қайтаман — ўзга қайтаман,
Е имом Термизий, сизга қайтаман!

Имом
Термизийга
муножот

МУШТАРИЙ ИЛҲОМИ

رحملى و مهربان الله نامى ايله

محمد عليه السلام ايتد يار :

۱ = الله تعالى ثوابلى ايشلارنى بيم گناه ايشلارنى بيم بىرلا گه انيق و روشن بيان ايتدى ، كيمي كه بىر ثوابلى ايشنى قىلامن ديب نيت و حركت قىلسه يو ليكن اونى قىلاماسه الله تعالى اونگه بربوتون ثواب يازدى . بارديو اوشه بخشى نيتنى عملگه آشيرسه اونته دن تاتى يوزته گاهه بلكه اوندن بيم كوپراق ثواب يازدى . اگر او بىر گناه ايشنى قىلامن ديب نيت قىلسه يو ليكن اونى قىلاماسه الله تعالى اونگه بربوتون ثواب يازدى ، بارديو اوشه يامان نيتنى عملگه آشيرسه بته گناه يازدى .
(امام بخارى و مسلم روايت لارى)

۲ = الله تعالى تا قوايش غرب تاماندىن چىقىب قىامت قايم بولگونگه قدر هر بربوتونده كوندوزى گناه قىلگانلار توبه قىلار ميكن لار كه كيچير سم ديب قولينى آچيب تورادى . كوندوزلارى ايسه تونده گناه قىلگانلار توبه قىلار ميكن لار كه كيچير سم ديب قولينى آچيب تورادى .
(امام مسلم روايتى)

۳ = مؤمن كيشى قنداي بيم بختلى ، اونينگ بىرجه ايشلارنى بخشىليكدن عبارت ، مثلاً اونگه بىر اىر خىر خىر چىلىك بىتيشگانده شكر قىلسه ثواب آلادى ، بوبهم بخشى شونينگد يك اونگه بىر اىر خىر چىلىك بىتيشگانده صبر قىلسه بيه ثواب آلادى ، بوبهم بخشى . بونداي بخت فقط مؤمن كيشى گه نصيب بولادى

(مسلم روايتى)

۴ = كوزلارى عاجز بوليب قالگانده صبر قىلگان بىزم نينگ كوزلار عوضيگه جنتنى وعده قىلامن ، ديب بشارت بىرادى الله تعالى

(بخارى روايتى)

۵ = الله دن قورقینگ لار ، بيش وقت نمازلار بىنگنى او قىنگ لار ، رمضان روزه سىنى توتىنگ لار ، بايلىك لار بىنگدن زكات بىرىنگلار و اميرلار بىنگ گه اطاعت قىلینگ لار ، شونده پروردگار بىنگىز جنتى گه كيچير سىز لار

(ترمذى روايتى)



Мана, асримиз ниҳоясига ҳам санокли ииллар қолди. Утган ўн йилликлар давомида миллат сифатида қандай янги хусусиятларга эга бўлди-гу нималарни йўқотдик? Инкилобдан олдинги боболар турмуши, урф-одат ва маросимларидан қай бири бугунги кунга қадар етиб келган, қайсиларини унутиб юбордик? Бу саволларга жавоб излашга муштарийларимизни ҳам таклиф этамиз. Шунини таъкидлаш керакки, кўп нарсаларни унутганимиз — ҳақиқат. Узлигимизга қайтиш бошланган ҳозирги пайтда унут-

ганларимизни бир ёдга тушириш ҳам қарз, ҳам фарз. Шу маънода ўзбек маърифат-парвари Мўминжон Муҳаммаджоновнинг «Турмуш уринишлари» (Т., 1959 йил) китобидан қуйида эътиборингизга ҳавола этилаётган парчалар (асримиз бошидаги турмуш тарзини) мутолаа қилиш фойдадан холи бўлмас, деган ниётдамиз. Янги, «Ўзбекнома» бўлимимизда келгусида ҳам шу мазмундаги ҳикоялардан ўқиб борасиз.

ШИННИ ПИШИРИШ МАРОСИМИ

Домламизнинг боғ ишларини қилиб юриб куз фаслига ҳам етиб олдим. Сентябрь ойи кириб боғда ҳусайни узумлар қаҳрабодек ялтиради. Бошқа мевалар ҳам мазали бўлиб пишди. Домламиз шинни қилиш пайига тушиб, бордан бир-икки арава янтоқ олиб келиб ўйдириб ташладилар. Беш-олти хил қозонлар тутун чиқмайдиган қилиб ёнма-ён қўрилиб, чўқур «чорхишт» ясалди. Шинни қилинадиган узумларни ишқомлардан узиб, замбилларда ташиттириб, бир ерга йиғдирдилар. Шинни ҳашарига ўн-ўнбеш муллавакча ҳам келиб эди. «Чорхишт» устига янтоқ солиниб, бир тарафига кичик тарнов қўрилиб, тарнов остига катта мис тоғора қўйилди. «Чорхишт» ичига узумлар солиниб тўлдирилди. Икки муллавакча ариқда оёқларини тоза ювиб келиб, «чорхишт» ичига тушиб, узумларни шилқиллатиб тепа бошлади. Тарновдан мис тоғорага шириллаб шарбат оқаверди. Бир мулла-

вакча бу шарбатни остига янтоқ солинган тоза қопларга элиб солди. Қоплардан сизиб челақларга тушган шарбатларни бир муллавакча қатор турган хумларга олиб бориб қўйди. Бир муллавакча эса хумни ковлаб турди. Шарбат тез ва яхшироқ тинсин учун бир муллавакча хумларга оз-оз кесак ташлаб, кавловчи ҳамроҳига кўмаклашди. Хумлардаги шарбат тиниб тайёр бўлгандан кейин, сахар пайтида туриб, шарбатни бир неча қозонга солиб шинни пиширилди. Икки қозон тўғралган беҳидан очор пиширилди. Шинни ва очор чўмич билан тоза хумларга солинди.

Уч-тўрт кун давом этган бу, шинни пишириш маросими тўйга айланган эди. Домланинг узоқ-яқин қариндош-уруғлари, қўни-қўшилари ҳашарчиларга деб катта баркашларда сербеҳи паловлар келтириб турдилар. Биз, муллавакчаларнинг домламникида қилган меҳнатимиз ҳам кўзимизга кўринмай, келган паловларни маizza қилиб еб олдик.

Шинни пишириш маросими тугагандан кейин домламиз мадрасага келиб яна ўқиш бошладилар...

«ҚИЗИЛ ГУЛ» САЙЛИ

Йилнинг аввали баҳор фасли кўп нашъали ва кайф-сафоли бўлади. Ерлар ва дарахтлар кўм-кўк либосга бурканади. Ям-яшил бўлиб ўсган юмшоқ майсалар оралигидаги ариқларда жилдир-жилдир сувлар оқади. Қизил ва оқ гуллар очилиб, ҳар ёққа хуш ислар таратади. Туркистон ўлкасининг шаҳар ва қишлоқларида кўклам кези тўрт-беш кун чиқиб, сайр-томоша қилиб келадиган сайилгоҳлар бўлгани сингари, Тошкент кишиларининг ҳам кўнгил очиб, ўйнаб келадиган Иброҳим ота деган ерлари бор эди. Иброҳим ота мазори шаҳардан уч-тўрт чақирим узоқдаги бир жойда бўлиб, унинг атрофидаги боғларда қизил ва оқ гуллар очилиб ётарди. «Гул мавсуми» ҳафталарида шаҳар одамлари чоршанба ва пайшанбадан бошлаб чиқиб, жума кўни қайтиб келишарди. Ҳар йилги таомилга кўра, бу йилги кўкламда ҳам кишилар шаҳарнинг ҳар томонидан кўрпа, кўрпача, ёстиқ, чойнак-пиёла, гўшт-ёғ ва мева-чевалар олиб, ҳар ким ўз улфат ва жўраси билан араваларни тўлдириб, дутор, танбур, гижокак каби созлар билан ашула айтишиб, ўша ерга жўнамоқдалар. Булар орасида муллавакчаларнинг ҳам тўдалари бўлиб, кўчалар қий-чув тўполон эди. Мен ҳам Мираъзам деган қизикчина кал ўртоғим билан чопонни елкага ташлаб ўша ёққа яёв жўнадим. Иброҳим ота деган жой кўчалари обод, боғ-боғчалари ва кўча рўйидаги чойхоналар сайилга чиққан одамлар билан лиқ тўла эди. Баъзи жўралар созларни чалиб, ашула айтишмоқда, баъзилар ит пайров, эшак пайров, касб пайров — аския қилиб хаҳолаб кулишмоқда.

Баъзи четроқ майдонларда қиморбозлар тўрт ошиқ ўйнаб, бор пулларини тикиб, бой бермоқда. Шу асно улар устига миршаб, қоравуллар бостириб келиб, юзбошига

олиб борамиз, деб дўқ қилиб, қиморбозлардан бир неча сўмлаб чўтал ўмариб кетмоқда.

Турнақатор чойхона ва ошхоналарда палов, манти, сомса ва бошқа анвойи овқатлар пишиб, буғи чиқиб турибди; бир томонда ҳолвафурушлар бақиршиб, кунжут ва мағиз ҳолва, пашмак, «отнон» сотмоқдалар. Нонвойлар саватга уйилган нонларни кўтариб юриб, «қайноқ нон» деб бақирмоқдалар. Икки-уч жойда «игна пирилдоқчилар» ҳийла-макр билан ёш-яланглар пулини ютиб олмоқдалар. Улар йиғитларга бир-икки сафар озроқ пул ютиб олишга йўл қўяди, қизишиб кетганларидан сўнг бор пулларини қоқиб оладилар.

Бир чеккада оғзи қўлоғига етиб, ивтилган туршак суви сотувчилар, нўхатшўракчилар ёш болалар пулини алдаб олмоқдалар.

Ярим кечагача сайил қилиб, ўлгудек чарчаганимиздан кейин, жаҳр, зикр-самозни кўрмоқ баҳонасида Иброҳим ота мазори ёнидаги масжидга кирдик. Мақсадимиз хонақоҳнинг бир бурчагида жумжикиб ўтириб, кўз илинтириб олиш эди.

Тонг отгач, чойхонага чиқиб, иссиқ нонлар билан чой ичдик. Кун бир оз ёйилгандан кейин яна сайил бошланди, биз ҳам кечгача кўп томоша қилдик. Кеч кириб, соялар узайгач, сайилга борганлар ўз тўдалари ва жўралари билан араваларга тушиб, отлиқ ва пиёда кўчани тўлдириб, ашулалар айтиб, чапг-тўзон ичида шаҳарга қайта бошлади. Ёш-яланг қўллариде даста-даста қизил гул, атиргул кўтариб кетмоқда, баъзилари икки-уч дона қизил гулни чаккаларига қистириган. Мен ҳам шеригим «кал» ашула мизга гул қистириб, чопонларимизни елкага юмалоқ қилиб ташлаб, ашулани баралла қўйиб, пиёда жўнаб қолдик.

АХМАД ПОЛВОН

Тошкентнинг Бешёғоч даҳа Чақар маҳалласида ўтган Аҳмад полвон Топилбой ўғлининг Туркистон ўлкасида курашиб йиқитмаган полвони қолмаган эди. Шу вақтларда, 1895 йилда бүтун жаҳонга машҳур немис полвони Реппел Тошкентга келиб, циркда ўз полвонлигини кўрсатиб, ҳамма томошабинларини қойил қолдиради. Унинг оғирлиги саккиз ярим пуд — 136 кг. бўлиб, саккиз пудлик чўяни қўли, ўн олти пудлик чўяни кифти билан кўтарарди.

Шу полвон Аҳмад полвоннинг доврўгини эшитиб қолиб, у билан кураш тушмоққа жазм қилибди. «Ким йиқилса ёнидан эллик сўм беради» деб гаров боғлашибди (китоб муаллифига масжидда бир йиллик сўфилик хизмати учун шунча сўм пул беришмоқчи бўлганини эсласак, у пайтлар пул қанчалик қадрли бўлганини тушунамиз. — Ред.) Уша кўни циркни одам босиб кетди. Ингирма саккиз ёшли Аҳмад полвон эғнида бари боғланган оқ ятак, белида белбоғ билан маъракам майдонга тушди.

«Ким йиқилиб майиб бўлса, ўз гарданига», деган шарт қўйилади. Бир оздан сўнг ичкаридан мушак гўштларини ўйнатиб, савлат тўкиб Реппел чиқиб келди. Унинг белида тасма белбоғи бор эди.

Икки забардаст полвон ўртада бел туттишиб кетдилар. Томошабинлар юраги зирқираб, «ким кимни йиқитар экан!» деган ташвишда нафасларини ичга ютиб, тек туриб қолдилар. Уша асно циркда пашша учса сезиларди. Фақат ора-сира паҳлавонларнинг «ғиқ» деган товуши эшитилиб қоларди. Орада бир неча дақиқа ўтгач, Аҳмад

полвоннинг «Ё Алишери ҳудо!» деган нидоси эшитилиб қолди. Шу дам ер ларзага келгандек бўлди. Чарх-палак бўлиб тушган Реппел ерда узала тушиб ётарди. Қарсақ устига бўлди қарсақ, қий-чув кўтарилди.

Уридан туролмай ётган Реппел бир оздан сўнг жон кириб, ҳижолат ичида ичкарига кириб кетди.

Шундан Аҳмад полвоннинг шўхрати янада ортди. 1904 йили қувалик гирдиғум Хўжа полвон Тошкентга келиб, атрофдаги манман деган паҳлавонларни икки силташда кўкрагига босиб, майдонда гир аилантириб кетар ва хўб танобини тортиб, ўз хоҳишига тўғри келган жойда ерга чалпак қилиб урарди.

Шу полвон Тошкентда икки ойча давр суриб, юзлаб чопон кийди ва кўп пул орттирди. Охири ўзига барабар келадиган полвон қолмагач Аҳмад полвон билан кураш тушмоққа талабгор бўлди.

Бу вақтда Аҳмад полвоннинг белига яра чиқиб, қийналиб юрган эди. Номус кўчилилик қилиб бу шижоатли полвон унинг талабини қайтармади: «Хўп, кураш тушсам тушай», деб махсисини ечиб, ўртага тушди. Хўжа полвоннинг бўйи баста Аҳмад полвоннинг ярмисигача келарди. Аҳмад полвон икки қўлини кўтариб, Хўжа полвоннинг белбоғидан ушлашига йўл қўйиб берди. Аҳмад полвон ҳам унинг белбоғидан икки қўлини бураб ўтказиб олди. Иккала полвон даврада пича юрганларидан сўнг, Аҳмад полвон уни бир силтаб кўкрагига босиб, бир неча лаҳза муаллақ кўтариб айлантдиб юрди. Сўнгра, «меҳмонсиз, сийладим!» деб секин ерга қўйди.

Аҳмад полвоннинг бу олижаноблигига томошабинлар қойил қолишди. Қий-чув кўтарган халқ чўнтагидаги бор пулини ва чопонини ечиб ўртага ташлайверди...

БОЗОРШАБ

Ҳар йили рамазон ойида бозоршаб, яъни тўнги бозор бўларди. Шу ойда барча дўкондорлар то сахаргача савдо-сотик қиларди. Узум бозорининг бир бошидан то Чорсугача барча чойхона, ошхона, қандолатфуруш, чифуруш, вофуруш дўконлари очик бўлар, улар атрофида тумонат харидорлар ўймалашиб юришарди. Булардан ташқари кабобпаз, балиқфуруш, цўхатшўракчи ва каллапазлар ўз маҳсулотларининг таъриф-тавсифини келтириб, овозлари борича бақирардилар:

— Дарёи Сайхуннинг балиғи, дарёи Жайхуннинг балиғи, саксон етти дардга даво, етмиш етти дардга шифо! Саракабоб, барракабоб, емаганлар армонда, еганлар дармонда, лаззатли шўрак, маззали шўрак, — деган овозлар атрофини тутиб кетганди.

Бозоршабда ўйин ва томошалар ҳам бўларди. Кўмир саройида «чодир хаёл», «от ўйини», «симдор» каби ўйинлар бўлар, ўйинчилар қўғирчоқлар ўйнатиб, симларда ўмбалоқ ошиб, турли-туман найрангбозлик, қизиқчилик, кўз боғламачилик ўйинларини қилиб, томошага келганларни, айниқса ёш болаларни ҳайрон қолдиришарди.

Пайшанба ва жума кунлари дўкондорларнинг яна бозори қизир, чойхона ва ошхоналар одамга тирбанд бўлиб, юриш қийинлашарди. Ана шундай ўттиз кун давом этган рўзадан сўнг уч кун катта ҳайит келади...

Чин арафа кўни дўконлар тонготаргача очик бўлар. ҳайитга нарса олишга улгуролмай қолганлар шу кечаси оёғи куйган товўқдек типирчилаб қолар, ўзларини бозор ва расталарга урар, нарх-навосини сурштирмасдан «мардона», «заифона», «бачкана» кавуш-махси, чопон, дўппи

сотиб олишар, баъзилар хотин-қизлари учун улаэлик, ироқи совун, хина, сўрма ва бет ёғи олар эди...

Ҳайит кунлари келин кўриш деган яна бир қизиқ одат бор. Бунда бўйи етган ва етмаган қизлар кўчамакўча тўда-тўда бўлиб, чангга ботиб: «Қаерга янги келин тушган экан», деб ахтариб юргани-юрган. Ўзига тўқ оиладаги қизлар атлас, шоҳи, духоба, барқут қўйлак ва нимчалар кийиб, бўйинларига зебигардон, бўйин тумор, қўлтиқ тумор, тиллақош ва тиллабараклар тақиб олган, бошларига ипак рўмонлар ўраган, билакларига билагузуқлар ва бармоқларига тилла узуклар тақиб олган. Кўзларига сўрма, қошларига ўсма, қўлларига хина қўйиб олган бу қиз-жувонлар жаранг-журиш қилиб юрарди.

Янги тушган келинлар ўйи бошдан оёқ безалган. Уйнинг ҳар томонига ёғоч дор қўрилиб, гулли ипак рўмонлар, шоҳи ва атлас қўйлаклар, духоба ва барқут намзуллар, шоҳи паранжи ташлаб қўйилган, тахмонларга янги қавилган кўрпа, кўрпачалар йиғилиб, устига ипак чойшаб ёпилган, устига пар ёстиқлар териб қўйилган. Уйнинг тўрт деворига палак ва сўзаналар тутилган, унинг юқори қисмига жимжималик дорпечлар тортилган, келиннинг олтин-кўмуш, мис жеваклари қоziқларга иилиб қўйилган. Уйга сиймай қолган нарсалар эса айвонга терилган...

Келин кўриш учун кўчаларни тўлдириб, дув-дув ўтиб турган паранжили қизларининг ортидан ёш-яланг йигитлар ҳазиллашиб: «Вой анави қизни бурни пучуқ экан, вай манови қиз чўтир экан, униси чиройли экан!» — деб тегишар, қизлар эса: «Хў, тўсингни ел олсин!» — деб кулиб, қарғаб ўтиб кетар эдилар.

СУВДА СУЗИШ АСТМАГА ДАВО

Венгриянинг Печ шаҳрида болалардаги оғир астма хасталигини даволашда қўлланилаётган янги усул муваффақиятли ўтмоқда. Шифокор, иккита психолог ва спорт тренера астма билан хасталанган болалар билан сузишни ўргатувчи олти ойлик

курсда машғулот ўтказди. Машғулот охирида нафас олиш функцияси деб номланувчи диаграмма беморларнинг умумий аҳволи анча яхшиланганлигини кўрсатмоқда. Уларнинг кўпчилиги даволангунга қадар секин ҳаракат қилар, тортинчоқ ва ювшо эди. Даволангандан сўнг болаларнинг умумий кайфияти ҳам ўзгарди.



БИОХИТИН

Япониялик мутахассислар қисқичбақа, омар, краб ва лангустларни қайта ишлагандан сўнг қоладиган қаттиқ органик мода—хитиндан спорт кийими учун пишиқ ва тоза материал олиш технологиясини ишлаб чиқди. Янги материал «биохитин» деб номланди.

ИСПАНИЯНИ КЕЗГАНДА

Зиёвуддин АКРАМОВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби,
география фанлари доктори, профессор

Испанлар мамлакати билан танишишни мамлакат пойтахти — Мадрид шаҳридан бошладик. Бу ерда узоқ тарихий даврларда қурилган сарой ва черковлар, тарихий шахсларга қўйилган ҳайкаллар, фаввора ва гулзорлар, манзарали дарахтлар ва буталар билан безанган майдонлар, кўп қаватли меҳмонхоналар, дид билан ишланган ва анвойи молларга лиммо-лим дўконларни ҳар қадамда кўриш мумкин.

Шаҳарда катта-кичик кўркем майдонлар кўп. Булар ичида «Кўёш дарвозаси» (Пуэрто-дель-Соль) майдони Мадридининг марказий майдони ҳисобланади. Саёҳатчиларга шаҳарни таништириш ҳам, одатда, шу майдондан бошланар экан. Чунки майдон фақат Мадридининггина эмас, ҳатто бутун Испаниянинг маркази ҳисобланади. Испания шаҳарлари ва вилоятларининг масофаси бронзадан ишланиб, шу майдон йўлкасига ўрнатилган ноль белгисидан бошланар экан. Мадридга келувчи миллионлаб сайёҳлар, одатга кўра, шу эллипс шаклидаги бронза олдида расмга тушадилар.

«Кўёш дарвозаси» майдонида эсда қоларли ёдгорликлардан бири ертут дарахтига суяниб турган айиқ ҳайкалидир. Бу бежиз эмас, чунки айиқ Мадридининг рамзи ҳисобланади. Эрта тонгданоча болалар бу ерда минглаб қабутларни боқишади. Фавворалардан отилаётган сув зарралари кишига ҳузур бағишлайди. Кун бўйи майдонда лотерея чиптаси сотувчилар ҳаммани «бахтли» этишга ваъда қиладилар.

«Пласа майор» майдони 1846 йилгача коррида (буқа билан олишув) ўйини намойиш этиладиган марказ бўлган. 1874 йили майдон марказига гранитдан ишланган супачага қирол Филипп IIIнинг отда турган бронза ҳайкали ўрнатилган. Майдон атрофига дид билан жойлаштирилган дўконларда турли хил маҳсулотлар, айниқса сайёҳларга мўлжалланган эсдалик буюмлари кўплаб харидорларни ўзига жалб этади. Вино сақланадиган ертўлалар жойлашган кўчаниннинг бошланиши — «Кучильерос» оммавий арки ҳам шу майдонда.

Майдон атрофидаги ресторанлар сайёҳлар диққатини жалб этиш учун овқат рўйхатини испан, инглиз, француз тилларида кўчага осиб қўядилар. Рўйхатни ўқиб кўрсак, «Валенсия палови» ёзувига кўзимиз тушди. Унинг таркибида гуруч, гўшт ва товۇқ гўшtidан ташқари майда қисқичбақа, кальмар ва бошқа нарсалар бор экан.

Эсда Мадриддаги қаҳвахона ва ресторанларнинг аксарияти овқатларини кўчалар ва майдонларга чиқарадилар. Бундай ерлар ҳар хил рангли ва шаклли электр чироқлари билан безатилган, қадимий испан кийими кийган ва қўллариде гитара, мандолина ва бошқа мусиқа асбоблари бўлган ёш созанда ва хонандалар ансамбли шўх кўйлари ва ашулалари билан хўрандаларни хушнуд қиладилар. Ширин таомлардан тановул қилиб, ёшлар санъатига маҳлиё бўлиб ўтирар экансиз, бир дам бўлса ҳам бу дунёнинг гам-ғуссаларини унутиб, ўзингизни эркин қушдек сезасиз.

«Пласа майор» майдонида оқшомлари ўйин-кулгидан ташқари, қиморбоз ва товламачилар, дори-дармон ва кайф берувчи моддалар сотувчилар, фолбинларни кўрасиз. Бунда олдида металлдан ишланган товоқ қўйиб, дилларни пора-пора қилувчи кўйлари аккордеонда чалаётган созанда, ундан нарироқда шунга ўхшаш гижжакчи, яна бир томонда кўчманчи оркестр, Филипп III га қўйилган ҳайкал супасида қартавозлар, касалингизни айтиб берувчи шифокорлар, бир зумда расмингизни чизиб берадиган рассомлар, кеча-кундуз расмингизни олишга тайёр сурат-


кашлар, коррида ва футболга чипта сотувчилар ва бошқаларни кўриш мумкин.

Бу майдон орқали ҳар қандай транспорт воситаларининг юриши ман қилинган. Мадридга бирор давлатдан янги элчи келсагина, ишонч ҳужжатини қиролга топшириш учун тантанали равишда шу майдондан ўтар экан. Шу майдонга деярли уланиб кетган Майор кўчасининг атрофи қадимда хунармандчилик маркази бўлган. Буни ҳозиргача сақланиб келаётган кўчалар номидан билиш мумкин. Жумладан, Кучильерос (пичоқчилик), Тинторерос (бўёқчилик), Бордадерос (тикувчилик), Эррадерос (дегрезлик) ва ҳоказо.

Мадридининг диққатга сазовор жойларидан бири қирол саройи бўлиб, олдида катта майдон бор. Майдон марказида Филипп IV ҳайкали турибди. Италияда бронзадан тайёрланган бу ҳайкалда қирол чопиб кетаётган от устида ўтирган ҳолда тасвирланган.

Мамлакат пойтахтидаги Испания майдони ҳам сўлим. Унга улуг испан ёзувчиси Сервантеснинг «Дон Кихот» асари шўҳрат келтирган. Майдон ўртасида ҳайкал бўлиб, унда асар қаҳрамонлари Дон Кихот отда ва унинг қуролланган йўлдоши Санчо Панса эшакда ўтирган ҳолатда тасвирланган. Кедр, зайтун ва бошқа кўркем дарахтлар билан ўралган бу майдонда дунёнинг турли мамлакатларидан келган сайёҳлар худди шу ҳайкаллар олдида эсдалик учун расмга тушишади. Биз ҳам бу одатга амал қилдик.

Дорилфунун шаҳарчаси ва ҳукумат қароргоҳи ҳам Мадридда жойлашган. Дорилфунунда 120 минг талаба билим



Христофор Колумб шарафига ўрнатилган муҳташам ёдгорлик



Мадрид. Буқа билан олишув намойиш этиладиган майдон.

олар экан. Уқиш пулли, ҳар бир талаба йилига 30 минг пест тўлаши керак. Лекин яхши ўқийдиган ва моддий аҳволи оғир талабалар пул тўлашдан озод қилиниб, уларга ҳар ойда ўртача 20 минг лесет минҳа (стипендия) берилар экан.

Мадридининг ҳамма катта-кичик кўчаларию майдонларида магазин ва дўконлар сероб. Писта, бодом, ширинликлар сотувчи боққоллар одам гавжум жойларда кўп. Лекин Мадридининг Гран-Виа (катта йўл) хиёбони шаҳар марказидаги асосий савдо йўлидир. Айтишларига қараганда, Гран-Виа ва унга ёндош кўчаларда бир ярим мингдан ортиқ магазин бор. Уларда АҚШ, Япония, Франция, Буюк Британия, Германия ва бошқа хорижий мамлакатлардан келтирилган ёнгил машиналар, электроника маҳсулотлари, асбоб-ускуналар, чинни ва шишадан ишланган рўзгор буюмлари, хилма-хил мато, шойи, заргарлик ва безак буюмлари, тайёр кийим, озиқ-овқат сотилади.

Хиёбондаги қурилишларда анъанавий маҳаллий услуб билан америка, француз, итальян меъморчилигига хос услублар кўзга ташланади. Бу ердаги энг баланд иморатлардан бири «телефоника»дир. 14 қаватдан иборат бу бинонининг баландлиги 81 метр бўлиб, минорали, 680 дераза ва 503 эшиги бор.

Мадридда музейлар ҳам сероб экан. Уларнинг иши ҳавас қилса арзийдиган даражада яхши йўлга қўйилган. Масалан, Прадо музейида расмларнинг бузилмаслиги ва томошабинларга қулайлик яратиш учун сунъий иқлим яратувчи мосламалар ўрнатилган. Шунга кўра унинг залларида ҳарорат ва нисбий намлик ўз-ўзидан бошқариб турилади. Махсус мосламалар ҳаттоки томошабинлар шовқин-суронини ҳам назорат қилиб туради. Бу ерга қўйилган кўпгина классик расмларнинг асарлари насроний динининг пайдо бўлиши билан боғлиқ афсонавий воқеаларни акс эттирган. Жумладан Исо пайғамбарнинг отасиз биби Марьям оиласида туғилиши, тарбияланиши, ўзининг ўша даврдаги ашаддий ғояларга қарши фикрлари учун осиб ўлдирилиши каби ҳолатлар ниҳоятда моҳирона ишланган. Айниқса тарихий шахслар — қирол, қиролича, шунингдек, оддий халқ турмуши, халқ қаҳрамонлари, гўзал табиат манзаралари жонли ифодаланган.

Испаниянинг қадимий пойтахт шаҳри — Толедо тоғли жойда барпо қилинган. 1561 йили пойтахт Толедодан Мадридга кўчганидан кейин шаҳарнинг сиёсий, иқтисодий ва маданий аҳволи инқирозга юз тутди. Ҳозир чамаси 50 минг аҳоли яшайдиган Толедо сайёҳлар маконига айланган. Чунки бу ер тарихий обидаларга бой.

Шаҳарга автобусда айланма йўллардан кўтарилиб борар эканмиз, сарв, ёнғоқ, тол, самбит гуллар оралаб дарё устидаги қадимий кўприк қолдиқлари, бузилган қароргоҳлар кўзга ташланади. Шаҳарнинг қадимий қисми янғисидан кескин ажралиб туради. Бир-бирига қинғир-қийиш улашиб ва кесишиб кетган тор кўчаларда адашиб қолиш ҳеч гап эмас. Сайёҳларга тўла автобус ва извошлар кетма-кет ўтиб туради. Бу ерда асосан ҳунармандчилик ривожланган.

Ҳунармандлар сайёҳлар учун маҳсулот ишлаб чиқаришга ихтисослашган.

Толедода католик динига мансуб асосий сарой готик услубида қурилган. Унинг найзасимон миноралари шаҳарнинг энг юқори қисмида қад кўтарган. Черков ҳовлисига киришингиз биланоқ ўйноқи каптарларга кўзингиз тушади. Толедо ибодатхонаси катталиги жиҳатидан Ватикан ва Париж черковларидан кейин дунёда учинчи ўринда турар экан. 300 йил мобайнида (XII — XV асрлар) барпо қилинган бу ибодатхонанинг баландлиги 45, бўйи 112, эни 45 метр. Черковда йил бўйи ибодат қилинади. Биз кирган вақтда ҳам юзлаб диндорлар ибодат қилаётган эди. Черков ичида диний ўқишга жўр бўлиб қалинаётган орган мусиқаси садолари ҳаммининг эътиборини жалб қилади. Бу ерда фақат тоledoликлар эмас, балки Испаниянинг бошқа шаҳарларидан, айниқса Мадриддан кўплаб диндорлар келиб ибодат қилишар экан. Шу сабабли уни Испания черкови деб аташар экан.

Черков ичида 3 та музей бор. Унинг биринчи Исо пайғамбарнинг туғилганидан бошлаб бошидан кечирган афсонавий ва диний мазмундаги асарлар тўпланган. Яна бир музейда шу черковга қилинган ҳақялар жойлаштирилган. Булар орасида черковнинг қумуш ва олтин сувида ишланган нусхаси, қимматбаҳо тошлар қадалган пўпларнинг қалпоқлари, диний мазмундаги буюмлар, кийимлар қўйилган, учинчи музейда эса ёнғондан ишланган ҳайкаллар кўп.

Толедо диний саройи ички ва ташқи қиёфаси меъморчилик ва муҳандислик илмининг Испанияда юксак даражада бўлганлигини тасдиқловчи яққол далилди.

Маълумки, дунё мамлакатларида итга қизиқиш кучли. Бу ҳолат Испанияга ҳам тааллуқлидир. Айтишларича, ҳозир Испанияда бир миллионга яқин зотли ит бор экан. Испанияда итларга оид китоблар ёзилган, рўзнома ва ойномаларда итлар ҳаётига бағишланган мақолалар тез-тез чоп этилади. Бундан ташқари, итлар тўғрисида ёшлар ва катталар учун бадий ва ҳужжатли фильмлар яратилган. Ҳатто итлар учун меҳмонхоналар, касалхоналар, поликлиникалар мавжуд.

Сальвадор Гомес итлар тўғрисида 6 жилдлик қомус яратган, айна пайтда ўз қароргоҳида 100 хилдан ортиқ зотли итларни боқади, уларнинг феъл-атворини ўрғанади. Ҳар бир исланиялик ити учун йилига минг пестет солиқ тўлаши, ўз вақтида эмлатиши шарт. Итини кўчага ҳайдаб юборган хонадонлардан Испания Ички ишлар вазирлиги кўрсатмасига биноан 50 минг пестет жарима олинади.

Мадридда ҳайвон ва ўсимликларни ҳимоя қилувчи жамият бўлиб, унинг аъзолари дайди кучуқларни ушлаб, бировларга берадилар, илож тополмаса уйғонмайдиған дори бериб ухлатиб қўядилар. Ҳар баҳорда Мадриддаги Ретиро боғида мастин зотли итларнинг халқаро кўриги ўтказилиб, унда олди-сотти бўлар экан. Битта зотли итнинг нархи 45-200 минг пестет бўлар экан.

Испанлар орасида мушук, парранда, айниқса каптар боқишга қизиқиш катта. Мамлакатда 900 га яқин каптарвозлар уюшмаси ҳам ҳар йили юзлаб, минглаб мусобақалар уюштиришар экан. Зотли каптар нархи 40 минг пестетгача етади, ўта ноёблари эса миллион пестетдан ошади. Кўп жойларда музей, черков томлари ва ҳовлисида рангоранг каптарлар ишқибозлар томонидан боқилади. Минглаб сайёҳлар ичида каптар ишқибозлари дон ва нон билан каптарларни қўлга, елкасига қўндириб соатлаб ўтирганларини кузатиш мумкин...

Камина Франция, Бельгия, Швеция, Норвегия ва бошқа Европа давлатларида бўлганимда аҳолининг гулга қизиқишини кўриб қойил қолгандим. Испания ҳам бу борада ақлимни лол қолдирди. Манзарали ва мевали дарахтлар хусусан апельсин, ёнғоқ, ўрик, сарв, магнолия, чинор, терак, тол, самбит гул ва аллақандай чирмовуқсимон гуллар дарахтларга ўралашиб сарой, музей ҳовлиларида, шаҳар боғларида ажойиб манзарани ҳосил қилади. Дид билан барпо этилган Мадрид, Севилье, Валенсия, Кордова ва бошқа шаҳарлардаги боғлар, улардаги фавворалар кишига роҳат бағишлайди.

Давоми келгуси сонда.

Учар Ликопчалардан Инс-жинсларгача

Еркин НУРИДДИНОВ,
фалсафа фанлари номзоди

ЖАМИЯТИМИЗДА ҳозир нечаётган жараёнлар шу қадар шибоб билан ривожланишга, бунинг потенциал қуввати юзага чиқишига имкон бермай узоқ вақт тутиб турилган спиралнинг ниҳоят ёзила бошланганига қиёслаш мумкин. Пировардида жамиятни янгиланишга олиб борувчи бу жараённинг натижасида эса НУЖ — номаълум учувчи жисмлар, ўзга оламлик келгиндилар, полтергейст, қор одам, инсоннинг ўта ноёб қобилиятлари сингари хилма-хил ғайритабиий ҳодисаларга оид маълумотлар матбуотда кўпайиб бормоқда, ҳатто шу муаммоларга бағишланган «Савол аломати», «НУЖ жумбоқлари ҳақида», «Феномен» каби махсус нашрлар ҳам чоп этилаётир.

Ҳўш, ғаройиб ҳодисалар бу қадар кўпайиб кетишининг боиси нимада? Ошкораликдами? Эҳтимол, бу хил ҳодисалар чиндан ҳам кўпайиб кетгандир-у матбуот шу ҳақдаги хабарларни тўхтатиб қололмаётгандир? Менимча, бу саволга жавоб топишда ягона сабабни кўрсатиш билангина чекланиб бўлмайди. Бу ўринда кенгроқ кўламдаги мажмуавий ёндашув керак, ана шундагина ошкоралик ҳамда ғаройиб ҳодисалар ҳақиқатан кўпайиб кетганидан ташқари бошқа сабаблар ҳам мавжудлигини кўрамиз.

Авваламбор шуни тан олиш керакки, ғаройиб ҳодисалар бир томондан ниҳоятда кучли қизиқиш уйғотса, иккинчидан ақл бовар қилмаслиги учун ҳам беихтиёр сергаклантиради. Бироқ ғайритабиий ҳодисалар қанчалик сирли бўлиб кўринмасин, уларни ўрганишга дадил қўл ураётган, ҳатто тасаввурга сиғдириш қийин бўлган илмий фаразлар билан чиқаётган олимлар ҳам йўқ эмас.

Олдинлари, турғунлик даври деб аталаётган пайтлари анча осон эди — ғайритабиий ҳодисалар ҳақида лом-мим демай қўя қолинар, жуда зўр келганда эса «инсон руҳиятининг навбатдаги бузилиши» ёхуд «оммавий рўё» каби бир-ёқлама изоҳ билан кифояланилар эди. Урни келганда шуни ҳам таъкидлаб ўтиш керакки, ўнлаб йиллар мобайнида маъмурий-буйруқбозлик тузуми бизни ҳар қандай янгиликка бадҳоҳлик билан қараш руҳида тарбиялади, фикрлаш қолипимизга тўғри келмайдиган ҳар қандай нарсага ҳадиксираб, шубҳаю гумон билан қараш тўғрисида қонқонимизга сингдириб юборди, бунинг оқибатида эса атрофимиздаги борлиқни англовчи идроку шууримиз чанг босган кўзгудек хира тортиб кетди. Бинобарин, «Биз табиатдаги жамики кучларни уларнинг хилма-хил кўринишда англаб ета олишдан ҳали жуда йироқмиз. Бирон-бир ҳодисани билимларимизнинг ҳозирги даражасида изоҳлаб бўлмагани учунгина инкор этиш файласуфга номуносиб ишдир», деганида фаранги олим Лаплас ҳақ эди.

Ваҳоланки, мамлакатимизда аҳоли сирли ҳодисаларга нисбатан ишонсизлик руҳида ёппасига ва зўр бериб тарбияланаётган бир пайтда хорижий юртларда ғайритабиий

ҳодисаларни ўрганиш ва тадқиқ этиш ишлари жонланиб бораверди, уфологик («УФО») инглизчада «НУЖ» демакдир) гуруҳлар ва ҳатто давлат миқёсида НУЖ ва бошқа хил ғайритабиий ҳодисаларни ўрганувчи ташкилотлар юзага келди. Лекин, ҳар қалай, бизнинг мамлакатимизда ҳам жамият қийинчилик билан бўлса-да, янгиланиб бораётганини тан олмоғимиз керак, бу ҳол кўр кўзларимиз ниҳоят очилиб, атрофимиздаги борлиқни унинг барча рангларида кўра бошлаганимизданоқ аёндыр. Тўғри, олам серқирра ва чексизлигини аввал ҳам билардик, аммо ўта бадгумонлигимиз касрига НУЖ ва бошқа ғайритабиий ҳодисалар ҳақиқат эканлигига ўлақолсак ишонмасдик.

Шу боис ҳам эндиликда К. Циолковский, В. Вернадский, Ф. Зигель, В. Казначеев, В. Мигулин, М. Троицкий, В. Фоменко сингари турли авлодларга мансуб совет олимларидан миннатдор бўлишимиз керак — уларнинг дадил илмий фаразлари туфайлигина бугун у ёки бу ғайритабиий ҳодисани изоҳлашга яқинлашиб кела олаяпмиз. Тўғри, хилма-хил кўринишдаги кўплаб ғайритабиий ҳодисаларнинг барини ҳам бирдек қабул қилавермаслик керак. Зотан, уларнинг муайян қисми инсон ҳаёлининг маҳсули, бошқа қисми — галлюцинация, бемор руҳият яратган рўё, лекин қанчалик кичик бўлмасин қандайдир қисми изланувчан нишиларни узига оҳанрабодек тортувчи воқеликдир.

60—70-йилларда совет уфологиясига асос солган Ф. Зигель шундай дейди: «НУЖ нима эканлигини ҳеч ким аниқ билмайди. Тўғри, биз номаълум жисмларнинг учаетгани ёинки кўнгани ҳақида гапираемиз. Бироқ, бу шунчаки шартли атамаalar, муайян техник атамадан бўлак нарса эмас. Биз англаб етишга уричаётган ҳодисанинг моҳияти эса номаълумлигича қолаверади. Шу боис ҳам бу муаммага энди дуч келиб турганлар ҳамма нарсани тўғридан-тўғри қабул қилмасликлари керак. Мисол учун НУЖда биз қандайдир аппаратларни кўриб турганимиз аниқ деб узиликесил тасдиқлай олмаимиз. Бу балки шундайдир, балки шундай эмасдир».

Хилма-хил кўринишдаги ғайритабиий ҳодисаларнинг таҳлилига киришишдан ва қандайдир ҳулоса чиқаришга уриниб кўришдан аввал шу ҳодисаларни тасниф этиш зарур. Ҳозирги вақтда табиатда учраётган жамики ғайритабиий ҳодисаларни асосан тўрт гуруҳга бўлиш мумкин: 1) НУЖ ва ўзга оламлик келгиндилар, 2) полтергейст, 3) қор одам, Лох-Несс махлуқи ва шу сингари ҳодисалар, 4) инсоннинг ноёб имкониятлари (телепатия, телекинез).

Ғайритабиий ҳодисаларнинг ушбу таснифи ҳар бирини алоҳида кўриб чиқишдан ташқари ягона улкан ҳодисанинг сабаб-оқибат занжири натижаси сифатида ҳаммасини бир бутун яхлитликда кўриб чиқиш имконини ҳам беради.

Ер юзиде инсон пайдо бўлибдики, номаълум учувчи жисмлар уни кузатиб келади. Бизнинг давримизда эса НУЖлар тарихи америкалик Кеннет Арнолдининг Қояли тоғлар устида «учувчи қалъа» ўлчамларидаги 9 та қумушранг лаппакни кўргани ҳақидаги хабаридан бошланди. Сал кейинроқ — 1947 йилнинг 2 июль кунин Нью-Мексико штатидаги «Россуэл» ҳарбий базаси яқинида учар лycopча ҳалокатга учрагани тўғрисидаги хабардан бутун бошли Пентагон оёққа турди. «Мажестик-12» гуруҳининг ошкор этилган ҳужжатларидан маълум бўлишича, ҳалокат юз берган жойда лаппак шаклидаги ғалати жисм топилган. Унинг яқинида эса одамга ўхшаш тўрт нафар мавжудот бор эди, улар, чамаси шу фазовий кема портлашидан аввал қутилишга уриниб кўришган. Орада бир ҳафта ўтгани боис жасадлар кемирувчи ҳайвонлар, ҳашарот ва микроорганизмлар таъсирида қарийб тугаётган эди. Шунга қарамай, махсус илмий гуруҳ уларни синчиклаб ўрганиб чиқди. Пировардида эса олимлар тўрт нафар бу мавжудот фақат ташқи қиёфасидангина одамга ўхшаш, лекин биологик ва тараққий жиҳатидан буткул фарқланади, деган ҳулосага келишди.

Фазовий кема парчалари эса у Ерда яратилмаганини кўрсатиб турарди. Вашингтонлик физик, доктор Роберт Сарбашрнинг фикрига кўра, бу учар лycopча ўта энгил ва мустаҳкам моддадан ясалган, ўзга олам акиллари

ички аъзолари эса қандайдир даражада ҳашаротларнинг тана тузилишига ўхшаб кетади.

НУЖлар бўйича совет мутахассиси В. Ажажанинг айтишича, ҳозирги вақтда БМТ ихтиёрида НУЖ билан боғлиқ бўлган 70 дан зиёд фотосурат ва 120 дан ортиқ ҳужжатли кинолента сақланади. Кейинги 30 йил мобайнида, дейди у яна, Ер стратосферидagi фазода тахминан 80 минг шу хил жисм қўзғатилган.

Мана бу эса «Рабочая трибуна» рўзномасининг бултурги 17 февраль сонида берган хабари: «Номаяълум учувчи жисмлар бўйича Овэрло уюшмаси ақл бовар қилмайдиган хабарни тарқатди. Унга кўра, Жанубий Африка Жумҳурияти оқиминида қирувчи-туғувчи тайёралар иккита учар ликопчани ўқиб туширишган. Улардан бири ҳавода портлаб кетган, иккинчиси эса шикастлангани боис кўнишга мажбур бўлган. Десант кема ичига кириб, икки нафар учувчиси омон қолганини аниқлаган. Синчиклаб ўрганиш мақсадида улар зудлик билан АҚШга олиб кетилган...» Хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг бу хабарга:

НУЖ ҳозирча бизга номаяълум бўлган ғаройиб хоссаларга эга. В. Ажажанинг фикрича, шундай ғаройиб хоссалардан бири НУЖ шаклини эркин ўзгартира олишидир. Мисол учун ҳар бири мустақил равишда учиб бораётган саккизта учар ликопча ўзаро бирлашиб, битта йирик ликопчага айланади-ю ерга қўнади ва ичидан одамсимон учта мавжудот чиқади. Қолаверса, НУЖ физиканинг ҳамма учун мажбурий бўлган қонунларини қандайдир тарзда четлаб ўта олади. Турган эридан тезланиш олмай туриб бир лаҳзада учиб кетади ёхуд ҳавода таққа тўхтаб олади...

Бироқ НУЖнинг кўниши ҳаммиша бир хил. Ердан бир неча ўн метр баландликда муаллақ туради-да кейин оқиста, худди япроқдек гоҳ у, гоҳ бу томонга чайқалиб туша бошлайди. Осмонга кўтарилиши ҳам бир хил. Бир неча ўн метр баландликка оқиста кўтарилади, муаллақ туради ва бир лаҳзада ғойиб бўлади.

Маълумки, НУЖ ва ўзга оламлик мавжудотлар ҳақидаги хабарлар жумҳуриятимиз матбуотида ҳам кўпайиб кетди, шунга яраша одамларнинг бу муаммога муносабатлари ҳам турличадир. Баъзилар шу хил хабарлар бизни жиддий ҳаётий муаммолардан чалғитувчи олди-қочдидан бўлак ҳеч нарса эмас деб даргазаб бўлишса, бошқалар бу жамиятимизда вужудга келган танглик вазияти билан боғлиқ бўлган навбатдаги ялпи вазиса, холос, деб қоқайди келиб қўя қолишади. Лекин учинчи бир тоифа одамлар ҳам борки, бу муаммога ўта жиддий қарашади. Уларнинг энг қизиқувчанлари уфологик тадқиқотлар олиб бориш мақсадида бутун бошли гуруҳлар тузишади, ликопча ва келгиндилар изидан сафарга отланишади, ҳуллас, мавжуд воқеликдаги кўплаб сирли ҳодисаларга жавоб топишга уринишади.

Матбуот хабарларидан маълумки, учар ликопчаларни ва эгаларини Ўзбекистон ҳудудида ҳам тез-тез учратиб туришибди. Дафъатан ақлга сиғиши қийин бу. Аммо ўнлаб, юзлаб гувоҳлар бор, фотосуратлар олинган. Бинобарин, «Хўш, учар ликопчалар нима ўзи? Келгиндилар қайси одамлардан келишапти?» деган саволлар туғилиши табиий. Бироқ, афсуски, кўпчилиكنинг бошини қотираётган бу саволларга илмий асосланган тарзда жавоб беришга ҳозирча илм-фан ожиз. Тўғри, бу борада хилма-хил фаразлар мавжуд. Масалан, физика-математика фанлари доктори В. Барашенконинг фикрича, Коинот ўзаро чирмашиб кетган, лекин бир-бирига кўринмайдиган одамлардан иборат, ғайритабиий ҳодисаларнинг айримлари эса ана шу одамларнинг тутатиб қолиши маҳсули бўлиши мумкин.

Техника фанлари номзоди В. Фоменко эса хилма-хил ғайритабиий ҳодисаларни йгирма йилдан буён ўрганаётган мутахассис сифатида буткул ақл бовар қилмас бир фаразни ўртага ташлайди. Унинг фикрича, НУЖ қандайдир олис юлдузлардан келаётган бўлиши мумкин эмас, аксинча, улар бир марта ва муайян мақсадни кўзлаб яратилаётган бўлиши керак. Аслида ўзга оламлик келгинди сайёрамиз марказига миллион йиллар аввал ўрнашиб олган, ўшандан буён инсониятнинг тараққиётини назорат этиб

келади, НУЖ ҳам, полтергейст ҳодисаси ҳам шу билан боғлиқ.

Бу ўринда НУЖ муаммосига оид атиги иккита фаразни келтириб ўтдик, холос. Энди ўзга олам вакиллари билан учрашувлар қандай ўтаётганига келайлик. Бу мулоқот Тошкент марказида, М. исмли кишининг (мулоқотчининг илтимосига биноан исми-шарифини айтмаймиз) хонадонида бултур 24 апрель куни рўй берди. Бу одам тиббиёт соҳасида юқори малакали мутахассис, шу вақтга қадар НУЖ сингари нарсаларга мутлақо ишонмай келган. Уша куни тушдан кейин, соат 3 ларга яқин, М. уйқу дори ичиб бирпас мизғиб олмоқчи бўлган, зотан, синган ва тахтакачланган оёғининг оғриқидан туни билан мижага қоқмай чиққан, тушгача ҳам киприкларига уйқу илинмаган эди.

— Эндигина кўз юмганимни биламан, — деб ҳикоя қилади М. — бирдан ҳаммаёқ ёришиб кетди. Хотиним кириб чироқни ёқди-ёв деб ўйладим. Лекин кўзимни очганимда тепамда боши шифтга теккудек бир дароз одам гурганини кўрдим, унинг башараси кулранг, бурни ўрнида тешик, оғзи жуда катта, кўзлари рангсиз ва қийиқ, кулоқлари ўрнида аллақандай бўртмалар бор, қўллари узун, янада узунроқ бармоқлари эса чамаси учта, баданига сирилиб турган ярқироқ кийими кумушсимон тусда эди.

Аввалига кўрқиб кетдим, албатта, кейин вужудимни хотиржамлик чулғаб олди. Назаримда, вақт тушунчаси йўқолгандек эди. Туш кўраёпман шекилли, деган хаёлда уйқуни давом эттириш учун чап ёнбошимга ўгрилиб олдим. Шунда у ўнг елкамдан тортиб, «Туринг ўрнингиздан» деди, овози кўрқинчли қиёфасига ярашмаган тарзда аёлларникидек майин ва кўкракдан чиқарди. У рус тилида гапирди, лекин оғзи очилмади.

— Нима деяпсиз ўзи? — дедим мен, — Ахир оёғим синган, ўрнимдан туролмайман...

— Музлатгичда ёғ бола, — деди у, — ўшандан оёғингизга суртсангиз оғриқ келади. Сиз билан яна учрашамиз.

— Шундан кейин, — деб ҳикоя қилади М., — у балкон панжарасидан бамайлихотир ўтиб кетди, чамаси ўтар пайтида кучли чақнаш юз берди-ю у кўздан ғойиб бўлди. Мен эса шу заҳотиёқ ирғиб туриб балконга отилдим, лекин у ерда ҳеч ким йўқ эди. Кейин эса синган оёғимни бемалол босиб юрганимга эътибор бериб ажабландим. Қарасам, оёғимда тахтакач ҳам йўқ, кесилган ҳолда кроват ёнида ётибди. Яна бир нарсага эътибор қилдим: авваллари бронхларим шамоллаганидан нафасим қисарди, энди эса енгил нафас ола бошладим.

М. гувоҳ бўлган бу ғаройиб воқеа ҳақиқатдан юз берганига учта далил-исбот бор. Биринчиси М. нинг ўғли уйга келиб айтишини, Максим деган кўшни бола, 3-синф ўқувчиси уларнинг балконида кучли чақнашни кўрган ва ўт тушиди деб ўйлаган. Иккинчиси: М. ёлкасида учта кўкарган (ўнинг бармоқлари теккан) жойини кўрган, лекин улар оддий моматалокдан ҳам тезроқ йўқолиб кетган. Кесилган ва оёқдан олинган тахтакач эса учинчи далилдир.

Ҳа, бу бош қотиришга арзиғулик воқеа. Бир тарафдан қарасангиз, уйқусиз тун азобию оёқдаги оғриқдан қийналган, устига-устак уйқу дори ичган кишининг кўзига нималар кўринмаслиги мумкин ахир. Лекин иккинчи томондан, очик-ойдин кўриниб турган шу учала далилнинг ўзиёқ сирли келгинди шунчаки рўё эмас, балки ҳақиқат эканидан далолат беради. Яъни, жумбоқ ҳануз очилмай қолаётир.

Ғайритабиий ҳодисаларнинг иккинчи гуруҳи полтергейст деб аталади. Немис тилидан таржима қилинганда «сершовкин руҳлар» ёхуд «руҳлар уйини» деган мазмунни англатади. Бу хил ҳодиса қадим замонлардан буён маълум бўлиб, турли халқларда турлича ном олган. Масалан, Россияда уи одами деб аталса, Урта Осиёда инс-жинс дейилади. Инсоният тарихидан полтергейстнинг хилма-хил турлари маълум. Бу ҳодиса ҳозирги вақтда ҳам, жумҳуриятимизнинг турли чеккаларида, жумладан, Тошкентдаги айрим хонадонларда учраб турибди. Шулардан бири ҳақидаги ҳикоямиз навбатдаги сонда.

(Давоми келгуси сонда)

Дуонинг кузи

Рустам ОБИД

Дуою фотиҳа нима ўзи? Ҳаётимизда бунга ҳар қадамда дуч келамиз — хилма-хил муносабат билан: тўйда ҳам, азада ҳам дуою фотиҳа ўқиймиз. Бунинг сабаби нимада? Дуою фотиҳа ўқиш билан бирон нимага эришиб бўладими? «Олтин олма, дуо ол» дейишади, дуонинг нимаси олтиндан қиммат? Фотиҳа ўқишдан марҳумга нима наф? Қолаверса, илм-фан бу тўғрида нима дейди?

ҲАР КИМ ҲАМ ДУОХОН БЎЛАВЕРМАЙДИ

Хулласи калом, дуо ўқиш билан даволаш мумкинми? Мумкин, албатта, бу ҳодиса ҳозирда ҳам кенг тарқалган. Лекин илм-фан қандай қарайди бунга, тан оладими, йўқми! Мабодо тан олса, қандай изоҳлайди!

Табиятда қувват-ахборот алмашинуви муаммолари бўйича Бутуниттифоқ қўмитаси раисининг ўринбосари, ВАСХНИЛ академиги, техника фанлари доктори, профессор Л. Г. Пришчеп билан сирли ҳодисаларни замонавий илм-фан қандай талқин этиши тўғрисида Тошкентда, Москвада кўп суҳбатлашганман. Бир сафар дуонинг кучи, азайимхонлик ҳақида гаплашиб қолдик.

— Дуо ўқиш билан даволаш бор гап, — деди Леонид Георгиевич, — бундай одамлар бизда, яъни Россияда, насронийлар орасида ҳам жуда кўп. Хўш, бунинг илмий жиҳати нимадан иборат! Буни тушунтириш учун Кашпировский, Чумакларнинг ойнаижаҳон орқали даволаш усулини мисолга олайлик. Инсоннинг бошқа инсонларга бераётган биологик таъсири телевизорнинг ҳиссиз, туйғусиз симларидан келади деб ўйлайсизми!

— Йўқ, албатта, — дедим.

— У ҳолда телевизион тасвирнинг ўзи-чи!

— У-ку маълум энди: тасвир электроҳанрабо тўлқинлар кўринишида телеминора орқали узатилади, улар эса қабул қилинадиган жойда яна тасвирга айланиб экранга чиқади.

— Тўппа-тўғри, — деди академик, — экстрасенсларнинг таъсири ҳам худди ўша электроҳанрабо тўлқинлари каби осмондан келади, унинг учун ҳам минглаб чақирим масофа ҳеч бир аҳамиятга эга эмас. Ойнаижаҳон эса бемор диққатини тортиб туриш учун бир восита, холос. Чумакнинг сувга дам солиб беришидаги сир ҳам шунинг ўзи. Сувга таъсир экрандан чиқмайди, балки осмондан келади. Дуохонлиқнинг илмий жиҳати ҳам шунга ўхшаш. Ҳар қандай азайимхон, парихон, бахши, кинначи, дуохон авваламбор экстрасенсдир, лекин буни ўзи билмайди. Дуо ўқиш ойнаижаҳон мисолида бўлганидек ўзи учун ҳам, бемор учун ҳам фақат диққатни жамлаш воситаси, холос. Беморнинг қайси аъзоси касал бўлса, азайимхоннинг ўша аъзосида оғриқ туриши дуо ўқувчининг аураси — инсонни ташқи салбий омиллардан ҳимоя этувчи кўринмас майдони заифлигидан дарак беради, дуохонларнинг ҳаммасида ҳам шундай эмас. Бироқ аура заифлиги дуохонни қийнаши баробарида ташхис қўйишни осонлаштиради ҳам. Аураси мустаҳкам дуохон одатда бу хилда ташхис қўйламайди.

Хўш, даволаш қандай кечади у ёғида! Азайимхон дуо ўқишни бошлаган заҳоти ўзи сезмаган ҳолда биомайдони

(Боши 1990 йил 11-сонда).

«Фан ва турмуш» ходимлари бултур ноябрь ойида Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарё, Фарғона, Андижон, Хоразм вилоятлари ва Қорақалпоғистондаги қатор муассаса, корхоналарда муштарийлар билан кўллаб учрашувлар ўтказишди. Ана шу мулоқотларда муштарийларимиздан хилма-хил саволлар қаторида юқоридаги каби саволлар ҳам кўп тушди. Ушбу мақола шу таклиф-истакларга биноан тайёрланди.

орқали беморнинг шикастланган биомайдонини маромга келтира бошлайди, яъни вужуднинг ички қуввати — биоэнергетикасини изга солишга киришади. Муолажа касаллик даражасига қараб бир неча кун давом этиши мумкин. Ниҳоят, бемор тузалганини айтади, аураси занф азайимхон эса буни ўзидаги оғриқ йўқолишиданоқ сезади. Бор гап шу.

— Леонид Георгиевич, — дедим шунда, — сиз ҳамма гапни биоэнергетикага боғлаб, бу ўринда дуонинг ҳеч қандай аҳамияти йўқ деяпсиз. У ҳолда азайимхон ҳар хил касалликка қарши турли дуоларни ўқишини қандай изоҳлайсиз!

— Бунинг фарқи йўқ, модомики касалликни биоэнергетика даволар экан қайси дуони ўқиш барибир.

Шу ўринда академик билан келиша олмадик. Пришчеп дуо ўқиш билан даволаш мумкинлигини тан олди-ю, лекин дуонинг аҳамиятини инкор қилди. Ҳар биримиз ўз фикримизда қолдик. Зотан, Леонид Георгиевичнинг фикри ҳам олимнинг бир фарази эди, холос.


Лекин дуохонликда биомайдон иштирок этади; деганида академикнинг фикрида жон бор деб ўйлайман. Зотан, амалиётда бунга мисоллар талайгина. Муштарийларнинг ёдига бўлса, бултур «Фан ва турмуш»нинг 8-сонига берилган «Сеҳргарлик фариштаси» номли мақолада иссиқ-совуқ қилиш, кўз тегиши, қарғиш уриши каби ҳодисалар ҳақиқатан борлиги, дуо ўқиш ёрдамида уларни қайтариш ва беморларни даволаш, шунингдек, эстониялик экстрасенс Нина Кирьянова ҳақида ҳикоя қилинган. Муштарийларнинг ёдига солиш ва, қолаверса, мавзумизга алоқадор бўлгани учун қуйида шу мақоладан бир парча келтирамиз.

«— Афсунгарлик ҳодисасига ўттиз йил муқаддам дуч келган эдим, — деб ҳикоя қилади қаламқаш А. Глазунов. — Зотан, ўша кезлари дуохон Лена кампирнинг тушунарсиз ва сирли хатти-ҳаракатларини бошқача тарзда аңлай олмадим ҳам. Бу воқеа Тамбов вилоятининг чор-атрофга афсунгарлар маскани сифатида донг таратган Калинин қишлоғида рўй берган эди. Ўша пайтлари мен шифобахш гиёҳларга қизиқардим, маҳаллий дуохонлар эса кўллаб қадимги рецептларни билишарди. Улардан Лена кампир ҳам хабардор эди, лекин у дори-дармонсиз ҳам даволар — иссиқ-совуқ ва кўз тегишини дуо ўқиб қайтарарди.

Мен унинг уйида яшаб, одамларни қандай дардлардан халос қилаётганини кўрдим, — гоҳ қўшни аёлнинг эрини кимдир ўзига иситиб олади, ўшандан совитиб, хотинга иситиш керак, гоҳ кимнингдир сигири сутдан қолади ёхуд бирон одам ҳамманинг кўз ўнгида шунчалик қуриб-қовжираб кетаяптики, ҳеч бир дори-дармоннинг нафи тегмайди...»

Қаламқаш аввалига бу гапларга заррача ишонмай, кулиб қўяди, лекин бир телба унинг кўз ўнгида шифо топганидан кейин ҳайратда қолади.

«— Қиз бояқишга иссиқ-совуқ қилинган экан, — дея



«Фан ва турмуш» муштарийларига соғлиқ-омонлик ва бахт-саодат ёр бўлсин! Омин, оллоҳу акбар!

хўрсинди Лена кампир, — уч кун тепасида дуо ўқиб қайтаришимга тўғри келди...

Шундан сўнг иссиқ-совуқ ва бошқа хил дардлардан халос қилиш «илм»и билан жиндаққина бўлса ҳам таништириб қўйишни сўрайвериб, маҳкам ёпишиб олдим. Кейин чипқондан, кўз тегишидан, судланишдан, ўғриллардан сақловчи, «қиз болани ром қилиш»га ёрдам берувчи ва ҳоказо амаллару дуоларни кун бўйи ёзиб олдим. Тушунарсиз ва маъносиз кўринишига қарамай, бу дуолар нимаси биландир ўзига тортар, чамаси, шу бонс ҳам уларда сеҳр-жоду кучи ҳақиқатан бордек туюларди.

Дуоларни тезроқ синаб кўрмоқчи бўлдим. Кўп ўтмай қулай вазият келди, лекин... ҳеч қандай наф бўлмади. Майда-чуйда нарсаларда яна бир неча бор дуохонлик қилиб кўрдим-у бу ишим бефойдалигига ишонч ҳосил қилдим. Бироқ дуо ўқиб тиш оғриғини қолдириш, чипқонни йўқотиш у ёқда турсин, менинг кўз ўнгимда телбани даволашга Лена кампир қандай қилиб муваффақ бўлади! Бу ўринда гап нимадалигини англаш учун ўйлаб йиллар мобайнида шу хил ноёб қобилиятга эга одамлар билан мулоқотда бўлишимга тўғри келди. Нина Станиславовна Кирьянова ана шундай кишилардан биридир...

— Бу қобилиятлар суюк суриб бўвимдан ўтган менга, — дея ҳикоя қилади Нина. — Қишлоқда уни эмчи кампир деб аташарди. У сарамас, чипқон ва бошқа касалликларни ҳам шифобахш гиёҳ, ҳам дуо билан даволарди. Даволаш чоғи мудом пичирлаб турарди. Баъзилар уни жоду қилади дейишарди. Бувим хафа бўлмас, табиатан оққўнгил, мулоим эди. Одамларни яхши тушунар, уларнинг ташвиш-ғамларини, дардларини ўзига оларди. Эндиликда-ку у кучли биомайдонга эга бўлганини биламан. Лекин пичирлашлари ҳам бежиз эмас, деб ўйлайман. Чамаси, сўз ҳам фикр каби энергетик зарядга эга, демак ижобий таъсир кўрсатади, енгиллик беради. Турган гапки, табиат психофизик таъсир қобилиятини ато этган кишиларгина дуо ўқиш билан даволай оладилар.

Лена кампирнинг ноёб қобилиятини менинг дуохонлик билан даволашга уринишларимдаги муваффақиятсизлигимнинг сирини шунда экан-да деб ўйладим».

Қаламқашнинг бу ҳулосаси бежиз эмас. Дарҳақиқат, истаган киши дуохон бўлиб кета олмаслигини ҳаётда кўриб турибмиз. Айрим одамларгина муяссар бўлади бунга. Лекин, келинг энди, дуо ёрдамида даволаш мумкинлигини илм-фан у ёки бу даражада тан ола бошлагани ҳақидаги ҳикоямизни мумкинласак-да дуо ўқиш билан яна қандай ишлар қилиш мумкинлигини кўриб чиқсак.

«...— Олдинда бизни «марҳумлар шаҳри» — Темур даврида бирин-кетин қад кўтарган ўн бир мақбарадан иборат Шоҳи Зинда кутиб турарди, — деб ёзади Жуна «Қўлларимни тинглайман» номли китобида. — Бу Самарқанддаги энг нафис меъморчилик ансамбли бўлиб, «Шоҳи Зинда» — Қусам ибн Аббос мақбарасининг номи, яъни «Тирик шоҳ» дегани экан. Ривоят қилишларича, Муҳаммад пайғамбарнинг амакиваччаси бўлган, исломни тарғиб қилган бу одам ўлмаган, балки кесилган бошини қўлида тутганча, ғорга кириб гойиб бўлган эмиш... Ана шу мақбарادا мен ғалати сигналларни сездим-у Ботир Зокировга қараб кутилмаганда:

— Шу ерда фотиҳа ўқисанг, — деб илтимос қилдим.

Ботир гангиб қолди. Чамаси, илтимосимни шунчаки бир инжиқликка йўйди-ёв, лекин шарқона меъморнавозлиқ қондаларига кўра, гапимни икки қила олмади:

— Майли, Жуна, агар сенга керак бўлса.

— Йўқ, Ботир, — дедим мен қатъий оҳангда. — Бу менга эмас, сенга керак. Бу жой сенга алоқадор. Қанақасига, нима учун алоқадорлигини билмайман ҳозирча. Тошкентда бўлганинда онанга бир айтиб кўр-а шу ҳақда.

Орада бир неча кун ўтгач, Ботир аллақандай иш билан Тошкентга борадиган бўлиб қолди, қайтганидан кейин эса дарҳол мени суратга олиш майдончасидан излаб топди. Сўнгра онаси билан гаплашгани тўғрисида ҳаяжонланиб сўзлаб берди. Онасининг айтишича, унинг ота-онасию бутун аждодлари авлиё Қусам ибн Аббосни ҳамиша ўз уруғларининг ҳомийси деб билишган экан. Қадимий таомилга кўра, кўзи ёриши арафасида аёлларни албатта шу хил қадамжоларга олиб келишган. Ботирнинг онаси дунёга келиши арафасида эса бувисини айнан шу ерга — Шоҳи Зинда мақбарасига олиб келишган экан».

Жунанинг ушбу ҳикояси сизни унчалик ажаблантирмади, чоғи. Зотан азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилиш, умуман, марҳумларни хотирлаб фотиҳа ўқиш ўртаосиёлик ҳар бир одамга болалиқдан яхши таниш. Бироқ нимага шундай қилишимиз ва бунинг сирини нимада эканлиги ҳақида ҳеч ўйлаб кўрганмисиз! Тўғри, илмий даҳрийлик бизга «Қадамжоларга сиғиниш — хурофот, азиз-авлиёлар қабрини қанчалик зиёрат қилманг, барибир, ўликлар тирикларга ҳеч қандай ёрдам беролмайди» деб қўлоғимизга қуйиб келди. Лекин томирлардаги ота-бобомиз қони бунга қарши сўзсиз исён кўтарди, «Бефойда бўлса, халқ минглаб йилдан буён зиёратгоҳга қатнамасди-ку!» деган оддий мантикий фикр далдасида қадамжоларни тавоф этавердик. Фақат, нега шундай қилаёلمиз деб бундоқ, дўппини ерга олиб қўйиб ўйламадик, холос.

Ниҳоят сўнгги йилларда, бизнинг мамлакатимизда ҳам биоэнергетика жиддий ўрганила бошлагандан кейингина ҳар қандай одамнинг биоэнергетик майдони вужуди ўлгандан сўнг у яшаган уйда, ишлатган буюмларидагина эмас, ҳатто қабри атрофида ҳам сақланиб қолиши ҳақида тобора ошқора айтилаётир. Жумладан, кўринмас олам билан мулоқот бўйича ноёб қобилиятли кишилардан бири, ёзувчи Евгений Березиков «Звезда Востока» ойномасининг бултурги 8—9-сонларида эълон қилинган «Полтергейстга кириш» номли илмий-бадий асарида кўплаб азиз-авлиёларнинг, жумладан, Имом Бухорийнинг қабридан, Баҳоваддин Нақшбандийнинг муҳридан кучли биоэнергияни сезганини айтади. Руҳан кучли шахсларнинг биоэнергияси ҳам кучли бўлиб, асрлар ўтса-да, йўқолиб кетмайди. Чунончи, Березиков Сарандиб (Цейлон) оролидаги Авлиё Будда ибодатхонасида бўлиб, олтин қалпоқча остида сақланаётган Будда тиши томонга қўлини узатганида, ундан келган кучли қувват ҳатто кафтини куйдириб юборишига оз қолгани тўғрисида ёзади. Ваҳоланки, Будда яшаб ўтганига 2,5 минг йилдан ҳам ошган!

Азиз-авлиёлар қабрини зиёрат қилганда биз ана шу кучдан қувват оламиз. Энди уларнинг руҳини хотирлаб фотиҳа ўқишга келсак, бу ҳам бежиз эмас. «Фан ва турмуш»нинг бултурги 1,4—5-сонларида босилган «У дунёдан хабарлар»

МИЛЛИЙ МАКТАБ ҚАНДАЙ БЎЛИШИ ЛОЗИМ

Халқ таълими мазмун жиҳатдан ҳам, бошқарувни ташкил этиш жиҳатидан ҳам янгилашни томон юз ўгира бошлади. Муштарийларга маълумки, «Фан ва турмуш» ойномаси биринчи бўлиб ўзбек миллий мактабини яратиш борасидаги изланишларни эълон қилди. «Мактабимиз истиқболи ҳақида ўйлар» (1989, № 10) номли давра суҳбати ва унга келган мактаблар ҳақидаги «Мактаб — миллатнинг истиқболи» (1990, № 3) номли мақолада бу тўғрида ҳикоя қилинди. Уларда мазкур соҳада янгилашни сари ташланажак дастлабки қадамлар хусусидаги фикр-мулоҳазалар ўртага ташланган эди. Мана, яқинда Т. Н. Қори-Ниёзий номли Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий тадқиқот илмгоҳимизнинг бир гуруҳ педагог олимлари «Миллий ўзбек мактабининг концепциясини тайёрлашди. Мазкур муаммо аҳамияти жиҳатидан ўзбек тилига давлат мақоми берилишидан кам эмас, асло. Чунки тилимиз қадр-қимматини кўтариш ҳар биримизга алоқадор бўлгани каби, миллий мактабнинг истиқболи ҳам фарзандларимизнинг истиқболидир. Шу боис концепция юзасидан олиб бориладиган тадқиқот натижалари фуқароларнинг кенг қатламларига тегишли. Кенгашли тўй тарқамас, деганларидек, қуйидаги саволларга жавоб тариқасида халқимиздан

қимматли фикр-мулоҳаза ва таклифлар кутамиз:

1. Таълим-тарбиянинг миллий асосга қурилиши, яъни ўзбек миллий мактаби зарурлигини қандай баҳолайсиз ва ҳозирги, ўзбек тилида ўқитиладиган мактабни инкирозга олиб келган сабаблар нималардан иборат, деб биласиз?

2. Турли тилда ўқийдиган ўқувчиларни бир мактабда таълим олишини қандай баҳолайсиз? (рус-ўзбек, ўзбек-қозоқ каби).

3. Ўқувчиларни жинсига (ўғил-қизлигига) мувофиқ алоҳида-алоҳида мактабларда ўқитилишига қандай қарайсиз?

4. Ҳозиргача мактабда ўқитилаётган ўқув фанларидан қайсисини ортиқча деб ҳисоблайсиз ва қайси синфга қандай янги ўқув фанларини таклиф қиласиз?

5. Бошланғич ҳарбий таълим мустақил ўқув фани сифатида ўқитилаётганига эътирозингиз борми?

6. Она тилидан бўлак тиллар қайси синфдан бошлаб ўқитилишини мақбул деб ҳисоблайсиз?

7. Мажбурий таълим VII синфгача, яъни уч босқичли мактабнинг фақат икки босқичи билан чекланишига қўшилмасизми?

8. Ўзбек халқининг миллий қиёфаси, миллий руҳи ва миллий ғурурини тиклашнинг қандай чора-тадбирларини таклиф этасиз?

9. Ўқувчиларнинг таълим-тарбиясига диний муассасалар қандай кўмаклашуви мумкин? Ёки уларни умуман аралаштирмаслик мақбулми? Сизнинг фикрингиз?

10. Ўқитувчининг мактабда ишлаши билан бирга диний фаолият билан ҳам шуғулланишига қандай қарайсиз?

11. Мактаб партасидаёқ бой маданий ва тарихий меросимизни пухта ўрганиш учун қандай ишларни амалга ошириш лозим?

12. Мактабларда хўжалик ҳисобида таълим-тарбия бериладиган махсус синфлар ташкил этилишига муносабатингиз?

Бу саволлар юзасидан маслаҳатлар билдириб, ўзбек миллий мактабини барпо этишда ўз ҳиссангизни қўшасиз, турли ечимини тавсия этасиз, деган умид билан

Паёз МУСАЕВ,
педагогика фанлари номзоди,
концепция муаллифларидан бири.

МУҲАРРИРИЯТДАН: Утган йилги ваъдага мувофиқ бу саволларни ёритяпмиз. Т. Н. Қори-Ниёзий номидаги Ўзбекистон Педагогика фанлари илмий-тадқиқот илмгоҳи илмий кенгаши маъқуллаган ушбу концепцияни такомиллаштиришда ва бу муаммони халқчиллик асосида ҳал этишда уни ишлаб чиққан педагог-олимлар Сиз, азиз муштарийлар таклифларига таянади. Қимматли амалий мулоҳазаларингиз ойноманинг келгусидаги саҳифаларидан бирида эълон қилинади.



Мулоқот

номли мақолада вужуди ўлганидан кейин инсоннинг руҳи яшаб қолишини кейинги вақтларда ҳатто совет материалист олимлари ҳам тан ола бошлаганлари ҳақида сўз юритгандик. Мана сизга шундан кейин эълон қилинган янгилик.

Профессор Б. Искоковнинг фаразига кўра, инсон вужудида умр бўйи кўзга кўринмас иккинчи моҳият — биосинергетик масса [БПЭМ] етилиб боради. Вужуд қартайиб ўлганидан кейин эса етилган БПЭМ коинотдаги жамми нарсани ўз ичига қамраб олган микролептон майдонига ўтиб яшай бошлайди. Бироқ марҳум вафотидан 40 кун ўтгач, БПЭМ парчаланишга мойил бўлади, у парчаланиб кетмаслиги учун эса тириклар марҳумни эслаб [дуо ўқиб] туришлари керак, бу БПЭМга фикрий қувват беради. Аксари халқларда марҳумнинг 40 кунлиги маросимини ўтказиш шундан келиб чиққан. Башарти бирон марҳумни ҳеч ким эсламай қўйса, БПЭМ парчаланишдан аввал безовталаниб, яқин кишилари билан алоқа боғлашга уринади, бу алоқа эса ғайришуурий ҳолатда кечади — марҳум тирикларнинг тушига кириб чиқади. Тириклар эса дарҳол яқин кишиларини тўплаб худойи қилишлари, дуою фотиҳа ўқишлари шундан келиб чиққан дейди профессор Б. Искоков.

Умуман олганда, азиз-авлиёлар қабрига сиғиниш ва марҳумлар руҳига дуою фотиҳа ўқишнинг сирлари ҳақида илм-фан нималар деяётгани алоҳида ҳикоя қилишга арзигули қизиқ бир мавзу. Бироқ мақола ҳажми мусоид этмаслиги боис дуонинг минг бир хосияти ҳақидаги ҳикоямизда давом этсак.

БОБУРНИНГ ДУОСИ

Юқорида дуо — бу илтижодир деб айтиб ўтдик. Халқимизда эса бирон нарсани астойдил, бутун борлигини билан истасанг, албатта амалга ошади, деган нақл бор. Шунга боғлиқ ҳолда бир тарихий воқеани — Бобурдек улкан шахснинг сирли ўлимини мисолга келтириб ўтишни хоҳлардим. Ҳинд олими Муни Лаълининг «Бобур» номли асаридан олинган қуйидаги кичик парча инглизчадан шоир Жамол Камол таржимасида берилаетир.

«Ҳумоюн қаттиқ оғриб қолади ва уни оғир аҳволда Аграга олиб келишади. Табиблар кеча-кундуз тиришиб, касалликни аниқлашга, даволашга уринадилар. Аммо бари зое кетади. Бобур ўғлининг тезроқ оёққа туришини истайди. Бироқ унинг аҳволи баттар оғирлашади: илоҳий бир мўъжиза юз бермас экан, фалокат юз бериши кўриниб қолади. Шунда Бобур Оллоҳнинг даргоҳига сиғиниб, ўғли учун жонини қурбон этишга қарор қилади.

Гулбадан ёзади:

«Саройнинг неча уламои киромлари подшо ҳазратларини бу қарордан қайтишга ундадилар, лекин дадам унамадилар. Неча бир оқилу донолар бунинг ўрнига мўл-кўл олтин-кумуш садақа этишни таклиф қилдилар. Беглардан бири дунёда энг қимматбаҳо гавҳар — Кўҳи Нури тасаддуқ этишни маслаҳат берди. Бироқ шавкатли отам рози бўлмадилар. Дунёда ўғлимга тенг келадиган гавҳар бор-

ЮНУСОБОДЛИК «БАРАБАШКА»

Тошкентнинг Юнусобод даҳасидаги бир хонадонда ақл бовар қилмас ҳодиса юз бераётир. Хилма-хил буюмлар сирли равишда ғойиб бўлиб, мутлақо қутилмаган жойлардан топилапти. Кийим, туфли, маржон кабилар қандилга илиниб қолади. Қулфлаб қўйилган жойдаги буюмлар ташқарига чиқиб кетади. Бир хонадаги ликопча тўсатдан бошқа жойда пайдо бўлиб, қарсиллаб синаётир. Катта ҳажмли оғир идишлар учинчи қаватдан ҳовлига учаяпти. Ичи озик-овқатга тўла залварли музлатгич ўз-ўзидан юриб кетаяпти. Идишларнинг тунука қопқоғини кимдир қоғоздек ғижимлаб ташлаяпти. Ғойибдан торт, қовурилган жўжа ва ҳоказолар пайдо бўлаёпти... Хуллас, безовта руҳми, кўзга кўринмас бир мавжудотми нимадандир норози бўлиб, бир-бирдан антиқа ҳунарлар кўрсатаётир.

«Фан ва турмуш»нинг 12-сонида «Сирли ҳодисалар: «ФТ»-91» мақоласида ойнома бу борада махсус тажрибалар ўтказиши тўғрисида айтилган эди. «Фан ва турмуш» ҳузурида сирли ҳодисалар билан шуғулланувчи махсус гуруҳ тузилгани сизларга маълум. Хилма-хил соҳа мутахассисларидан ташкил топган бу гуруҳ Юнусободдаги хонадон ёрдам сўраб мурожаат қилганидан буён шу ерда тез-тез бўлиб, сирли тўс-тўполонни ўрганиб, тўхтатишга уринапти.

«Фан ва турмуш» ходимлари, радио, телевидение, киностудия вакилларининг кўз ўнгида, 40-50 гувоҳ олдида ликопчалар ҳавода тўсатдан пайдо бўлиб, қарсиллаб синаяпти. Тўғри, ташаббускор гуруҳимиз ликопча синишини тўхтатишга муваффақ бўлди. Бироқ бу ягона ва кичик ютуғимиз вақтинча эмасмикан! Бошқа воқеаларни қандай тўхтатиш керак! Гуруҳимиз радио ва телевидение орқали мурожаат қилиб, Ўзбекистонда полтергейст бўйича мутахассис бўлса ёрдам беришини сўради. Бу хонадоннинг ҳаловатини қайтариш учун хилма-хил усуллар қўллаб кўриляпти. Лекин сирли воқеалар, аксинча, ривожланиб бораёпти. Мисол учун яқиндан буён қўшнилар учинчи қаватда, шу хонадон деразалари рўпарасида росмана учар ликопчаларни кузатишяпти...

Бу хонадонда кўп сурат олинган, плёнка куйиб кетди. Фақат телевидениенинг кучли ёритиш воситалари ёрдамида олинган бир-иккита суратларгина омон қолди, холос.

му! Шундай деб сўзларида қаттиқ туриб олдилар. Кўнгиллари ул ҳазратни олий қурбонлиққа ундар эди. Йиғлаб, кўз ёши тўкаётган сарой хонимлари орасидан ўтиб, Муҳаммад Ҳумоюн ётган хонага кирдилар. Акам тўшақда оғир иситмада куйиб, ҳолдан тойиб ётар эди. Отам унинг бошига бориб, қўлларини дуога очдилар. Сўнг вазмин қадам ташлаб, унинг атрофидан уч марта айландилар. Такрор-такрор дедиларким: «Ё Оллоҳи карим, унинг дардини менга бергил! Унга келган бало менга урсин!» Сўнг ҳазратнинг йиғи аралаш шу сўзлари эшитилди: «Берган садақам қабул бўлди!.. Ниятимга етдим!.. Муродимга етишдим! Оллоҳи карим тилагимни қабул айлади!..»

Хона ичида юз бераётган воқеа чиндан ҳам юракларни ларзага солар эди. Ранглари синиққан, ғам-қайғу юки остида эс-ҳушини йўқотаётган Бобур Тангрига ялиниб-ёлворарди. У ўғлимни қўйиб, унинг ўрнига менинг жонимни ол, деб зорланаркан, ҳушсиз ётган Ҳумоюн дард чекиб, оғир инграр эди... Ҳамма шафқат, марҳамат сўраб қилинган илтимосларга худодан бир садо кутарди...

Бобур дуою илтижоларим Тангри даргоҳида қабул бўлди, деб имон келтирди... У фалақдан нажот сўраркан, шунга ишонч ҳосил қилдики, ўзининг аҳволи ёмонлашиб, ўғлининг аҳволи яхшилана борди. Чиндан ҳам ўлим тўшағида ётган шаҳзода ҳушига келиб кўзини очди. Бобурнинг аҳволи эса оғирлашгандан оғирлашаверди...

Орада уч кун ўтгач, 1530 йилнинг 26 декабрь, душанба кунин Бобур вафот этди».

МУҲТАРАМ МУШТАРИЙ!

Мана, «Фан ва турмуш»нинг 1991 йил январь сони ҳам эсон-омон етиб келди. Эсон-омон дейишимизнинг боиси ўтган йили ойнома-ю рўзномалар нархи ҳусусида қанчалик шов-шувлар, ҳадиксирашлар бўлди, қанчадан-қанча муштарийлар ўз сеvimли обуналарига ёзила олмадилар. Бизнинг идорамиз ҳам ўз вақтида «Фан ва турмуш»га ёзила олмай энди афсусланаётган юзлаб муштарийлардан мактублар оляпти.

Утган ишга салавот, деганларидек келаси ойлардан мунтазам ойномани олиб турниши хоҳлаганлар ҳозир ҳам обуна бўлишлари мумкин. «Союзпечать» идоралари бу саяъи ҳаракатингизга монелик қилишмайди.

«Фан ва турмуш»нинг бир сони атиги 60 тийин. Индекс 75421.



Ушбу суратда ҳамманинг кўз ўнгида учиб келиб, диванга тушгани учунгина синмай қолган ликопчани ва унда қоғоздек ғижимлаб ташланган тунука қопқоқларни кўриб турибсиз. Биорамка — «Г» ҳарфи шаклидаги темир мослама эса ликопчада ҳам, ғижимланган қопқоқларда ҳам кучли биоқувват излари борлигини кўрсатди...

Юнусободлик «барабашка» ҳақида «Фан ва турмуш»нинг кейинги сонида батафсил ҳикоя қиламиз.

Дуонинг кучини кўрсатиш учун бундан ортиқ яна қандай мисол бўлиши мумкин ахир! Дардингни олай, деган нақл ҳам бор-ку халқимизда.

Бироқ дуонинг кучи қанчалик эканини ҳар томонлама ва тўлиқ кўрсатиш учун бу ҳикоямизнинг ҳажми имкон бермаётир. Биз ҳозирча дуонинг кучи тошни кўтариши, хилма-хил касалликларни доволаши, иссиқ-совуқни қайтариши, бироқ ҳар ким ҳам дуохон бўла олмаслиги, шунингдек азиз-авлиёлар қабрининг сирию фотиҳадан марҳумлар руҳига қандай фойда тегиши, дуонинг кучи ҳатто ўлимдан олиб қолишига айрим мисолларни кўриб ўтдик, холос.

Бироқ мавзуимиз шу билангина чекланмайди. Дуонинг кучи шу қадар чексизки, унинг ёрдамида табиатга таъсир ўтказиб, ёмғир ёғдириш, ёмғирни тўхтатиш мумкин. Айни вақтда табиатдаги ҳар қандай куч каби дуонинг кучини ҳам ёвуз мақсадларда ишлатиш мумкин: иссиқ-совуқ, кўз тегиши, қарғиш уриши ва ҳоказолар шу жумладан. Яъни, жоду ҳам дуою илтижодир. Қолаверса, дуо полтергейст ҳодисасини тўхтатар, инсонни хилма-хил кучлардан, ҳатто ўзга олам вакилларидан асрар экан, бу тажрибаларда тасдиқланаётир. У ёғини сўрасангиз, илмий лабораториядаги тажрибалар Қуръондан нур чиқинини кўрсатапти, айни пайтда шундай нур дуо ўқиётган одамдан ҳам чиқар экан... Хулласи калом, дуонинг кучига хилма-хил мисоллар, эҳ...ҳе, қанчадан-қанча!

Бироқ бу кейинги ҳикоямизнинг мавзуси.

Қадамги хитой ҳикматлари



«Панднома» деб номланган янги рукнда шу пайтгача муштарийлар эътиборидан четда қолиб келган Шарқ халқларининг қадимий ҳикматлари, ибратли ҳикоялари, фалсафий,

тарихий, таълим-тарбияга оид китобларидан айрим намуналар бериб бориладики, қуйида қадимий хитой ҳикматларидан бир «чимдим»ини эътиборингизга ҳавола этдик.

Осмон бутун оломонни гумроҳликдан уйғотиш учун бир кишига донишмандлик ато этади. Ҳаётда эса, одамлар, аксинча, ўз фазилатларидан бировларни камчилиги учун жазолаш йўлида фойдаланишади. Осмоннинг қаҳрига лойиқ кишилар деб шуларни айтади!

Агар хонадонда ҳаддан зиёд зиёфатлар бўлса, у яхши оила эмас. Агар ёшлар бутун куч-қудрати билан шон-шухратга интилса, улар яхши ёшлар эмас. Агар фуқаро унвон, мукофот қаҳида кўп ўйласа у яхши фуқаро эмас.

Умумнинг янглишиши туфайли ўз ҳақиқатингдан юз ўгирмаслик лозим. Шахсий мулоҳазага таяниб, ўзгалар сўзини рад этиб бўлмайди. Хусусий манфаат учун умумий фаровонликка зарар етказиш мумкин эмас. Умумнинг мулоҳазаларини ниқоб қилиб, ўз фойдангни кўзлама.

Ёвузликка қўл урмай, одамлар томонидан қораланиш— эзгулик қилмай, бошқалар томонидан мақталишдан яхшироқдир.

Адолатли фикрга қарши бориб бўлмайди. Агар унга қарши бордингми, бутун умрга шармандан шармисор бўласан. Ҳукмбардор кишиларнинг ғаразли манфаатлари учун хизмат қилмаслик зарур. Хизмат этдингми, умр бўйи шаънингга қора балчиқ чапланади.

Майда ишларда ҳам ишқалликларга йўл қўймайдиган, қоронғуликда ҳам алдамайдиган, ҳеч бир умидсиз вазиятда ҳам тушқунликка берилмайдиган кишилар— чинакам қаҳрамонлардир.

Осмон ва Замин мангу мавжуддир, менинг вужудим эса иккинчи марта дунёга келмайди. Одамзоднинг умри юз йилга ҳам етмайди, менинг куним эса бир лаҳза каби ўтади-кетди. Бу дунёда яшаш бахтига сазовор бўлганлар ҳаётга эгаллик қувончи-ю умрнинг тезкорлиги қайғусидан беҳабар эмас.

Аждодлардан етиб келган эзгуликлар, бу— улардан менга қолган меросдир. Уни жамлаш қанчалик қийин бўлганини унутмаслик лозим. Авлодлар фаровонлиги— булар менга боғлиқ. Уни йўқотмоқ қанчалик осонлигини унутмаслик лозим.

Кўнгилини ҳар қандай иллатлардан тозалашга китоб ўқиш ва ўтмишни ўрганишга киришиш мумкин. Бўлмаса, бир оқилона сўзни эшитиб, у билан ўз камчиликларингни оқлашни истаб қоласан; бирор эзгу фазилатни билиб олиб, ўзинг учун фойдани кўзлай бошлайсан. Мияда шундай фикрлар билан таълим олиш «қуролни душманга инъом этиш ва озиқ-овқатни қароқчиларга жўнатиш» билан барабар.

У бадавлат, мен эса руҳан бойдирман. У юқори мансаб эгаси, мен эса бурч йўлидан кетаётирман. Олижаноб эркак бу дунёнинг зўрларига ҳеч қачон қўлини боғлаб бермайди. Инсоний тиришқоқлик ҳатто Осмондан ҳам устун келади. Уй-ниятларнинг барқарорлиги бутун дунёда ўзгариш ясашга қодир. Олижаноб эркак ҳатто бутун борлиқ ижодкорининг ўзидан ҳам иродасига хилоф нарсаларни қабул этмайди.


Тоғларга беркинган қароқчиларни фош этиш осон. Юракка яширинган қароқчиларни фош этиш қийин.

Руҳи уйғонган кишилар сўзи назокатлидир. Донишмандлар сўзи содда. Муносиб кишилар сўзи аниқ-тиник. Чакана одамлар нутқи кўп сўзли. Паст одамлар нутқи зерикарли.

Ун тангани кўрганда қиёфаси ўзгарадиган киши кичик шаҳарни ҳам бошқаришга муносиб эмас. Юз тангада ўзгарадиган одам ўз ортидан кўшинни олиб кетолмайди.

Қурама

Китобларни лазерли компакт-гардишда нашр қилиш тобора кенг тус олмақда. Асосан маълумотнома ва дарсликлардан иборат бу китоблар махсус компьютер ёрдамида ўқилади. Шунингдек, Англияда Гиннеснинг рекордлар китоби ҳам компакт-гардишда чиқарилди. Ана шундай нашрлардан энг йириги, 1975 йилгача инглиз тилида босилиб чиққан ҳамма китобларнинг каталогидир. Агар у босмаҳона қозоғида нашр қилинганда эди, ҳар бири 500 бетлик деярли 360 жилдлик тўпламини ташкил қиларди. Ҳозирги кўринишда эса у диаметри 12 сантиметрли учта пластмасса гардишдан иборат холос. Бу каталогда олти миллион китоб номи бор.



Янги полимер модда

Кўпинча ер остига ётқизилган электр, телефон кабелларининг уст қисмига кемирувчилар шикаст етказишади. Шунинг учун Япониянинг «Хиракава илектрик» компанияси кабелни полимердан тайёрланган янги эластомер билан изоляция қилишни йўлга қўйди. Бу органик модда винилхлоридга актидион қўшиб тайёрланади. Материал жуда пишиқ ва ўтда ёнмайди. Унинг асосий хусусияти кемирувчиларни ҳуркитиб қочиради.



Австралиялик ғаввос Герхард Цаунер спортнинг янги тури — сув ости чангисини тавсия этди. Чанги оғир қўрғошин тахтачадан ясалган бўлиб, аквалангчи у билан сувнинг энг чуқур ерига ҳам сирпаниб бора олади.



Сан-Францискодаги пиво заводларидан бирида қадимги Бобилда бундан 4000 йил бурун сопол тахтачага ёзиб қўйилган тавсия асосида пиво тайёрланди. Унинг таркибиде арпа, солод, асал, нон, хурмо бор. Қадимги бу ичимлик ҳаммага манзур бўлмоқда.

Автомобилларнинг ботқоқ лой ерларда ва қияликларда юриши учун инглиз ширкатларидан бири автомобилнинг бошқариб борувчи гилдиракларига беш минут ичида ўрнатиб қўйиш мумкин бўлган, қайишқоқ пластмасадан тайёрланган калишин тавсия қилди. Ҳар хил гилдираклар учун турли катта-кичикликдаги «калишлар» ишлаб чиқарилмоқда.



Америкалик палеонтолог Тэйнк Д. гадрозаврлар (тумшуги ўрдақниккига ўхшаш икки оёқли динозавр) скелетини ўрғана ётиб, уларнинг думгаза умуртқасида дарз кетган жойлар борлигига эътибор берди. Олим улар тўдалашиб яшагани учун ҳам бир-бирларини думлари билан тез-тез уриб, туртиб юришган деган тахминни айтмоқда.

Олмониядаги Давлат хавфсизлик вазирлиги тугатилгандан кейин, унинг биносини Экология муаммолари институти эгаллади. Бино унча катта бўлмаган юзта хонадан иборат. Лекин у институтнинг 80 та илмий ходими учун албатта етарли.

ЛАБОРАТОРИЯДА ГУЛЛАГАН БАМБУК

Бамбук гуллашининг сабаби ҳали ботаникларга маълум эмас. Дунё бўйича 500 тури маълум бўлган бу ўсимликнинг кўп қисми асосан уруғидан кўкариб чиққанидан сўнг 30—120 йил ўтгачина гуллайди. Бамбук гуллагандан сўнг тезда нобуд бўлади. Шуниси ҳам борки, улар гулласса ёппасига гуллайди, шу туфайли бутун бир бамбукзорлар ўрмони нобуд бўлади. Бундай дамларда машҳур хитойлик пазандалар эса масалликсиз қолади.

Ҳозир ҳинд олимлари Миллий кимёвий лабораторияларда бамбук кўкариб чиққандан уч ой ўтгач унинг гуллашига эриша олишди. Улар бунинг учун бамбук уруғига минерал туз, шаккар, дармондорини, цитохинин (ўсимлик гормонлари) ва кокс ёнғинининг сутидан тайёрланган махсус «коктейл»ни таъсир эттирдилар. Бу кашфиёт бамбук гуллашининг омиллари топиш ва уни бошидан эҳтиёжга қараб ўстириш имконини беради.

СУВАРАКЛАРНИ ЙЎҚОТИШ УСУЛИ

Американинг «Изотермикс» ширкати ходимлари уй ичидаги суварак, чумоли, пашша, бурга, куя капалаги, термитлар ва бошқа текинхўр ҳашаротлардан қутулиш йўлини ўйлаб топишди. Бунинг учун бутун уй ҳашаротлар чидай олмайдиган даражада қиздирилади. Аввал бутун коттеж брезент билан ўралади, уй устига пропанли газ горелкаси ва бинодаги ҳамма хоналарга тахминан 66 даража иссиқликдаги ҳавони ҳайдаш учун паррак ўрнатилади. Чунки уй ичи камида 50 даража иссиқликда қизиши керак. Қиздириш тўрт соат давом этиб, бу вақт ичида ҳашаротлар қирилиб битади. Албатта, бундай тадбирдан олдин иссиқдан зарар кўрадиган, буюмларни ташқарига чиқариб қўйиш лозим.

Америкалик Эрмал Клеон Фрейз (1913—1989) очиш учун очқич талаб этилмайдиган махсус консерва банкаларини ихтиро қилди. Ҳозир бундай консерва банкалари кенг тарқалган. Эрмал Клеон 1959 йилда оилавий бўлиб дала сайрига чиққанларида консерва очадиган пичоғини эсидан чиқариб қолдирганлиги бу ихтиронинг кашф этилишига сабаб бўлди. Утган йили асосан пиво ва алкогольсиз ичимликлар солинган шундай банкалардан 150 миллиарди сотилган.



«ҚУЁШЛИ» УЙ


Қуёшли уйда яшовчиларнинг қуёш нури энергиясидан фойдаланиши дунё миқёсида анчагинадир. Яқинда Олмонияда худди шундай «қуёшли» уй қурилди ва у тўлиқ асбоб-ускуна билан жиҳозланди. Дўконлардан эни 30-40 сантиметр, узунлиги ярим метрли қуёш панелини сотиб олиш мумкин. Шунингдек, электрон регулятор ва аккумулятор батареяси, маиший хизмат асбоблари— холодильник, телевизор, деразага ўрнатиладиган вентилятор, сув насоси, осма соатлар, чўнтак калькулятори ва болалар ўйинчоғига қуёш энергияси билан таъминланмоқда. Ғарбий Олмониядаги Қуёш энергияси системаси институти Гелиос энергияси билан бошқариладиган чий парда ишлаб чиқдилар. Хуллас, бундай уйлارнинг «калит»ини олиб у ерда роҳат қилиб яшашингиз мумкин.

КАКТУС ШИФОСИ

Мексикалик шифокорлар халқ табобатида фойдаланиладиган бир қанча шифобахш гиёҳларни текшириб кўрдилар. Уларнинг фикрича, кактуснинг опунция деган турининг қайнатмаси қанд касаллигини даволашда яхши ёрдам берар экан. Албатта, инсулин дориси ўрнини бутунлай кактус билан алмаштириш мумкин эмас. Лекин кактус қайнатмаси инсулин истеъмол қилишни анча камайтиради.



Олмониянинг Мюнстер шаҳрида Библия музейи ишляпти. Бу ерда Библиянинг кўп миқдордаги нусхаларини, шунингдек пергамент қоғоздагисини, эски ва янги нашрларини кўриш мумкин. Ҳозирги вақтда Библия 1907 тилга таржима қилинган.



ВАНГА: САМОВИЙ

МАВЖУДОТ

БИЛАН УЧРАШУВ

Красимира СТОЯНОВА

ВАНГА ҲИКОЯ ҚИЛАДИ:

«Мен уларни кўраётганимга бир йилча бўлиб қолди. Улар шаффоф. Кўринишлари одамнинг сувдаги аксидек. Сочлари укпардек майин. Курақларида қанотга ўхшаш нимадир бор. Уйга қайтганимда кўпинча уларни ўз хонамда кўраман. Улар билан «суҳбат»лашганда чўзиқ ва паст товуш эшитилади, баайни кўпчилик оҳиста куйлаётгандай... Айтишларича, Ердан санаганда учинчи бўлган Вамфим сайёрасидан келишадиган экан, ҳар қалай, оламларининг номи менга шундай эшитилди. Қандай мақсадда келишадиган, буни билмайман. Баъзан биронтаси кўлимдан тутиб, сайёрасига бошлаб кетади. Унга эргашаман, «юлдузлар сочилган»

ерда юраман, уларни топтаётгандайман гўё. Мени бошлаб юрганлар жуда тез, сакраб-сакраб ҳаракатланишади, илгарилаб кетиб яна қайтишади. Бу мавжудот ерида ҳамма нарса бағоят гўзал, тасвирлаб беролмайман... Нима учундир ҳеч қаерда уйлари кўрмайман. Мавжудот ўта сипо, овози акс-садодек жаранглайди. Гоҳо қулоғимга эшитувчи мосламага ўхшаш ниманидир илиб қўйишади. Улар уюшқоқлик билан кўп ва аниқ ишлашади, айтишларича, мен уларнинг Ер билан оз сонли «бевосита алоқа»ларидан бири эканман. Улар бизни назорат қилиб туришади. Уларнинг сайёрасида эшитган-кўрганларим ҳақида гапириб беришимга руҳсат этишмайди.

Баъзан менга «Биз бир лаҳзага келамиз ва шу заҳотиёқ кайтиб кетишимиз керак. Биздан кўп нарса кутма, ҳеч нима ҳақида сўрама, илло, гапириш бизга таъқиқланган»... дейишади. Бир сафар уларнинг иккитаси, чамаси, машҳур вакиллари билан иккитасига ҳайкал ўрнатишди. Бу жой қаердалигини аниқ биламан, лекин сизларга айта олмайман.

Бир ҳайкалда эркак киши кўлини бошига тираб ўтиргани акс этган. Иккинчиси эса эркак киши ўнг кўлида тўппончага ўхшаш нарсани тутганча турибди. Ҳайкаллар қўйилаётганда ўрнатувчилардан бири «Одамлар кўриб қолмаслиги учун уларни сал четга сурсакмикан?» деб сўради.

Иккинчиси эса «Нима, улар кўр эканликларини кўрмаяпсаними?» дея жавоб қилди (1979 йилда ёзиб олганман).

Орада бир неча йил ўтди.

Рупитедан Петричга йўл олишадиганда Ванганинг синглиси Люба кўча эшикни қаттиқ ёпгани, Ванга койиб берди:

— Бунча тарақлатмасанг, уй тўла одам-ку ахир!

Ҳолбуки дейди Люба, уй кимсасиз, қоронги ва сукунат ичра эди. Ванга йўқ пайтлари ҳаммаша шундай бўлади.

Мана энди Ванганинг ўзидан эшитинг:

— Уйга кириб биринчи қаваатдаги хонанинг ўртасига ўтирдим, «улар» эса атрофимда давра қуришди. Бу кекса кишилар, аниқроғи қарияларнинг бари шундай ярқироқ либосда эдики, уй ичи қуёш нурлари тушгандек чароғон бўлиб кетди. Улар менга «Урнингдан тургин-да, гапимизни тингла, биз сенга келажак ҳақида сўзлаб берамиз. Ҳеч нимадан кўрқма, негаки дарвозанг олдида қоравул — «Темир устун» турибди», дейишди.

Яна айтишларича, менга ҳамма нарсани гапириб бера олишмас экан— вақти-соати келмабди. Лекин бир нарсани айтишлари мумкин: «Дунёда кўп ўзгаришлар юз беради. Жаҳон қайта тўғилиб, яна яқсон бўлаверади. Фақат биз одамлар билан мулоқотни бошлаганимиздагина ер юзиде мувозанат қарор топади!» «Сизлар кўрмаяпсиз, лекин ҳозир осмонда кўплаб учувчи аппаратлар чарх уриб юрибди. Булар ниҳоятда ўзига хос аппаратлар, ҳар бирининг ичида одатда учта мавжудот бор. Менга «Улкан ҳодиса тайёрланапти» дейишди, бироқ нималигини тушунтирмади».

Ванга вақт тушунчасини учга бўлади: катта вақт, шунчаки вақт ҳамда вақтлар бор.

«Мен Ойга биринчи бўлиб қадам қўйган ерлик фазогирларни катта қизиқиш билан кузатдим. Лекин улар сизга у ерда мен кўрган нарсаларнинг ҳатто мингдан бирини ҳам гапириб беришолмади...»

Ванганинг уйига келиб турадиган, у билан мулоқот қиладиган мавжудот ким ўзи? Ванганинг айтишича, уларда «табақаланиш»га ўхшаш нимадир бор, масалан, «бошлиқлар», аммо улар аҳён-аҳёнда, ўта муҳим воқеалар ёки йирик табиий фалокатлардан хабар бериш учунгина келишади.

Бундай кезлари Ванга ранги оқариб, ўзиникига мутлақо ўхшамаган овозда чинқира бошлайди ва ҳушидан кетади. Овоз жуда кучли ва буткул ўзгача оҳангда. Сўзлари, иборалари Ванганинг кундалик мулоқот тилига тамомила бегона. Гўё аллақандай номаълум онг Ванганинг вужудини эгаллаб олиб, унинг тилида муҳим ҳодисалардан хабар бера бошлайди. Башарти Ванга «катта куч» ёки «катта руҳ» дегудек бўлса, буни шартли равишда қабул қилиш керак. Шунчаки, у ўзининг тушунчалари ва идрокига яқинроқ бўлган сўзларни топган, холос.

Вангага нималарнидир айтиб турадиган «овоз»ни ҳам шартли равишда қабул қилиш керак. Овоз менинг ичимда, бошимда янграйди, мен уни тушунаман ва ўзим ҳам фикран жавоб бераман, дейди Ванга. Бу ҳодиса қай тариқа рўй беришни тушунтириб беролмайди, лекин мулоқот енгил ва табиий равишда кечади.

Ванганинг изоҳ беришича, бу «нуқталар» ёки ўзи айтганидек «кучлар» ҳавода юради, чунки «ер пок эмас». Буларнинг барига мутлақо бошқача изоҳ бўлса керак, албатта, лекин Ванганинг тушуниши бўйича шунинг ўзи ҳам етарли сабаб бўла олади.

«Народна младеж» рўзномаси 1988 йил 1 август сониде москвалик Жуна каби кўллари билан даволай оладиган пловдивлик бир аёл тўғрисида ҳикоя қилди. Бу аёлнинг ҳузурига ҳам қандайдир «фазовий» мавжудот келишар, миясини кузатиб, унга нимадир қилишарди. Бу менга жуда қизиқарли кўринди ва онамдан Рупитега борганда шу мақолани Вангага ўқиб берсангиз

деб сўрадим. Ванга эса индамай эшитиб ўтирибди-да, кейин бамайлихотирлик билан «Бунинг нимасига ҳайрон бўласизлар? «Улар» орамизда аллақандон буён юришибди-ку ахир!» дебди. «Работническо дело» рўзномаси 1988 йил 23 сентябрь сонидаги «Х сайёраси қаерда?» номли мақолада қуйидаги хабарни берди: Москва, 22 сентябрь (БТА). Туркменистонлик таниқли олим Одек Одеков Ергада айрим ғайритабиий ҳодисалар ўзга оламларнинг таъсирида юз бераётганини изоҳлаб берувчи ва ўзаро боғлиқ бўлган фаразларни таклиф этди.

ТАСС ахбороти. Ашхобод.

«Олимнинг фикрига кўра, тахминан 3600 йилда бир марта Ер Х сайёрасига парвоз қилиш ва уни тадқиқ этиш учун қулай ҳолатда бўлади. Шу мер давлатининг мунажжимлари қолдирган суратлар ва ёзувлар ана шу сирли сайёра ҳақида ҳикоя қилади. Қадимда ўтган аждодларимизнинг тасаввурига қараганда, Қуёш системаси 12 осмон жисми— Қуёш, Ой ва 10 сайёрадан иборат.

Олимлар Х сайёрасини излашда давом этишмоқда, бироқ у қия орбита бўйлаб ҳаракатланиши боис ҳам топиш ниҳоятда қийин бўлаяпти. Мабодо учинчи фазовий тезликда Қуёш системаси сарҳадларидан чиқиш мумкин деб тахмин қилсак, у ҳолда Ерга ўзга олам вақиллари келиши ҳам бемалол мумкин.

Қадим замонларда осмонда рўй берган ғаройиб ҳодисалар тўғрисида ҳикоя қилувчи афсоналарда, Инжилдаги ривоятларда кўрсатилган сана 7600 ва 3600 йил муқаддам Коинот вақиллари Ерга ташир буюрган вақтга тўғри келади...»

Ана шу сайёрани Ванга 1979 йили «кашф этган», унинг номи Вамфид ва Ердан санаганда учинчи сайёра, Ванга мулоқот қиладиган ва унинг башоратларида ёрдам берадиган Коинот меҳмонлари айнан шу сайёранинг аҳолиси деб бир лаҳзага бўлса ҳам тасаввур қилиб кўрайлик. Тўғримики шу? Ҳозирча ўта хаёлий бўлиб турган башоратларимизни тасдиқлаш учун бошқа онгли мавжудотдан хабар олганимизча ёхуд улар билан тенг даражада мулоқотни бошлаганимизга қадар яна 200 йил кутганимиз керак.

Бироқ саккиз йил муқаддам ўз бошимдан ўтган ва бир умрга хотирамда қолган бир ғаройиб ҳодисани бирон-бир тарзда изоҳлашга Вангадан фарқли ўлароқ мен қодир эмасман.

Бир-бирдан ажабтовур саволлари, истаклари муаммолари билан Ванганинг ҳузурига кимлар келмайди дейсиз. Баъзилар «Спортлот»нинг навбатдаги ўйинида қандай рақамларга ютук чиқишини билмоқчи бўлади. Бошқалар ҳазина кўмилган жой қаердалигини айтиб берсангиз, дейди. Уларнинг айримлари ҳатто харита олиб келишади. Ванга уни қўлига олган заҳоти ҳазина қаерга яширилганини дарҳол аниқлаб беради деб ўйлашади. Бебилиска пул топиш дардида юрган бу хил кимсаларни Ванга жаҳл билан олдига солиб қувади.

Лекин, мана, кунлардан бир кун Рупитеда онамнинг олдига бир киши келиб, уни қабул қилишга Вангани кўндириб беришни сўради. Араб ҳарфларини эслатувчи ўн қатор белгилари бўлган аллақандай ғижим қоғозни ҳам кўрсатди. Қоғознинг юқори қисмидан худди ёш бола чизгандек жимжима чизиқлар тушиб келган эди. Бу харита деб тушунтириб келувчи.

Кейин бу киши харитани Софийада хилма-хил профессорларга кўрсатгани, бироқ белгилар ҳеч бир тил ҳарфларига ўхшамаслиги боис ҳам уни ҳеч ким ўқиёлмаганини тафсилотлари билан узок тушунтириб берди. Шунинг учун ҳам у харитани «ўқиб» ҳазина қаердалигини айтиб берармикан, деган илинжда Ванганинг олдига келган экан.

Онам Ванга бу тоифа кишиларни қабул қилишни ёқтирмаслигини билгани учун ҳам учрашувдан воз кечишга маслаҳат берди. Лекин айни пайтда бу кишига ҳам ачинди, шу маҳал десангиз, мен эшитиб туриб қулоқларимга ишоналмай, ҳайратда қолдим. Онам ҳалиги кишига қизи, яъни мен шу хил ёзувларни ўрганганим, улар билан шуғулланишим, балки харитани ўқий олишим мумкинлигини айтди. Ҳар қандай она каби у ҳам фарзандига ортиқча баҳо беради.

Бояги киши энди менинг олдимга келди ва ҳикоясини бутун тафсилотлари билан яна бошидан бошлади.

Мен унинг гапларига умуман қулоқ солмадим, фақат ғижим қоғозга бирров кўз югуртириб чиқдим. Э-ҳе, менга йўл бўлсин! Араб ва эски турк ёзуви соҳасидаги билимларим мактагулик бўлмаса, бу жумбоққа тишим ўтармиди? Қолаверса, софийалик профессорларнинг тахмини тўғри кўринади. Чиндан ҳам кўплай белгилар араб ҳарфларига ўхшаб кетади, лекин мутлақо тушунарсиз, майда геометрик шаклларни эслатувчи белгилар ҳам учарди.

Бироқ онам мени шу хил ёзувлар бўйича мутахассис деб таништирганидан кейин начора. Бу жумбоқни ҳал қилишга уриниб кўришлари учун софийалик мутахассисларга кўрсатиш мақсадида матни кўчириб олдим.

Хаританинг эгаси суюниб кетди, маълум вақтдан кейин онам унга иш қандай бораётгани ҳақида хабар берадиган бўлди.

Турган гапки, бу воқеани ўша заҳотиёқ унутиб юбордим, зотан, у шунчаки кўкнори хаёл эканлигига имоним комил эди.

Шу суҳбатдан кейин онам иккимиз Петричга бориб бозор-ўчар қилдик, ҳамма ишимиз битганидан сўнг— вақт пешиндан ўтган эди— Рупитега қайтдик. Кутилмаганда Ванга мени одагидам оладиган хонасига чақириб, боғи киши билан суҳбатимизни бошдан-оёқ эшитганини айтди. Шунда мен харита ва ёзув ҳақида ҳикоя қилиб бердим-да, бош қотиришга ҳам арзимайдиган бир бемаънилик деб қўшиб қўйдим.

Ванга гапларини индамай эшитгач, сўз бошлади:

«Бу бемаънилик эмас. Гап шу қадар муҳим нарса устидан бораёптики, бу жумбоққа ўша кишининг ҳам, сенинг ҳам тишинг ўтмайди, уни умуман ҳеч ким чақа олмайди. Харита билан матн кўп йиллар муқаддам бир неча авлод томонидан кўчириб олиниган. Бироқ уларни ўқий олиш ҳеч кимнинг қўлидан келмайди. Бу ўринда гап кўмилган ҳазина устидан эмас, балки дунёга маълум бўлмаган бир ёзув устидан кетаяпти. Минг йил муқаддам ер остига чуқур кўмилган тоштобутнинг ички деворидан ҳам худди шундай ёзув битилган. Ҳатто ўша тоштобут топишдан тақдирда ҳам ёзувини ҳеч ким ўқий олмайди! Бу ёзув эса ниҳоятда муҳим! Унда икки минг йиллик ўтмишдан тортиб то икки минг йил келажакда бўладиган воқеалардан иборат дунё тарихи ёзилган.»

Бу тоштобут бизнинг еримизга Мисрдан келган кишилар томонидан яширилган. Карвонда туялар, қўллар, жангчилар ва олий ҳукмдорлар келишган. Бир кун тунда тоштобут ер остига ниҳоятда чуқур кўмилди, гувоҳлар эса битта қўймай қириб ташланди. Яъни, бу улғу сир бегуноҳ қон билан мустаҳкам қилиб яширилди. Вақти-соати келиб бу сир очилади, одамлар бу жумбоқни ечишади. Зотан, у — минг йиллик бебаҳо номадир.»

Ванганинг гапларини ҳайрат ичра тинглаб эканман, қулоқларимга ишонмасдим. Шу қадар мўъжиза — ҳанузгача маълум бўлмаган ёзув мавжудлиги, минг йиллардан кейинги авлодларга йўланган нома чиндан ҳам бор нарсамикан? Вангага ишонмай иложим йўқ, лекин бу воқеа ҳам ақл бовар қилмайдиган даражада ғаройиб-да.

Софийага қайтганимда кўчириб олган ёзувимни ҳамкасбларимга — эски ёзувлар бўйича мутахассислар ва таржимонларга кўрсатдим, улар эса бу ёзувини ўқиб бўлмайди, қандайдир бемаънилик бўлса керак дейишди. Мен ҳам шундай деб ўйлардим, бир кун ёзувини майдалаб йиртиб ташлаб юбордим.

Орадан маълум вақт ўтиб яна Петричга келганимда Ванга билан кутилмаганда яна харита ва яширилган тоштобут ҳақида гаплашиб қолдик. Бу ҳақида суҳбатлашиш Ванга учун қизиқарли эди. Менда эса у ўзининг гапларига ўзи ҳайрон бўлаётганидек бир туйғу уйғонарди.

«Ҳа, сизлар уни на топа оласизлар ва на ўқий оласиз. Вақти-соати етиб келмаган ҳали!»

Мен Вангага унинг айтганларини дўстларимга гапириб берганимни, улар Ванга қайтани кўрсатса ўша ерга, ҳатто дунёнинг чеккасига бўлса ҳам боришга тайёр эканликларини айтдим.

Ванга ҳеч қандай жавоб қайтармади. Кейин бошқа кишилар келиши-ю улар билан гаплаша бошлади, лекин мени кузатиб турарди. Назаримда у гоҳо-гоҳо нимагадир қулоқ солаётгандек кейин эса ниманидир кўраётгандек туюлди: киприклари кўтарилиб, кўзлари ҳаракатланар, ниманидир кузатарди.

Яна иккаламиз қолгандик, Ванга ногаҳон суҳбатимизнинг аввалги мавзуга мутлақо боғланмаган тарзда тоғлардаги аллақандай жойни тасвирлай бошлади. У худди китоб ўқиётгандек аста-секин ва дона-дона сўзлар, кўраётган нарсаларини— ўт-ўлан, майда тошчалар, қарийб кўз илғамас сўқмоқларни тўлиқ тафсилотлари билан баён қилиб беради. Кейин қандайдир катта қоғаз тўғрисида гапирди, бу жойга 5 май кун бориш кераклигини айтди. Нега айнан шу кун бориш керак деб сўрадим.

— Самовий жисмлар туфайли,— деди у.— Қуёш билан Ойнинг илк нурларига қараш лозим.

Шундай-ю, энди бас, бу тўғрида бошқа гаплашмаймиз дегандек қилди.

Қуёш ва Ой ҳақида гапини яхши англамадим, лекин биз уйда унга ортиқча савол беришга ўрганмаганимиз.

4 майда дўстларим билан саёҳатга отландик.

Қирма-қир дайдиб юравериш ҳафсаламни пир қилиб юборди. Туриб-туриб сафаримиз ўзини оқлашдан ҳам шубҳаланиб қолардим, ҳатто қўйинглар бу ишни, шаҳарга қайта қолайлик деб таклиф ҳам қилдим, лекин дўстларим унашмади. Шу боис ҳам Ванга аниқ ва муфассал тасвирлаб берган жойни ниҳоят тушгақин топганимизда қанчалик ҳайратланганимни тасаввур қила оларсиз. Қояни ҳам кўрдик. У мўъжазгина ялангликнинг шимолий тарафда экан.

Чор-атрофини синчиклаб кўздан кечириб чиқдик, аммо диққатга арзиғулик ҳеч нимани пайқамадик. Кун тафтида майсалар хуш бўй таратар, биллурий тоғ ҳавосида капалаклар қаноти товланар, тарвақайлаб кетган азамат дарахтларнинг япроқларидан қуёш нурлари ўйнаб кўзин олар эди.

Бироқ тушдан кейин ҳавонинг авзои бузилиб, шаррос ёмғир қуйиб берди. Биз дарахтлар панасига урдик ўзимизни, лекин бир соатга бормай сувга тушган мушукдек ивиб кетдик. Уст

кийимлару озик-овқатни чодирда қолдиргандик, сув қоғозхалталар ичигача кириб борибди. Емғир икки соатга яқин куйди, лекин тингандан кейин ҳам булутларга бурканган осмон ҳануз бадқовоқ эди.

Бу орада қош қорая бошлади. Уст-бошимизни қуришиб олиш учун катта гулхан ёқдик, тунни ҳам шунинг ёнида ўтказишга қарор қилдик. Бу менга энгилтакликдек кўринди аввалига, суяк-суякларигача ивиб кетган беш нафар одам зим-зиё тунда тонг отгунча ўтириб чиқишида нима маъно бор ахир? Лекин дўстларим тонг отишини шу ерда кутиб, у ёғига нима бўлишини кўрамиз, деб овёк тираб туриб олишди. Лекин, мутлақо бегона бу жойга аслида бекор келдиг-ов, ҳавонинг авзои очиладиган кўринмайди, башарти булутлар тарқаб кетмаса, ниманиям кўра олардик деган хавотирли ўй менга тинчлик бермасди барибди.

Тонг отишини ўчаёзган гулхан теварагида гурунглашиб ўтирган ҳолда кутиб олдик. Ҳаво очилиб кетди, қуёшнинг илк нурларини кута бошладик. Ялангликни кесиб ўтиб, қоянинг тагига бориб турдик. Нега айнан шу ерга келиб турганимизни билмайман. Бир дўстимизнинг кечаги кашфиёти туфайлидир балки: қоянинг юқори қисмида катталиги ликопчадек келадиган ва, чамаси, анча аввал ўйилган учта айлана бор экан, археологлар «солярий» деб аташди бу хил нарсаларни. Айланалар учбурчакни ташкил қилган бўлиб, унинг учи ерга йўналтирилган эди.

Ярим соат ўтди, ҳеч нима рўй бермади. Кейин тўсатдан битта қуёш нури қоя чўққисидан ярқиради, пастга солярий айланаларига қадар тушди ва улар бўйлаб чапдан ўнгга ҳаракатланар экан ёруғлик учбурчагини ҳосил қилди. Биз бу манзарани йигирма дақиқача кузатиб турдик, кейин бутун қоя ёришиб кетди. Ёруғликини бу ўйини тасодифий бўлдимиз ёинки аллақандай қизиқарли ҳодисани кузатдикми— буни билмаймиз, бироқ Ванга қуёшнинг илк нурларини айнан 5 май кун кузатишни буюргани бизни ниҳоятда ҳаяжонлантириб юборган эди.

Кейин кун бўйи рўй берган ҳодисани муҳокама қилдик, қояни, ўзаро учбурчак ҳосил қилган айланаларни синчиклаб кўздан кечириб чиқдик ва энди Қуёшнинг синглиси ой нималар кўрсатишини кўриш илнжиде тун киришини орзиқиб кута бошладик.

Ҳаммаси яна такрорланди. Ой чиқишидан уч соатча аввал шаророс эмғир куйди. Яна суякларимизгача ивиб кетдик. Булутларга бурканган осмон яна бадқовоқ эди. Сўнгра қош қорая бошлади. Биз бирон нима кўришдан ҳатто умид қилмаган ҳолда тагин қоя тагига бориб турдик. Лекин булутлар аста-секин тарқалиб яна ярим соатлар ўтгач, у ер-бу ерда дастлабки юлдузлар жимирлай бошлади.

Ногаҳон битта ой нури— ҳатто у қаердан пайдо бўлганини ҳам билмай қолдик— қуёш нурининг ёруғлик ўйинини такрорлади. У ҳам қоя чўққисидан тушиб келди ва солярий айланаларида тўхтаб, ўн беш дақиқа мобайнида чапдан ўнгга ҳаракатланиб, учи ерга қараган учбурчак ҳосил қилиб турди. Сўнгра нур ғойиб бўлди. Биз қоп-қоронғи қоядан уч-тўрт қадам бериде қотиб турардик. Ҳеч ким оғиз очмас, лекин ҳамманинг кўнглидан бир ўй ўтарди: «Ёруғликининг қоядаги бу ўйини тасодифмикан ёхуд тонгни ва тунги ҳодисалар ўртасида бирон-бир қонуният бормикан?»

Бироқ энг ғаройиб воқеа энди бошланаётган экан.

Орада бир неча дақиқа ўтгач, қоянинг жанубий, силлиқ томони ёрқин-қулранг тусда баайни телевизор экранидек ёришиб кетди. Кейинги лаҳзада ана шу экранда икки кишининг шарпаси кўринди. Улар ниҳоятда баҳайбат бўлиб, экраннинг қарийб ҳаммасини эгаллаган, силлиқ деворнинг эса баландлиги 5 метр, эни 3—4 метрдан кам эмасди. Шарпалар шу қадар яққол ва бўртиб кўринардик, исталган лаҳзада девордан ажралиб, бизга қараб кела оладигандек туюлиб кетди менга. Биз кўрқувдан тахтадай қотиб қолган эдик.

Бу манзарани бир умрга унута олмайман. Қоянинг чап томонида кекса киши, аниқроғи либоси ергача ва сочлари елкасигача тушган қария бор бўйи билан турарди. Унинг чап қўли пастга туширилган, олдинга чўзилган ўнг қўлида эса у тўпга ўхшаш

юм-юмалоқ нарсани тутиб турар, лекин бу тўп эмас, қандайдир номаълум аппарат эди.

Орқада, ўнг томонда ва баландда фиръавнини эслатувчи иккинчи шарпа юксалиб турарди: суянчиқли ўриндиқда ёш йигит ўтирибди, оёқлари пастга туширилган, қўллари ён таянчларда. Бош кийими баланд, қўлоқлари узра антеннага ўхшаш бир нима бор. Шарпалар қоя сатҳида уларни синчиклаб назардан кечириб, пурта эслаб қолганимизга қадар анча узоқ кўриниб турди. Кейин ҳамма нараса тун қўйинига сингиб кетди.

Ниҳоят, биз ўзимизга келиб фонус ёғдусида соатга қараганимизда бу ҳодисани йигирма дақиқача қадар кузатганимиз маълум бўлди.

Кейин тезда чодир томон йўл олдик, қоронғида юкимизни зудлик билан йиғиштирдиг-у сўқмоқни фонусда ёритганча, тошлару илдизларга қоқилиб-суқилиб, индамай, лекин шошилиш равишида пастга тушдик. Орада икки соатларча ўтиб, шаҳарнинг дастлабки чироқларини кўрганимиздан кейингина энгил тин олдик.

Ўзимизни сал тутиб олганимиздан сўнг ким нима кўрганини суриштира бошладик, шунда бу шарпаларни бешаламиз ҳам кўрганимиз, тасвирларимиз ўзаро фарқ қилмаслиги маълум бўлди...

Ванганинг «Қуёш ва Ойнинг илк нурларини кузатиш керак», деган гапи ёдимга тушди. У билан қариндошлигимиз туфайли мени шу воқеага руҳан тайёр бўлган деб ўйлаши мумкин баъзилар. У ҳолда ҳамроҳларим-чи? Ешимиз, маълумотимиз, айниса эътиқодимизга кўра ҳар-хил одамларимиз-ку! Аллақандай мавжудот бизга кўринмас иккита ҳайкал ўрнатганлари ҳақида Ванга кўрган рўени ўша пайтда умуман эсламаганим. Ванга тўғрисида асар ёзишга киришиб, 1979 йилдаги хотираларимга дуч келмагунча бу ҳодиса етти ухлаб тушимга ҳам кирмагани. Демак, ишонтириш ҳақида гап ҳам бўлиши мумкин эмас. У ҳолда ўшанда юз берган ҳодиса нима ўзи? Нима учун Ванга бизни у ерга айнан 5 май кун юборди?

Эртаси кун Ванганинг ҳузурига бориб, бўлган воқеани батафсил гапириб бердим. У ниҳоятда қизиқиб тинглади, лекин уни шарҳлаб бермади.

Бу ҳодиса менга ҳануз тинчлик бермайди. Қандай мавжудот ҳақида гап борапти ўзи, уларни бу ерга ким, нима учун, қандай мақсадда ўрнатган?

Биз ўша ерга тонгда ҳам, тунда ҳам кўп марта бордик, аммо бошқа ҳеч нима кўрмадик. Кейин ақл бовар қилмас даражадаги бу ғаройиб ҳодиса тўғрисида ҳеч кимга айтмасликка қарор қилдик. Ванганинг сўзларини эсламан: «Мўъжизалар даври келади, илм-фан моддий бўлмаган соҳаларда йирик кашфиётлар қилади. 1990 йили қадимги замонлар тўғрисидаги тасавурларимизни тубдан ўзгартириб юборадиган ҳайратомуз археологик кашфиётларга гувоҳ бўламиз. Яширилган жами олтин ер юзига чиқади, лекин сув яширинади. Тақдирини азалда шундай белгиланган!»

Рустам ОБИД таржимаси.

ТАРЖИМОНДАН: кароматчилар ва пайғамбарлар инсоният тарихининг барча даврларида бўлган, улар ҳақида ривоят афсоналар орқали биламиз. Ванга эса— замондошимиз. Мўъжизаларини кўз ўнгимизда яратади— яқин олис ўтмишга қайтади, ҳозирги даврни билади, келажакдан хабар беради, қалбимизнинг энг яширин қатларига назар ташлайди, руҳият ҳамда вужуд дардларини даволайди, бизга номаълум оламларда меҳмон бўлади, алоҳида одамнинг, бутун бошли халқлар, шаҳарлар, давлатлар, бутун дунёнинг тақдирини айтиб беради, табиат билан сўхбатлашади.

Жияни Красимира Стоянова Ванга тўғрисида бадний-ҳужижатли қисса ёзди. Ҳамир учидан патир деганларидек, юқорида шу асардан бир парча ўқидингиз. Ванга ҳақидаги қисса «Фан ва турмуш»нинг 1991 йилдаги сонларида тўлиқ эълон қилинади.

Ежемесячный научно-популярный журнал АН УзССР «Фан ва турмуш» («Наука и жизнь») № 1 (423) 1991 г.

Қўлёзма ва расмлар қайтарилмайди

Саҳифаловчи Ҳалима
Усмон қизи
Бадний муҳаррир
Уста ВАЛИ

Ойномамиз мақолалардан фойдаланилганда «Фан ва турмушдан олинган» деб кўрсатилиши шарт.

Телефон: 33-07-05; 39-04-11; 39-04-12; 39-04-84; 39-03-88

Унвонимиз: 700000, Тошкент ГСП(П) Гоголь кўчаси 70-уй

Теришга 19.11.1990 йилда берилди. Босишга 12.12.1990 йилда рухсат этилди. Қоғоз 60×90^{1/8}. Ботиқ босма. Ботиқ босма қоғози. Шартли босма т. 4,0. Шартли рангли намуналар 10. Нашриёт-ҳисоб т. 5,0. Нухсаси 365071. Буюртма № 4440. Нашр № 483. Нархи 60 т.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Қўмитаси нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент шаҳри, ГСП, 700083 «Правда» газетаси кўчаси, 41-уй.

© «Фан ва турмуш»

Маълумки, қибла — намоз вақтида сажда қилинадиган томондир. Тўғри, исломнинг илк даврида қибла аниқ бўлмаган, баъзан осмонга қараб, баъзан Фаластиндаги Қуддус шаҳри томонга сажда қилинган. 2-ҳижрий (624-милодий) йили эса Маккадаги Каъба (Байтуллоҳ) барча мусулмонлар учун қибла қилиб белгиланган.



Қибла ниҳоятда муқаддас ҳисобланади. Ҳар бир мусулмон, қаерда бўлмасин, албатта ўша томонга қараб намоз ўқийди. Масжидларда меҳроб қибла томонга қараб ишланади. Исломдаги кўп маросимлар ҳам, одатда, қиблага қараб бажарилади. Ҳатто марҳум дағри этилганда ҳам юзи қиблага қаратиб қўйилади.



Ҳозир дунё томонларини аниқлаш қийин эмас. Лекин ўтмишда-чи! Вақтин-ку қуёшга қараб белгилаш мумкин бўлган, бироқ бегона ўлкаларда сафарда юрган мусулмон, карвонда юртма-юрт кезаётган аҳли савдо намоз ўқиш пайтида қибла қайси томондалигини қандай аниқлай олган!



Ушбу саҳифада 1551 йили тунислик жуғрофий олим Али ибн Аҳмад аш-Шарафий аш-Сфаксий яратган (гоҳи унинг ўғли Мухаммадга нисбат берилувчи) қўлёзма хартининг бир саҳифасини кўриб турибсиз. Фусункор ҳусниҳат билан безатилган бу чизма ҳеч қандай оҳанрабо миллисиз ҳам қибла қайси томондалигини аниқ кўрсатадиган қибланомадир.




Уни ишлатиш бағоят қулай. Кўриниб турибдики, чизманинг ташқи гардишида қора кўрсаткич бор, бўлмаларга эса турли мамлекатлару шаҳарларнинг номи битилган ва чизма марказига Каъба тасвири туширилган. Сафардаги мусулмон чизмани қора кўрсаткич шимолни кўрсатгунча айлантириши кифоя бўлган, шунда ўзи турган ер номи ёзилган бўлмадан чиққан тўғри чизиқ ўртадаги Каъба тасвири орқали ўтиб қибла қайси томондалигини аниқ кўрсатиб беради. Ҳаж сафаринда ҳам олис йўлни қисқартириш учун қибланома катта ёрдам берган.



Бундан ташқари, бу қибланома катта илмий аҳамиятга ҳам моликдир, зотан, у бўйича замонавий олимлар ўтмиш даврдаги мусулмон Шарқда жуғрофий билимлар нечоғли аниқ ва тўлиқ бўлгани хусусида ҳолис фикр юрита оладилар.



Зеро, қибланома бўлмаларида 130 дан зиёд мамлакат ва шаҳар денгиз ва орол тоғлару дарёларининг номи битилган. Бу номларнинг қарийб ярмини эса қувваи ҳофизаси кучли бўлган мутахассис олим ҳам дафъатан тушуниб ета олиши даргумон. Мисол учун маълуму машҳур Самарқанд ва Бағдод, Бахрайн ва Кобул, Истамбул ва Мадина каби номлар қаторида Волгабўйи Булғори, Африканинг Сонгай далайти сингари аллақачонлар йўқолиб қетган номларни ҳам учратасиз.




ҚИБЛАНОМА

Хуллас, сиз кўриб турган қибланома нафақат амалий, балки илмий жиҳатдан ҳам ҳануз ўз қийматини йўқотмаган.

Бироқ ўрта аср сайёҳлари учун бу номлар таниш эди. Шунингдек, чизманинг ғарбий бўлмаларига битилган, Оврупонинг Урта денгиз соҳилидаги шаҳарлари бўлган Гранада, Мессина, Неаполь, Бриндизи кабиларнинг номи ҳам хилма-хил мамлакатларнинг кемалари, денгиз савдогарларию қароқчилари учун кўҳна қароргоҳ — Тунисда яшаган муаллиф учун табиий эди.

Сарандиб — Цейлон ороли, аз-Зинж — Заинибар. Куку — Конго, Бундукия — Венеция эканлигини ҳозирда ҳамма ҳам биллавермаса керак. Яъжужлар Девори (Буюк Хитой девори), Кумуш орол (Япония бўлса керак), Зулмат денгизи (Шарқий Хитой денгизи бўлиши эҳтимол), ёки Ой тоғлари сингари номлар эса афсонавийдек туюлади.



● Чет эл сафаридан қайтган олимларнинг сафар таассуротларидан муштарийларни баҳраманд этиш анъанага айланган. Муҳарририятимиз бу йил ҳам шу анъанани давом эттириш ниятида. Бу гал география фанлари доктори, Тошкент дорилфунунининг профессори, жумҳуриятда хизмат кўрсатган фан арбоби Зиёвуддин Акрамов Испания диёрида олган таассуротларини баҳам кўради.

